

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ**

***ИСКАНДАРОВ Э., НОРМУРОДОВА Н.***

**ШАХС РИВОЖЛАНИШИНИНГ ПСИХОЛОГИК ПЕДАГОГИК  
ДИАГНОСТИКАСИ КУРСИДАН АМАЛИЙ ВА  
ЛАБОРОТОРИЯ МАШҒУЛОТЛАРИ ИШЛАНМАЛАРИ**

***Ўқув услубий қўлланма***

Искандаров Э., Нормуродова Н. “Шахс ривожланишининг психологик педагогик диагностикаси” курсидан амалий ва лаборатория машғулотлари ишланмалари. Ўқув услубий қўлланма. Самарқанд давлат чет тиллар институти нашри, 2008.

Ушбу қўлланма мактабгача ва оилавий таълим магистрантлари учун мўлжалланган бўлиб, «Шахс ривожланишининг психологик-педагогик диагностикаси» курсидан амалий ва лаборатория машғулотларини инновацион педагогик технологиялар асосида ташкил этиш учун зарурий ўқув-методик материаллар, тарқатма материаллар ва психодиагностик методикалар ва тестларни ўз ичига олган. Ўқув-методик қўлланма психология ва психодиагностика масалалари билан қизиқувчи педагоглар ва талабалар учун ҳам мўлжалланган.

**Тақризчилар:**

*п.ф.д. М. М. Махмудова*

*п.ф.н. С. Ўтаназаров*

**Муҳаррир:**

*доц. п.ф.н. С.Н.Абдувоҳидов*

## Кириш

Ушбу ўқув методик қўлланма мактабгача ва оилавий таълим мутахассислиги магистрлари учун мўлжалланган. Олий ўқув юртида юқори малакали педагогик кадрлар етиштиришда психология фанининг ўрни катта. Зеро, психология жамиятнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлган инсонни шакллантиришда алоҳида аҳамият касб этади. Биз тайёрлаётган мутахассислар психология фанини, айниқса унинг амалий татбиқий жиҳатларини чуқур ва пухта ўзлаштирган тақдирдагина ёш авлодни ҳар томонлама камолга эришган кишилар қилиб тарбиялай олишлари мумкин.

«Шахс ривожланишининг психологик педагогик диагностикаси» курсининг асосий мақсади – бўлғуси мутахассисларга ўзлари танланган ихтисослик бўйича малакаларини янада мустаҳкамлаш, миллий истиқлол ғояси ва миллий мафқуранини таълим тарбия соҳаси ходимлари онгига сингдирилиш даврида янгича тафаккур ва дунёқарашни шакллантиришни психодиагностик тамойиллари, шарт – шароитлари тўғрисида билимлар бериш, уларда диагностик текширув кўникма ва малакаларини шакллантириш ҳамда психологик амалиётда улардан самарали қўллай олишлари учун асос яратишдан иборат.

Курснинг асосий вазифаларига магистрларда шахснинг қобилият, хотира, диққат, тафаккур ва иқтидорни ўстириш йўллари ҳамда жамоада болалар ижтимоий мавқени аниқлаш ҳақида билим, малака ва кўникмаларини шакллантиришдан иборатдир. «Шахс ривожланишининг психологик педагогик диагностикаси» курси бўйича ўтказиладиган амалий ва лаборатория машғулотларининг мақсади магистрант-талабаларни психологик ва педагогик диагностика услублари ҳамда экспериментал тадқиқотлар орқали уларни бўлажак касбий фаолиятга, мустақил фикрлашга ўргатиш, фикрлаш маданиятига оид касбий кўникмаларни ривожлантириш ва муомала сирларини ўргатишдан иборатдир.

*Фан бўйича талабаларнинг билимига, уқувига ва кўникмасига қўйиладиган талаблар:*

А) магистр қуйидаги илмий ва амалий билимларга эга бўлиши лозим:

- психодиагностика фанининг бозор иқтисодиёти шароитидаги ўрни ва аҳамияти, эгаллаган билимларни амалиётда татбиқ этиш соҳалари ва йўналишларини билиш;
- психодиагностика тарихи;
- психодиагностиканинг замонавий ва ишчи методлари ва уларни конкрет хизмат кўрсатиш методларидан хабардор бўлиш;
- психодиагностиканинг психологик асослари;
- билиш фаолияти психодиагностикаси;
- интеллект психодиагностикаси;
- шахс психодиагностикаси;
- шахслараро муносабатлар психодиагностикаси;
- шахснинг индивидуал, жинсий ва ёшга боғлиқ хусусиятлари, ҳар бир ижтимоий вазиятда фуқаролик онги ва масъулиятини шакллантиришнинг диагностик воситаларини аниқлай олиш;
- гуруҳлар шароитида ходимининг шахсини ташҳис қилиш, социал–психологик

тренинг методларини тажриба-синовдан ўтказиш ва амалиётда қўллаш.

Б) магистр қўйидаги кўникмага эга бўлмоғи керак:

- шахс ривожланишини психологик ва педагогик диагностика қилиш қўшимчаси;
- ўз иқтидори ва қобилиятларини ўстиришнинг диагностик технологияларини ўзлаштириш;
- психодиагностик тестларнинг самарали ва қулай шакллари ишлата билиш ва синаб кўриш;
- ижтимоий–психологик иқлимни ўрганиш ва уни мувофиқлаштириш уқуви;
- ўзининг фаол–ижодий фаолиятини бошқариш ва мантикий фикрлаш орқали ижтимоий диагностик жараёнларни башорат қилиш;
- гуруҳларда энг илғор психодиагностик технологияларни жорий этиш ва амалиётда синаб кўриш.

В) магистр – талабаларда қўйидаги кўникмалар бўлиши керак:

- шахс ривожланишини психологик ва педагогик диагностика қилиш кўникмалари;
- психодиагностик тестлар тузиб, жамоатчилик фикри мониторингини ишлаб чиқиш;
- таълим тарбия соҳасида зиддиятли шароитларда ўзини тута олиш ва ўзгалар руҳиятини тушуниш кўникмаларини амалий фаолиятда қўллаш билиш.

### ***Ўқув режасидаги бошқа фанлар билан алоқаси***

Психодиагностика фани ўқув режасига киритилган психологиянинг бошқа тармоқлари билан узвий алоқада. Психодиагностика умумий психология, ёш даврлари психологияси, ижтимоий психология, дифференциал психология, меҳнат психологияси каби фанлар билан алоқада. Шунингдек, психодиагностика фани психологик маслаҳат, психо–коррекция, психологик ташвиқот ҳамда психологик профилактика билан ўзаро боғланган. Психодиагностика курси мутахассислик малакасини шакллантирувчи таълим тарбия жараёнини лойиҳалаш, касбий этика ва этикет кабилар билан узвий боғланган.

### **Фанни ўқитишдаги янги технологиялар**

«Шахс ривожланишининг психологик педагогик диагностикаси» курсини ўқитишда янги педагогик технологиялардан кенг фойдаланиш назарда тутилади. Хусусан, маърузаларнинг муаммоли шакллари, аудитория билан диалог шакллари, ақлий хужум, давра суҳбатлари, гуруҳларда баҳс–мунозара, тренинг, кичик гуруҳларда ишни ташкил этиш, ролли ўйинлар каби интерфаол ўрганиш методларидан фойдаланиш кўзда тутилади. «Чархпалак», «Лойиҳа», «Бумеранг», «Кластер», «Резюме», «ФСМУ», ва бошқа янги педагогик технологиялар қўлланилиши мўлжалланмоқда. Талабаларнинг интеллектуал салоҳиятини синаб кўриш ва мустақил тафаккурини шакллантириш мақсадида тестлар ўтказилади. Дидактик ва техник воситалар, талабалар билимини баҳолашнинг рейтинг назорат тизимини қўллаш.

### **Фанни ўқитиш семестрлари ва услубий кўрсатмалар**

Фан магистрлик биринчи босқичнинг биринчи семестрларида ўқитилади, фан бўйича талабаларга назарий билим, дарсликлар, маъруза мантилари ва

тарқатма материаллар мавжуд. «Шахс ривожланишининг психологик педагогик диагностикаси» курсини чуқур ва мукамал эгаллаш учун магистр талабаларга жаҳон психологлари, жумладан мустақил ҳамдўстлик давлатлари ҳамда ўзбекистонлик олимларнинг психодиагностика соҳасида яратилган асарларини мустақил ўрганиш ва улар юзасидан мустақил илмий ишлар – реферат, назорат ишлари ёзиш ва кўргазма қуроллар тайёрлаш тавсия этилади. Магистрлар билимларини назорат қилиш ва баҳолаш рейтинг Низомига кўра ёзма ишлар, тест сўровлари, муаммоли тестларни ёзиш, оғзаки сўровлар ҳамда таълим-тарбия муассасаларига уюштирилган психологик амалиёт экскурсиялари материалларини таҳлил қилиш асосида амалга оширилади.

### **Умумий ва ўқув ишларнинг турлари бўйича ҳажми**

Фан учун жами - 90 соат ажратилган, шулардан: маъруза машғулоти учун –20 соат, амалий машғулот учун - 20 соат, лаборатория машғулоти учун - 20соат, мустақил таълим учун – 30 соат.

### **«Шахс ривожланишининг психологик педагогик диагностикаси» фани ўқув машғулотларининг семестрлар бўйича тақсимоти**

<i>Машғулот тури</i>	<i>1 семестр</i>	<i>Жами</i>
Маъруза		20
Амалий машғулот		20
Лаборатория машғулоти		20
Мустақил таълим		30
Жами		90

Ўқув методик қўлланмани тайёрлашдан мақсад, биринчидан, адабиётлар етишмаслигининг маълум даражада олдини олиш бўлса, иккинчидан, энг муҳими, «Шахс ривожланишининг психологик педагогик диагностикаси» курси бўйича назарий ва амалий билимларни талабаларга янги илғор педагогик технологиялар асосида, осон, тушунарли, мисолларга бой қилиб етказишдир.

Ўқув методик қўлланмани тайёрлашда Э.Ғозиевнинг «Психология», «Тафаккур психологияси» китобларидан, В.Каримова, Ф.Акрамованинг «Психология»дан маърузалар матни, О.Э.Ҳайитов, Н.Х.Лутфуллаеванинг «Психодиагностика ва амалий психология», Н.Б. Матмуратованинг «Психодиагностика фанидан маърузалар матни», А.В.Петровский таҳрири остидаги «Умумий психология» дарслигидан фойдаланилди. Шунингдек, айрим психик жараёнларни ёритиш, назарий фикрларни шарҳлашда умумий психология бўйича хрестоматиялардан, психолог олимларнинг энг янги тадқиқотларидан, вақтли матбуот материаларидан ҳам фойдаланилди. Ушбу қўлланманинг ўзига хослиги, бир томондан мавзулар ёритилиш тартиби янги мантиқий узвийликда бўлса, иккинчи томондан психологиянинг амалий жиҳатларига кўпроқ эътибор қаратишга, талабаларда ўзларининг ва бошқаларнинг психологик хусусиятларини билишга қизиқишини орттиришга, ҳамда амалий машғулотларни фаол ўрганиш усуллари, янги педагогик технологиялар асосида ташкил этишга имконият яратишга ҳаракат қилинди. Ҳар бир мавзу учун режа, қисқача унинг мазмуни, мавзуга оид таянч сўзлар, адабиётлар рўйхати ҳамда амалий машғулотларнинг янги педагогик технологиялар асосидаги ишланмалари ва ҳар бир амалий машғулот

ишланмасидан кейин муस्ताқил амалий ишлаш учун психологик тестлар ва топшириқлар берилган.

## **“Шахс ривожланишининг психологик педагогик диагностикаси” курсидан амалий машғулотлар ишланмалари**

### **1–мавзу: «Шахс ривожланишининг психологик педагогик диагностикаси» курсининг предмети, мақсад ва вазифалари.**

Режа:

1. Психодиагностика ва педагогик диагностика ибораларини эшитганингизда фикрингизга қандай сўзлар, иборалар келади. (Ақлий ҳужум) - 5 дақиқа.

2. Шахс ривожланишининг психологик педагогик диагностикаси курсини ўрганишнинг аҳамияти ҳақидаги фикрлар мунозараси. (3x4 педагогик технология асосида) -25 дақиқа.

3. Шахс ривожланишининг психологик педагогик диагностикаси курсининг предмети, мақсад ва вазифалари. (Кичик гуруҳларда ишлаш методи орқали) - 35 дақиқа.

4. Дарсга яқун яшаш - 5 дақиқа. Ғ Ғ

### **Машғулот учун зарурий услубий тавсиялар ва ўқув дидактик тарқатма материаллар**

1. Психодиагностика ва педагогик диагностика ибораларини эшитганингизда фикрингизга қандай сўзлар, иборалар келади, деган савол билан магистрларга мурожаат этилади. Бунда биз интерфаол усуллардан бири ақлий ҳужум усулини қўллаймиз. Ақлий ҳужум - ғояларни генерация (ишлаб чиқиш) қилиш методидир. «Ақлий ҳужум» методи бирор муаммони ечишда талабалар томонидан билдирилган эркин фикр ва мулоҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум бир ечимга келинадиган энг самарали методдир. Ақлий ҳужум методининг ёзма ва оғзаки шакллари мавжуд. “Ақлий ҳужум” иштирокчилари олдида қўйилган муаммо бўйича ҳар қандай мулоҳаза ва таклифларни билдиришлари мумкин. Айтилган фикрлар ёзиб борилади ва уларнинг муаллифлари ўз фикрларини қайтадан хотирасида тиклаш имкониятига эга бўлади. Метод самараси фикрлар хилма-хиллиги билан тавсифланди ва ҳужум давомида улар танқид қилинмайди, қайтадан ифодаланмайди. Ақлий ҳужум тугагач, муҳимлик жиҳатида кўра энг яхши таклифлар умумлаштирилиши, синфлаштирилиши тизимлаштирилиши ва муаммони ечиш учун зарурлари танланиши мумкин.

2. «Шахс ривожланишининг психологик педагогик диагностикаси» курсини ўрганишнинг аҳамияти ҳақидаги фикрлар мунозарасини «3x4» педагогик технология асосида ташкил этиш учун гуруҳ 4 та кичик гуруҳларга бўлинади. Ҳар бир гуруҳ учун бир варақ қоғоз олиниб, унга «Шахс ривожланишининг психологик педагогик диагностикаси» курсини ўрганишнинг аҳамияти ҳақида 3 тадан гуруҳ фикрини ёзишини ҳамда, бу фикрлар ёзилган қоғозни (соат стрелкаси йўналиши бўйича) кейинги гуруҳларга узатиш таклиф этилади. Кейинги гуруҳ эса яна бу ҳақда учта фикр билан тўлдириши ва кейинги гуруҳга узатиши лозим. Шу тарзда давом этиб, ҳар бир қоғозда 12 тадан фикрлар мужассам бўлгач, гуруҳлар бу фикрларни

таҳлил этиб, гуруҳнинг бир умумлаштирилган фикрини билдиришлари талаб этилади.

3. «Шахс ривожланишининг психологик педагогик диагностикаси» курсининг предмети, мақсад ва вазифаларини муҳокама этиш учун кичик гуруҳларда ишлаш методидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Кичик гуруҳларда ишлаш учун гуруҳ 4 та кичик гуруҳга бўлинади ва уларга қуйидаги тарқатма материаллар берилиб, ушбу масалалар бўйича тақдимотлар тайёрлаш топширилади.

1-гуруҳ учун тарқатма материал.

### **Психодиагностика нима?**

«Психодиагностика» сўзининг моҳияти «психологик ташҳис қўйиш» ёки кишининг мавжуд психологик ҳолати ва хусусияти ҳақида қарор қабул қилишни англатади.

Психодиагностика – амалий жиҳатдан психологнинг деярли барча фаолият доираларида, яъни психологик-педагогик тадқиқотларда муаллиф ёки иштирокчи сифатида қатнашаётганда, психологик маслаҳат ҳамда психологик коррекцион (тўғрилаш ва ривожлантирувчи) ишларни амалга ошираётган жараёнда қўлланилади. Аммо кўпинча амалий психологнинг ишларида психодиагностика – фаолиятнинг алоҳида мустақил тури сифатида намоён бўлади. Унинг мақсади – психологик ташҳис қўйиш, яъни кишини мавжуд психологик ҳолатини баҳолаш орқали ифодаланади. Психодиагностиканинг назарий асослари психология фанининг турли жабҳалари, жумладан, умумий, дифференциал, тиббий, ёш даврлари психологияси каби соҳаларга асосланади. Унинг методик усулларига эса, индивидуал-психологик хусусиятларни ўрганиш, олинган натижаларни қайта ишлаш ва таҳлил қилишнинг аниқ йўл-йўриқлари киради. Психодиагностика соҳасидаги назарий-методик ишларнинг йўналишлари авваламбор психологик амалиёт талаблари асосида белгиланади. Ушбу талабларга мувофиқ усулларнинг махсус комплекси шаклланади.

Психодиагностик фаолият жараёнини методикалар апробацияси, талаблар йўриқномасини ишлаб чиқиш, тадқиқотларни ўтказишдаги қонун-қоидаларни яратиш, натижалар таҳлилининг усулларини шакллантириш ҳамда маълум методларнинг имконият ва чекланишларини муҳокама қилиш ташкил этади.

Диагностик фаолият ўз мақсадига кўра ташҳис (диагноз) йўналишининг турли кўринишларига эга бўлади. Қўйилган ташҳис ўрганилаётган хусусиятларни шакллантиришга ёки коррекцион ишларни ташкил этишга қаратилган амалий тавсиялар билан ифодаланади.

Шундай қилиб, диагностика ёрқин намоён бўлувчи индивидуал-психологик, психофизиологик хусусиятлар асосида олинган маълумотларни таққослаш билан алоҳида киши ёки маълум шахслар гуруҳи борасида хулоса чиқариш демакдир.

### **1.2. Психодиагностика предмети ва вазифалари.**

Болалар боғчасидаги болаларнинг қобилият ва лаёқатларини ҳар тамонлама ривожлантиришга, улар шахсини шакллантиришга қаратилган. Педагогика жараёнининг махсулдорлиги педагогнинг ўз тарбиячиларини яхши

билишга, таълим ва тарбиянинг хилма-хил методларини қўллашга боғлиқ ҳаракат қиладилар. Болаларнинг бундай ҳолатлари чегара ҳолатлари сифатида, психик тараққиёт камчилиги сифатида шахс акцентуациясининг турли кўриниши сифатида таснифланиши мумкин. Уларни аниқлаш учун болалар психологияси, клиник потопсихология ва психатрия каби соҳалардаги билимлар талаб қилинади. Бундан ташқари тарбиячига қаровсизлик каби муаммоларни ҳал қилишга тўғри келади.

Ўқитувчи таълим ва тарбиядаги қийинчиликлар нима учун ва қандай қилиб пайдо бўлишини тушуниш учун, у аввало бола психик тараққиётининг асосий қонуниятларини билиши ва турли психик ҳолатларни, психологик-диагностика методларини эгаллаши зарур. Ўқитувчининг психодиагностик тадқиқот ёки доимий кузатиш жараёнида олинган натижаларни болалар билан ишлашда қанчалик тўғри фойдалана олиши ҳам зарур ҳисобланади.

Тажрибага асосланган фан сифатида XIX-аср охирида вужудга келди. Худди шу даврда психологияда ўлчаш ғояси кенг тарқалди. Психодиагностиканинг мустақил фан соҳасига айланиши олимларнинг инсонлар психикасидаги индивидуал фарқларга қизиқишининг ортиши билан боғланган.

Психодиагностика психологик диагноз қўйиш ҳақидаги фандир. Бунда диагноз кўрсаткич ва тавсифномаларни биргаликда таҳлил қилиш асосида синалувчининг ҳолати ва хусусиялари ҳақидаги хулосаларидан иборатдир.

Психологик диагноз (diagnosis - грекча, аниқлаш, билиш деган маънони англатади) - шахс индивидуал-психологик хусусиятларининг ҳозирги ҳолатига баҳо бериш, ривожланишини олдиндан айтиб бериш (прогноз қилиш) ва психодиагностик текширув вазифаларидан келиб чиқиб, тавсиялар ишлаб чиқишга қаратилган психолог фаолиятининг сўнгги натижасидир.

Психодиагностик тадқиқотлар амалиётида психологик диагноз қўйишнинг 3 босқичи фарқланади:

Симптоматик диагнозда дастури мавжуд ҳар қандай ЭХМ бажариши мумкин бўлган тадқиқотда олинган натижалар қайта ишланади.

Этнологик дагнозда (келиб чиқиш сабаблари) бирор хусусиятнинг мавжудлигини эмас, балки унинг вужудга келиш сабаблари ҳам ҳисобга олинади.

Типологик диагнозда синалувчи шахс тузилишида олинган натижаларнинг аҳамияти ва ўрни аниқланади.<sup>1</sup>

Психодиагностика психологиянинг илмий ва амалий жабҳаларидан ташқари унинг бошқа соҳаларида кенг камровда қўлланилади. Масалан, тиббий психология, патопсихология, инженерлик психологияси, меҳнат психологияси каби инсоннинг психологик хусусиятларини билиш талаб қилинадиган барча соҳаларда фойдаланилади.

Илмий ва амалий психодиагностика қайд этилган барча ҳолатларда ҳам ўзига хос муҳим вазифаларни ҳал этади. Уларга қуйидагилар киради:

1. Инсондаги мавжуд бирор психологик хусусият ёки хулқ-атвори ҳолатини аниқлаш;

2. Мазкур хусусиятнинг шаклланганлиги, яъни унинг миқдорий ва

---

<sup>1</sup> Матмуратова.Н.Б. Психодиагностика фанидан маърузалар матни. - Т., 2000й.



сифатий кўрсаткичларда намоён бўлиши даражасини ўрганиш;

3. Зарур бўлган ҳолдагина шахснинг ташҳис қилинаётган хулқ-атворидаги психологик хусусиятларини очиб бериш;

4. Ўрганилаётган хусусиятларнинг шаклланганлик даражасини таққосий ишланмасини яратиш.

Амалий психодиагностикада санаб ўтилган вазифаларнинг ҳар бири алоҳида ёки комплекс тарзда олиб борилаётган тадқиқот мақсадига мувофиқ амалга оширилади.

Демак, психодиагностика психологдан профессионал фаолияти жараёнида махсус тайёргарлик талаб қилувчи мураккаб соҳадир. Психолог (ташҳисчи) эгаллаши керак бўлган билим, кўникма ва малакалар шунчалик кенг ва мураккабки, унинг ўзлаштирилиши билан психодиагностикани профессионал психолог фаолиятининг негизи сифатида эътироф этилишига сабаб бўлади. Ҳақиқатан ҳам амалий психологларни малакали мутахассис этиб тайёрлаш аҳамиятга молик омилдир.

### **Илмий ва амалий психодиагностиканинг асосий масалалари.**

Психология фанида «психологик ташҳис қўйиш» сўзининг икки хил тушунчаси мавжуд. Биринчиси, «психодиагностика» - амалиётда турли психодиагностик усуллардан фойдаланиш мумкин бўлган психологик билимлар доирасини ифодалаб, у ўз ичига ташҳис жараёнини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этадиган қуйидаги қатор масалаларни қамраб олади:

1. Психологик хусусиятлар табиати ва уларни илмий баҳолаш имкониятларининг мавжудлиги қандай?

2. Психологик хусусиятларни аниқлаш жараёнида ва миқдорий баҳолаш вақтдаги умумий бўлган илмий асослар ҳолати қай тарзда?

3. Ҳозирги вақтда қўлланилаётган психодиагностик усуллар қабул қилинган умумилмий, методологик талабларга қанчалик мос келади?

4. Психодиагностиканинг турли усулларига қўйиладиган методологик талаблар нималардан иборат?

5. Амалий психодиагностика, жумладан, ташҳис жараёнларини амалга ошириш шароитларига қўйиладиган талаблар, олинган натижаларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш усулларининг ишончлилиқ даражасини асослиги қандай?

6. Психодиагностик методларнинг илмийлигини текшириш ва уларни яратиш жараёнлари қандай амалга ошади?

Иккинчиси, «Психодиагностика» - психологик ташҳиснинг амалий жиҳати билан боғлиқ бўлган психологнинг махсус фаолият доирасини ўз ичига қамраб олади.

Бунда, нафақат илмий, назарий балки, психодиагностикани ташкиллаштириш ва уни амалга ошириш жараёнига алоқадор амалий масалалар ёритилади. Унинг таркибини:

1. Психодиагност сифатида психолог учун қўйиладиган махсус талабларни аниқлаш;

2. Ўз фаолиятини малакали ташкил этишда керак бўлган билим ва кўникмалар тартибини жорий қилиш;

3. Психологнинг психодиагностик методларни муваффақиятли ва малакали ўзлаштирилишидаги айрим амалий шарт-шароитларни яратиш ҳамда уларга риоя қилиш зарурати;

4. Психодиагностик доирада фаолият кўрсатадиган психологни амалий жиҳатдан тайёрлаш ҳамда унинг компетентлигини баҳолашда дастур, метод ва усулларни ишлаб чиқиш масалалари ташкил этади.

Юқоридаги назарий ва амалий масалалар бир-бири билан ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, ушбу соҳада етук мутахассис бўлиш учун психолог, психодиагностиканинг ҳар иккала асослари билан яхши қуролланган бўлиши керак. Фақатгина назарий, амалий ёки барча методларнинг илмий асосларини тушуна билмасдан мутахассис сифатида профессионализмга эришиб бўлмайди.

Демак, психодиагностика - психологик-педагогик диагностиканинг энг яхши ривожланган ва муҳим йўналишлардан бири бўлиб, унга шахснинг ақлий ривожланиш даражасини аниқлаш, ўз-ўзини баҳолаши, психологик ҳимоя усулларини шахс ўзининг психик ҳолатларини, уларнинг характерининг асосий сифатларини ва бошқа индивидуал-психологик хусусиятларини ўрганишга қаратилгандир.

2-гурӯҳ учун тарқатма материал.

### **Педагогик диагностика нима?**

Собиқ СССРда «педагогик диагностика» термини 50-60 йилларда А.С.Белкин томонидан турли журналлардаги мақолаларда киритилади. Педагогик диагностиканинг атамалари ва методологияси унинг 1979 йилда «Шахсларнинг педагогик қаровсизлиги» номли ўқув қўлланмасида батафсил баён қилинди.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, 80 йилларгача, «Педагогик диагностика» атамаси асосан мақолаларда, турли тезислар ёки кам тиражли тўпламларда учрайдиган, 80 йилдан бошлаб эса, шу вақтгача педагогика ва психология фанларининг ҳамкорлик соҳаси сифатида шаклланиб, ривожланиб келаётган, кўпчилик алоҳида билим ва тажриба соҳаси, деб қарамаётган бу соҳа энг долзарб соҳалардан бирига айланмоқда. Бунинг исботи сифатида қуйидаги далилларни келтиришимиз мумкин.

1987 йилда А.И.Кочетов таҳрири остида «Мактабда педагогик диагностика», 1988 йилда Н.К.Голубевнинг «Тарбия жараёнини диагностика ва прогноз қилиш» асарлари босмадан чиқди. 1990 йилда Тошкентда К.З.Зариповнинг «Ўқитувчилар малакасини оширишнинг узлуксиз тизимда педагогик диагностика», 1992 йилда Екатеринбургда Е.А.Михайловичнинг «Педагогик диагностиканинг назарий асослари» мавзусидаги докторлик ишлари ҳимоя қилинди.

Чет элларда бу соҳада олиб борилган ва рус тилига таржима қилиниб, ўзбек мутахассислари ҳам танишиш имкониятига эга бўлган ишлардан К.Ингенкампнинг 1991 йилда босмадан чиққан «Педагогик диагностика» (муаллифнинг ёзишича педагогик диагностика атамаси у томонидан 1968 й. таклиф қилинган ва киритилган) асарида анча кенг ёритилган.

Педагогик диагностика мазмунига қисқача тўхталиб ўтамыз:

*Тарбияланганлик даражасини диагностика қилиш* - бу йўналиш шахсларнинг тарбияланганлигини, уларнинг хулқ-атворини, одоб-ахлоқини, тарбияланганлигини (тарбиявий таъсирларга берилиши)ни ўрганишдан иборатдир.

*Ташкилий-методик диагностика* - педагогларнинг квалификациясини, ўқув жараёнининг услубий таъминланганлик даражасини баҳолашдир.

*Дидактик диагностика* - педагогик жараёни такомиллаштириш учун хизмат қилишдир (ўқув жараёнининг ташкилий методик томонларидан ташқари). Шахсларнинг оғзаки ва ёзма жавобларини, жавоблардаги типик хатоларни, уларнинг сабабларини, ўқув фаолиятидаги салбий ўзгаришларни, шахсларда ўқув меҳнат малака ва кўникмаларнинг ривожланганлик даражасини, таълим олишга нисбатан мойилликлари диагностика қилинади.

*Ижтимоий-педагогик диагностика* - шахсларнинг педагогик қаровсизлиги, мослашганлик даражаси, тарбияси оғир болаларни диагностика қилишда ижтимоий омилларни ҳисобга олувчи йўналишдир. Диагностика педагоглар томонидан мактабдан, ўқув юртидан ташқарида олиб борилади. Шу сабабли диагностика жараёнида оила социологияси ва иқтисоди, ҳуқуқ социологияси, дам олиш социологияси, иқтисодий социология каби соҳаларда қўлланиладиган методикалар ва кўрсаткичлардан фойдаланишни тақозо этади.

*Ижтимоий психологик-педагогик диагностика* - бу йўналиш социология, ижтимоий психология, педагогикани ўз ичига қамраб олган бўлиб, шахслар, педагоглар, ота-оналар гуруҳларини, шахсларга оммавий коммуникация воситаларининг (радио, телевизор, газеталар ва ҳ.к.) таъсирини, шахсларнинг бурч ва ҳуқуқлари, улар орасидаги муносабатларни ўрганишга йўналтирилгандир.

3-гуруҳ учун тарқатма материал.

### **Шахс ривожланишининг психологик педагогик диагностикасининг предмети, асосий вазифалари ва йўналишлари.**

Шахс ривожланишининг психологик педагогик диагностикасининг предмети шахс руҳий хусусиятлари, қобилиятларини, уларнинг ривожланиш, тарбияланганлик ва таълимда муваффақиятлилик даражаларини аниқлаш ва ташҳис қўйиш масалаларини ўрганишдан иборатдир.

Психологик-педагогик диагностика курсининг асосий вазифалари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- а) талабаларни психологик-педагогик диагностиканинг назарий асослари, йўналишлари босқичлари ва принциплари билан таништириш;
- б) диагностика қилишнинг турли методикаларини амалда қўллашга ўргатиш;
- в) шахслар психологиясида, хулқ-атворида юз берган салбий ўзгаришларни тузатиш, уларга ёрдам бериш усуллари билан қуроллантириш;

Унинг мақсади – таълим ва тарбия жараёнида шакллантирилаётган шахснинг индивидуал сифатларини, ривожлантирилиши ёки шакллантирилиши лозим бўлган хусусиятларнинг мавжудлиги (бошланғич) даражаси ва ўқув жараёнидаги ўзгаришлар динамикасини ўрганишдир.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, психологик-педагогик диагностика предмети сифатида авваламбор боланинг таълим жараёнида

(масалан, билим даражаси) ва тарбия жараёнида (характер хусусиятлари) шакллантириладиган сифатларни кўрсатиш мумкин.

Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикасида билимларни баҳолашнинг рейтинг тизимига ўтиш, таълим жараёнини такомиллаштириш, шу жумладан тест методининг билимларини баҳолаш усули сифатида кенг қўлланилиши, турли психологик методикаларга, айниқса, шахсларнинг ақлий ривожланиш даражасини ўрганишга бўлган қизиқиш ва эҳтиёжларининг ошиши Руспубликамизда педагогик ва педагогик-психологик диагностиканинг назарий ва амалий жиҳатдан ривожланишига катта туртки берди.

Психологик-педагогик диагностика бугунги кунда мактаб, боғча ва бошқа турли типдаги ўқув билим юртлари психологлари ва педагоглари олдида турган муҳим вазифалардан, уларнинг реал эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда шаклланмоқда ва ривожланмоқда.

Психологик-педагогик диагностиканинг ривожланиб келаётган фан тармоғи эканлиги, унинг амалий ва долзарблиги билан бир вақтда бу соҳани аниқ чегаралари, бошқа фанлардан фарқи ва ўзига хос хусусиятлари ҳозирча тўлиқ таркиб топмаганлигини кўрсатиб ўтиш лозим. Шунинг учун биз психологик-педагогик диагностиканинг баъзи томонларигагина қисқача тўхталиб ўтишга ҳаракат қиламиз.

Шундай томонларидан бири, шаклланиб келаётган фан соҳасининг асосий объектлари қандай йўналишларда иш олиб борилишига тўхталиб ўтмоқчимиз.

Психологик-педагогик диагностиканинг асосий йўналишлари педагогик амалиётнинг талаб даражасидан келиб чиққан ҳолда шаклланмоқда. Шу сабабли ҳам унинг йўналишларини бу йўналишларнинг моҳиятини психологик-педагогик диагностика педагогик амалиётнинг қайси соҳаларида қўлланилишини кўрсатмасдан туриб тўлиқ очиб бериб бўлмайди. Биз қуйида психологик-педагогик диагностика қўлланилиши жуда катта амалий аҳамиятга эга бўлган соҳалардан бир нечтасини шартли равишда (ҳаётда эса улар умумий, битта педагогик жараённинг ажралмас қисмларидандир) ажратиб олдик. Улар қуйидагилар:

1. Таълим-тарбия назарияси ва методикаси.
2. Бошқариш ва амалиёт.
3. Дидактика ва хусусий методика.
4. Педагогик социология.
5. Ижтимоий психология.
6. Педагогик психология.

Бу соҳаларнинг асосий вазифалари, предмети педагогик ва психологик адабиётларда, ўқув қўлланмаларида жуда кенг ёритилмаслигини ҳисобга олиб уларга батафсил тўхталиб ўтмаймиз.

Юқорида келтирилган ҳар бир соҳада психолог ёки шу соҳаларга қизиқувчи мутахассислар маълум диагностик ишларни амалга оширадилар. Мана шу ишлар мажмуаси психологик-педагогик диагностиканинг йўналишларини ташкил қилади. Ҳар бир соҳада ўзига хос диагностик ишлар олиб борилади ва бу ишларнинг мазмуни психологик-педагогик диагностиканинг йўналишларини ташкил қилади.

Бу йўналишларга қуйидагилар киради. (Михайлович Е.А.,1997)

1. Тарбияланганлик даражасини диагностика қилиш.
2. Ташкилий-методик диагностика.
3. Дидактик диагностика.
4. Ижтимоий-педагогик диагностика.
5. Ижтимоий психологик-педагогик диагностика.

4-гуруҳ учун тарқатма материал.

### **Психологик педагогик диагностиканинг асосий тамойиллари.**

Албатта, ҳар қандай фан соҳаси ўзига хос объектга ва предметга ва уларга мос келадиган тадқиқот ёки амалий ўрганиш методларига, ўз тамойилларига эгадир. Психологик-педагогик диагностикада қўлланиладиган методлар ва тамойиллар ҳозирги замон психология фани ва педагогика фанида орттирилган илмий, амалий тажрибалар, шаклланган тамойиллар асосида шаклланмоқда. Шу билан бирга ўз хусусиятларига эга ҳамдир. Бунинг сабаби педагогик-психологик диагностикада қўлланиладиган методлар ва тамойиллар фанда бирор янгилик очишдан кўра кўпроқ мавжуд билимлар, методлар, тамойилларнинг амалда самарали қўлланишига хизмат қилади. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, психологик-педагогик диагностиканинг қуйидаги тамойилларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

1. Диагностика назарияси ва методларининг илмий асосланганлиги. Диагностика объектини яхлит равишда генетик ва тизимли таҳлил қилиш, уларни моделлаштириш, қўлланиладиган методикалар, кўрсаткичларнинг илмий аниқлигини, валидлигини пухта ишлаб чиқилган методологик асосларда таъминлаш. Илмий асосланганлик тамойили қўлланилаётган методикаларнинг этник ижтимоий муҳитга, шу жумладан диагностика ўтказилаётган ўқув юрти ва ўқув гуруҳига мослигини талаб қилади. Бу тамойилга амал қилиш педагог-диагностларни турли хил енгил, кўзига яхши кўринган ёки қўлига тушиб қолган методикаларни билиб-билмай қўллашдан сақлайди.

2. Диагностиканинг изчиллиги ва аниқ йўналганлиги. Психологик-педагогик диагностика бошқа психодиагностик, педагогик диагностикадан фарқли равишда аниқ йўналишга, аниқ объект ва мақсадга қаратилган. Шу сабабли диагностика фаолияти (жараёнининг) натижалари умумий хулосалар, абстракт мулоҳазалардан эмас, балки аниқ шахсга, аниқ гуруҳга тегишли бўлиши, диагностика натижасида аниқ хулоса чиқариб, камчиликларни бартараф қилиш, ёрдам беришнинг аниқ йўллари кўрсатиб бериш лозим.

3. Диагностика шакл ва методларининг оптималлиги. Қўлланилаётган методикалар, шахсга ёндашиш усулларининг амалиётчи психолог, педагог ёки педагог-диагностга кам куч ва вақт сарфлаб муҳим, сифатли, катта амалий аҳамиятга эга маълумотлар йиғишга имкон бериши. Диагностиканинг шакл ва методларининг оптималлигини таъминлаш учун педагогикада ва психологияда кўп йиллар давомида қўлланиб келаётган, қулай, оддий ва шу билан бирга самарали методларини танлаш зарур.

4. Ўрганиш объекти ҳақидаги фактларни йиғиш, баён қилиш ва тўғри йўлга солишнинг бирлиги. Ўрганилаётган объект ҳақида маълумотлар йиғиш, уларни педагогларга кўрсатиш ва диагностика жараёнида ўрганилаётган шахсга

ёки ўқув-тарбия жараёнини такомиллаштиришда, камчиликларни бартараф қилишда ўқув юрти раҳбарларига, педагогларга маълум психологик, педагогик ёрдамлар бериш, тўғри йўлга солиш, қўллаб-қувватлаш функцияларининг биргаликда олиб борилиши.

5. Диагностиканинг кетма-кетлиги ва узлуксизлиги диагностиканинг босқичма-босқич амалга ошира бориб, ўқув жараёнига, шахснинг ўзлаштиришига халақит бераётган сабабларни очиш, олинган натижаларни кейинги босқичларда, ўқув-тарбия жараёнида узлуксиз фойдаланишда юзага чиқади.

6. Диагностика методлари ва жараёнларининг қулайлиги ва оммабоплиги. Диагностика методларининг оддийлиги, педагоглар, амалий психологлар, ўқув юрти раҳбарлари, текширилувчи учун қулайлиги, уларда диагностикага нисбатан қизиқиш, интилиш уйғотишга хизмат қилишини таъминловчи тамойил.

7. Дидактиканинг ҳар томонлиги (комплекслиги). Бу тамойил шахс шахсини, ўзининг индивидуал-психологик хусусиятларини, руҳий жараёнларининг ривожланганлик даражасини, ўқув фаолиятининг бошқа хусусиятларини ўрганиш учун танланган методлар ва методикалар шахснинг бир бутун ҳар томонлама ўрганиш, таърифлаш, ёндошиш имконини беришда юзага чиқади. Диагностик методикалар бир-бири билан боғлиқ бўлиши, бир-бирини тўлдирishi бу тамойилнинг асосий тадбирларидан биридир.

8. Диагностиканинг шахс ривожланишининг келажагини, оқибатларини олдиндан кўра олиш (прогноз қилиш) имконини бера олиш. Ҳар қандай психологик-педагогик диагностика шахснинг кечаги ёки бугунги кундаги ривожланиш даражасини, ўқув жараёнининг ташкил қилинганлик даражасини кўрсатиб бериш билан чекланиб қолмаслиги лозим. Диагностик жараёнида ўрганилаётган объектнинг келажаги, эртанги куни ҳам тараққиёт тенденциялари, ҳам маълум омиллар таъсирининг оқибатлари очиб берилиши керак. Шу ҳолдагина прогноз моҳиятидан келиб чиққан ҳолда таълим-тарбия жараёнида йўл қўйилаётган хатолар, шахс тараққиётидаги кўзга ташланган камчиликларни бартараф қилиш, тўғри йўлга солиш имконига эга бўламиз. Шу сабабли психологик-педагогик диагностика методларининг прогностик бўлиши энг муҳим талаблардан биридир.

## **2 – мавзу: Шахс шаклланиши ва ривожланиши.**

Режа:

1. Шахс ва унинг ривожланиши иборасини эшитганингизда фикрингизга қандай сўзлар, иборалар келади? (Ақлий ҳужум) - 10 дақиқа.

2. Шахс шаклланишига таъсир этувчи омиллар ва уларнинг ўрни ҳақида гуруҳий баҳс, мунозара ташкил этиш - 25 дақиқа.

3. Психика ва онгнинг пайдо бўлиши ва тараққиёти. Психиканинг нерв-физиологик асослари. (Кичик гуруҳларда ишлаш методи орқали) - 40 дақиқа.

5. Дарсга яқун яшаш - 5 дақиқа

## **Машғулот учун зарурий услубий тавсиялар ва ўқув дидактик тарқатма материаллар**

1. Шахс ва унинг ривожланиши иборасини эшитганингизда фикрингизга қандай сўзлар, иборалар келади (Ақлий ҳужум).

2. Шахс шаклланишига таъсир этувчи омиллар ва уларнинг ўрни ҳақида гуруҳий баҳс, мунозара ташкил этиш.

3. Болалар психик тараққиётининг асосий йўналишлари ва қонуниятлари. Психик тараққиёт ва таълим. Таълим ва тараққиёт тўғрисида А.С.Виготский таълимоти. Ёш тараққиётини даврларга бўлиш. Кичик гуруҳларда ишлаш учун гуруҳ 4 та кичик гуруҳга бўлинади ва уларга қуйидаги тарқатма материаллар берилиб, ушбу масалалар бўйича тақдимотлар тайёрлаш топширилади. Тақдимот тайёрлаш учун 20 дақиқа ва ҳар бир гуруҳ тақдимоти учун 4 дақиқадан, тақдимотлар муҳокамаси учун 4 дақиқа ажратилади.

1– гуруҳ учун тарқатма материал.

### **Шахс шаклланиши ва тараққиёти.**

Шахс ижтимоий, конкрет–тарихий шароитларда яшаши, таълим-тарбия олиши туфайли таркиб топади. Шахс тараққиётининг ҳаракатлантирувчи кучи нимадан иборат? Бу масалани ҳал қилиш юзасидан психология тарихида иккита оқим мавжуд бўлиб, улардан биринчиси шахс психик тараққиётининг биогенетик концепцияси, иккинчиси эса социогенетик концепциясидир.

Биогенетик концепцияга кўра инсон шахсининг тараққиёти биологик фактор, яъни наслий фактор билан белгиланади. Бу концепцияга кўра, одам психик фаолиятининг шакллариғина эмас, балки бу фаолият мазмуни ҳам гўё туғилишидан пешонасига ёзиб қўйилган эмиш, одамнинг психик тараққиёт босқичлари ва уларнинг юзага келиш тартиблари аввалдан белгиланиб қўйилган эмиш. Биогенетиклар педагоглардан болада тақдир йўли билан қандай шахсий сифатлар юзага келишини билиб туришни, лекин уларнинг юзага келишига қаршилик қилмасликни, аксинча ёрдам беришни талаб қиладилар.

Социогенетик концепция шахснинг тараққиётини унинг атрофидаги ижтимоий муҳитга боғлаб тушунтирадилар. Уларнинг айтишича, «одам ижтимоий муҳит нусхасидир». Социогенетик ҳам биогенетиклар сингари ривожланаётган одамнинг шахсий фаоллигини инкор қиладилар. Одам фақат атрофидаги муҳитга мослашадиган, пассив рол ўйнайдиган мавжудот деб қарайдилар. Агар социогенетик концепцияни тўғри деб билсак, у ҳолда нима сабабдан баъзи ҳолда бир хил муҳитда ҳар хил одамларнинг етишиб чиқиши тушуниб бўлмайдиган масала бўлиб қолади.

Шахс тараққиётини ҳаракатлантирувчи кучлар муаммосини ҳал қилишда диалектика таълимотига асосланиш лозим. Шахснинг фаоллиги одамнинг анланган ёки анланмаган мотивларининг мураккаб системаси орқали фаолиятга ундовчи эҳтиёжлар йиғиндисига боғлиқдир. Бироқ эҳтиёжларни қондириш жараёни ички қарама–қаршиликларга эга бўлган жараёндир. Одатда эҳтиёжлар пайдо бўлиши биланоқ қондирилмайди. Эҳтиёжларни қондириш учун моддий воситалар, шахснинг фаолиятга маълум даражада тайёр бўлиши, билимлар, кўникмалар ва шу кабилар зарурдир.

Шахс тараққиётида ирсият ва муҳитнинг ролини тўла инкор қилиб бўлмайти, балки ҳар иккисининг ҳам маълум даражада ўз ўрни бор. Лекин шахс тараққиётини белгиловчи асосий омил таълим–тарбия бўлиб ҳисобланади.

2– гуруҳ учун тарқатма материал.

### **Психик тараққиёт ва таълим. Таълим ва тараққиёт тўғрисида**

#### **А.С.Виготский таълимоти.**

Машҳур рус психологи Л.С.Виготский шахс психик тараққиёти хусусиятларини ўрганишга муҳим ҳисса қўшди. Унинг таълимоти инсонга хос бўлган психик жараёнлар ва инсон онгининг тарҳий ривожланишига бағишланади. Унинг фикрича, болалар психик тараққиёти инсоният маданиятини ўзлаштириши натижасида рўй беради. Бунда шахс шаклланишида таълим ва тарбия жараёнлари етакчи рол ўйнайди.

Л.С.Виготскийнинг фикрича таълим жараёни тараққиёт жараёнига мос келмайди, таълим жараёни тараққиётдан илгарилаб кетди ва болалар психикасининг тараққий этишини эргаштириб боради, унга энг яқин истиқбол очиб беради деб кўрсатади. Виготскийнинг фикрича тараққиётнинг 2 босқичи бўлиб, яъни 1) актуал тараққиёт босқичи (катта ёшли кишилар ёрдамсиз мустақил ҳаракат қила олиш); 2) энг яқин тараққиёт зонаси босқичи (болаларнинг катта ёшли кишилар ёрдами билан қиладиган ҳатти-ҳаракатлари) бор. Виготский болаларнинг психик ривожланиши айниқса шу тараққиёт жараёнида тезроқ ривожланади деб кўрсатади.

Тараққиётнинг бу икки босқичи боланинг ҳозирги вақтда қандай эканлигини, яъни қандай билим, малака ва кўникмаларга, характер-сифатларга эга эканлигини ва келажакда боланинг қандай билим, кўникмаларга, характер сифатларга эга бўла олишини ҳисобга олиш имконини беради.

Машҳур педагог А.С. Макаренко ҳам боланинг камолот имкониятларига катта эътибор бериб, «бола шахсини лойиҳалаш керак», деган эди. Яъни Макаренко тарбиячи таълим-тарбия жараёнида боланинг ҳозирги тараққиёт босқичини ҳисобга олиб келажакда қандай тараққиёт даражасига эришиш аниқ режаларга эга бўлмоғи керак, деб ҳисоблайди.

Таълим-тарбия инсоннинг камолга етишида етакчи омилдир. Чунки: а) таълим ва тарбия жараёнида, киши организмнинг ўсиши ва муҳитнинг стихияли таъсири беролмайдиган нарсаларни ўрганиб олиш мумкин. Масалан, савод чиқариш.

б) таълим-тарбия ёрдами билан болаларнинг баъзи туғма камчиликларини ҳам керак томонини ўзгартириш мумкин. Масалан, кўр, соқов, кар.

в) таълим-тарбия ёрдамида салбий таъсир натижасида юз берган камчиликларни тугатиш мумкин. Масалан, қўполлик, сўкиш.

г) таълим ва тарбия ўз олдига мақсад ва вазифалар қўяди ва комил инсон тарбиясини ривожлантиришни кўзлайди.

д) таълим жараёнида бола билимлар кўникма ва малакаларини ҳосил қилибгина қолмай, ўзи ҳам камолга етишиб боради, билим даражасини онгли равишда оширади.



Демак, таълим-тарбия табиий қобилиятларни ривожлантиришнинг, болаларни комил инсон қилиб тарбиялашнинг муҳим омилидир. Болалар психологияси болалар психологиясининг тараққиётига фаол фаолияти ролини ҳисобга олади. Чунки, бола тарбиянинг фақат пассив объектигина эмас, балки ўз фаолиятлари билан ҳам ўзига, яъни ўзининг психик тараққиётига фаол таъсир қилиб турадиган мавжудотлар. Тарбия боланинг фаол фаолиятларини ҳар доим тўғри ташкил қилиб, йўлга солиб турса, ундаги мавжуд сифатлар фаолиятнинг хар-хил турларида (ўйин, меҳнат, ўқиш) номоён бўлиб мустаҳкамлана боради. Чунончи, бола психикаси ўйин, ўқиш ўрганиш, меҳнат ва турли ижтимоий фаолият жараёнларида тараққий қилади. Фаолиятнинг бу турлари боланинг ўсиши ва ёш хусусиятларига мос равишда ўзгариб бири иккинчиси билан алмашилиб туради. М: боғчагача ва мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг асосий фаолияти ўйиндир. Чунки, ўйин бола табиатининг асосий хусусияти ҳисобланади. Бола ўйин орқали атрофдаги ҳаётни ва кишилар ўртасидаги турли муносабатларни билиб ола бошлайди. Ўйин тўғрисида Горький «Ўйин болалар яшаётган ўзгартириши лозим бўлган дунёни билиш йўлидир» деб айтади.

3– гуруҳ учун тарқатма материал.

Шахс онтогенез тараққиётида бир нечта ёш даврлари мавжуд. Уларнинг асосийлари қуйидагилар:

Мактабгача бўлган ёш даври.

Кичик мактаб ёши даври.

Ўсмирлик ёши даври.

Ўспиринлик ёш даври.

Ёшлик даври.

Катталиқ ёш даври.

Кексалиқ ёш даври.

Психолог олим Д.Б.Эльконин болалиқни психик тараққиёт ва бола фаолиятига асосланиб қуйидаги даврларга ажратади:

I гуруҳ - бевосита ҳиссий алоқа қилиш (гўдақлик).

II гуруҳ - предметларни қўл билан ҳаракатга келтириш фаолияти (ясли).

III гуруҳ - ролли фаолияти (мактабгача тарбия).

IV гуруҳ - ўқиш фаолияти (кичик мактабгача давр).

V гуруҳ - ўзаро самимий (сирдош) алоқада бўлиш (ўсмирлик).

VI гуруҳ - ўқув-профессионал (бирор ишни касб қилиб олиш фаолияти катта мактаб даврига тўғри келади). («К проблеме переодизации психического развития в детском воз-те» // “Вопросы психологии”, 1971 № 4.)

Эриксон шахс ривожланишини 8 босқичга ажратган.

Шахс ривожланишининг босқичлари. 1. Илк гўдақлик (0 – 1 ёш) 2. Гўдақлик (1 – 3 ёш)	Ривожланишнинг нормал йўналиши. Одамларга ишонч, ўзаро меҳрибонлик. Ўзига ишонч ва мустақиллик.	Ривожланишнинг аномал йўналиши. Одамларга ишончсизлик, онанинг бола билан ёмон муносабати. Ўзига ишонмаслик, ўта кетган уятчанлик.
--	---	--

3. Илк болалик (3 – 5 ёш)	Активлик.	Пассивлик, ташаббускорликнинг йўқлиги.
4. Ўрта болалик (5 – 11 ёш)	Меҳнатсеварлик, ҳаракатчанлик.	Ўзини камситган ҳолда ноқобил ҳис қилиш.
5. Ўсмирлик ва ёшлик (11 – 20 ёш.)	Ўз ҳаёт йўлини аниқлаш билан шуғулланади	Роллар чалкашлиги
6. Илк балоғат ёши (20 – 45 ёш)	Одамлар билан мулоқотда бўлишга интилиш. Турмуш қуриш, меҳнаткаш болаларни	Одамлардан четланиши (қочиш, узоқлашиш) бунда руҳий касаллик белгилари
7. Ўрта катталиқ (45 – 60 ёш)	тарбиялаш. Ижод. Ижодий камолот	кўрина бошлайди. Турғунлик, эгоизм, эгосентроизм.
8. Кейинги катталиқ (60 -...)	даври.  Тўлақонли ҳаёт, ўзини ўтмишини ўйлаб, кечирган умрини қандай бўлса, шундайлигича қабул қилади.	Армонлар уммонига чўқади. Сўнгги пушаймонлик.

### **3–мавзу: Психодиагностик тадқиқотларни ташкил қилиш ва ўтказиш.**

Режа:

1. Психодиагностик тадқиқот (тажриба) иборасини эшитганингизда фикрингизга қандай сўзлар, иборалар келади. (Ақлий ҳужум) - 5 дақиқа.

2. Психодиагностик тажрибаларга қўйиладиган асосий талаблар. Тажриба жараёнини стандартлаштириш. Маълумотларни тўплаш босқичи. Интерпретация ва қайта ишлаш босқичи. Ишончлилиқ. Валидлик. (Кичик гуруҳларда ишлаш методи орқали) - 35 дақиқа.

3. Шахс шаклланиши ва камолига таъсир этувчи омиллар (Ақлий ҳужум) - 5 дақиқа.

#### **Машғулот учун зарурий услубий тавсиялар ва ўқув дидактик тарқатма материаллар**

1. Шахс сўзини эшитганингизда фикрингизга қандай сўзлар, иборалар келади? (Ақлий ҳужум).

2. Психодиагностик тажрибаларга қўйиладиган асосий талаблар. Психодиагностик тадқиқот босқичлари. Ишончлилиқ. Валидлик (Кичик гуруҳларда ишлаш методи орқали).

Кичик гуруҳларда ишлаш учун гуруҳ 3 та кичик гуруҳга бўлинади ва уларга куйидаги тарқатма материаллар берилиб, ушбу масалалар бўйича тақдимотлар тайёрлаш топширилади.

1-гуруҳ учун тарқатма материал.

**Психодиагностик тажрибаларга қўйиладиган асосий талаблар.**

Тажриба ўтказиш давомида риоя қилиш керак бўлган талаблар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Синалувчиларга кўрсатмаларни ёзма равишда бир хил тарзда маълум қилмоқлик, оғзаки шаклда берилган тақдирда эса айнан ўша сўзлар ёрдамида бир хил тарзда эшиттирилиши;
2. Бирор синалувчига бошқаларга нисбатан ҳеч қандай имконият яратмаслик;
3. Эксперимент давомида айрим синалувчилар учун кўшимча тушунтирилишлар берилмаслик;
4. Турли гуруҳлар билан бўладиган эксперимент доимо имкон даражасида бир хил вақтда ва бир шароитда ўтказилиши;
5. Барча синалувчилар учун топшириқларни бажариш вақти бир хил белгиланиши ва ҳоказо;

Одатда методика муаллифлари унинг ўтказилиш жараёни ҳақида аниқ кўрсатмалар берадилар.

### **Тажриба жараёнини стандартлаштириш.**

Диагностик методикалар тадқиқот методларидан шу билан фарқланадики, бу методикалар стандартлашган ҳолда бўлади. Стандартлаштириш - тестни ўтказиш ва бажаришни баҳолаш жараёнининг бир хиллигидир. У икки хил тарзда изоҳ этилади: эксперимент жараёнига яқка талабларни ишлаб чиқиш ва диагностик синовлар натижаларини баҳолашдаги яқка мезонни (критерий) аниқлашдан иборат.

Диагностик методларни адекват ишлаб чиқиш учун эксперимент ўтказиш шароитларини ва унинг натижалари таҳлилини максимал даражада стандартлаштириш лозим бўлади. Эксперимент шартларини стандартлаштиришга қуйидагилар киради:

- а) экспериментни ўтказиш;
- б) инструкция;
- в) тестлаштириш жараёнининг тасвири.

Диагностик экспериментларни стандартлаштириш жараёни ўтказиладиган тадқиқотнинг шарт-шароитлари, кўрсатмалари, бланкалари, қайд қилиш усулларини бир хил шаклдагилигини аниқлатади.

Методикаларни стандартлаштиришнинг яна бир муҳим босқичи диагностик тадқиқотнинг натижаларини таққослаш мумкин бўлган мезонларни танлашдан иборат бўлади. (Чунки диагностик методикаларнинг муваффақиятли ёки муваффақиятсиз бажаришда олдиндан тайёрланган стандартлари мавжуд бўлмади).

Умуман, диагностик методикаларнинг нормага асосланган ҳолда стандартлаштирилиши - бу методика мўлжалланган гуруҳдан фарқланмайдиган бошқа каттароқ синалувчиларда ўтказиш билан амалга оширилишидир. Сараланган стандартлаштиришда синалувчилар гуруҳида махсус нормалар ишлаб чиқилади, бунда улардаги хусусият берилган топшириқнинг нафақат ўрта босқичида, балки ундан кам ёки кўп жиҳатли босқичида ҳам аниқланади. Натижада диагностик тажрибани муваффақиятли ва муваффақиятсиз бажарилишининг турли босқичларини баҳолаш мумкин. Бу эса конкрет синалувчининг сараланган стандартлаштиришга нисбатан ҳолатини аниқлашга имкон беради. (А.Анастази, 1982).

Жумладан, Стенфорд-Бине тести учун статистик норма 2,5 ёшдан 18 ёшгача бўлган синалувчилар таркибидан иборат саралашда аниқланган эди ва у 4498 кишидан ташкил топган. Натижада математик статистика асосида бажарилган мураккаб иш ёрдамида ақлий ривожланишнинг ёш нормалари чегаралари аниқланган. Улар 84 дан тортиб 116 гача диапазонда жойлашган. Таҳлили шундай қилинади: ушбу чегараларга кирмайдиган синалувчиларнинг натижалари норма атрофида деб баҳоланади. Кимнинг натижалари 84 дан кам бўлса, нормадан паст, натижалари агар 116 дан юқори бўлса демак нормадан юқоридир.

Психодиагностикада диагностик тажрибаларни баҳолашда бошқача ёндашиш ҳам мавжуд бўлиб, К.М.Гуревич томонидан яратилган тестларда ҳисоблашда статистик нормага аҳамият берилмайди балки, тажрибанинг натижаларига боғлиқ бўлмаган, объектив берилган ижтимоий-психологик норматив аҳамиятли ҳисобланади. Ижтимоий-психологик норматив тестни ташкил қиладиган топшириқлар йиғиндисидан иборат бўлади. Бинобарин, тестнинг ўзи мавжуд ҳажми билан бундай норматив бўла олади. Тестдаги индивидуал ва гуруҳий натижаларнинг таққосланиши талабга мувофиқ максимум даражада амалга оширилади. Баҳолаш мезони бўлиб эса, нормативга яқин бўлган натижалар босқичини акс эттирадиган кўрсаткичлар намоён бўлади.

### **Маълумотларни тўплаш босқичи.**

Диагностик методлар ёрдамида маълумотлар тўплаш жараёни ўрганилаётган ходиса ва киши ҳақидаги объектив ва субъектив кўрсаткичлар тўплами билан танишишдан бошланади. Барча машҳур психодиагностик методикалар муаллифлари тадқиқ қилинаётган синалувчининг ўтмиш ва ҳозирги ҳаёти ҳақида мукамал ўрганиб чиқишга катта аҳамият берадилар. Бу билан тадқиқотнинг асосий фони яратилади, ташҳис ва таҳлил учун зарур бўлган шахснинг умумий образи элементлари белгиланади.

Ваҳоланки, психодиагностик жараён «тадқиқотчи-синалувчи» каби ўзаро муносабат тизимини яратар экан, адабиётларда ушбу тизимга оид дахлдор турли ўзгарувчанлар таъсирини таҳлил қилишга диққат қилинади. Одатда вазиятли ўзгарувчанлар, тадқиқот ва вазифанинг ўзгарувчан мақсадлари, тадқиқотчи ва синалувчининг ўзгарувчанлари ажратилади. Бу кўрсаткичлар аҳамияти катта бўлса-да, уларнинг аҳамияти тадқиқот ўтказишда, уни таҳлил қилишда ва олинган натижаларни қўллай билишда инobatга олиниши лозим. Маълумки, тестлаштириш жараёнига кучли таъсир этувчи ҳамма омилларни ҳам назорат қилиб бўлмайди. Аммо тестлаштириш жараёнига тайёргарликда кутилмаган вазиятларни юзага келишини инкор этиш ҳамда ушбу жараённи бир маромда ўтказишни таъминлашдан иборат. Тестдан фойдаланаётган психолог, синалувчи ҳавола этилаётган топшириқ ва вазифаларга барча диққат-эътиборини йўналтирилганлигига, уларни ҳал этишда барча куч-қувватларини сафарбар этишларига тўла ишонч ҳосил қилиши керак.

Фанда психодиагностик вазиятлар классификацияси яратилган бўлиб, В.И.Дружинин (1990) ушбу вазиятларнинг тўртта варианты мавжудлигини таъкидлайди:

1) тадқиқотда ихтиёрий иштирок этиш ва кейинги босқичларни мустақил танлови (психологик маслаҳат);

2) тадқиқотда мажбурий иштирок этиши, аммо кейинги ҳаракатларда мустақил танловга эга бўлиши (тестни ишлаб чиқишда талабларни ўрганиш);

3) тадқиқотда мажбурий иштирок этиш ва тадқиқотдан сўнгги ҳаракат танлови боғлаб қўйилган (эгаллаб турган мавқеи талабларига кўра мос келувчи тестлаштириш);

4) тадқиқотда ихтиёрий иштирок, лекин кейинги ҳаракатлар боғланган (профессионал танлов). Шунини қўшимча сифатида айтиш керакки, ҳар қандай психодиагностик тадқиқотлар синалувчиларда тажриба мотивини фаоллаштиради, уни минимал даражага олиб келиш эса психолог вазифаларидан бири ҳисобланади.

Методикаларни танлаш шунга асосланадики, улар иложи борича шахснинг индивидуал хусусиятларини ўз ичига олган бўлиши керак бўлади. Бу – ўз ўрнида диагностик ечим ва таҳлилнинг аниқлигига сабаб бўлади.

Диагностик вазифаларга мос келадиган методикаларни танланиши, тадқиқотни ўтказилишини шакллантирилиши ва олинган натижалар фойдаланилаётган методикалар хусусиятлари асосида аниқланадиган бўлиши керак. «Хомаки» баҳолар стандарт катталикларга, аклий коэффицентларга айланади ҳамда «шахс кўриниши чизмаси» яратилади.

### **Интерпретация ва қайта ишлаш босқичи.**

Психодиагностик соҳадаги кўпгина мутахассислар, тадқиқотдан олинган натижаларнинг миқдорий баҳоланиши фойдали эканлиги тўғрисида фикр билдирадилар. Аммо тадқиқот маълумотларини умумлаштиришнинг қандай йўллари ишончлироқ башорат қилишга олиб бориши борасида қарама-қарши фикрлар ҳам мавжуд: клиник-субъектив тажрибага, интуицияга йўналтирилган, ёки статистик-объектив, критерийларга йўналтирилганларими?

Клиник ёндашув сифатли таҳлилга асосланган ҳолда амалга ошади. Унинг муҳим хусусиятлари “субъектив ҳукм”га ва профессионал тажрибага ишонч бўлганлигидадир. “Соф ҳолда”ги клиник ёндашув ҳақиқий фикрлашдан узоқ бўлмайди.

Статистик ёндашув объектив (миқдорий) кўрсаткичларни, уларнинг статистик қайта ишланишни инобатга олишни эътироф этади. Субъектив ҳукмнинг аҳамияти минимумга олиб келинади. Башорат эмпирик жиҳатдан аниқланган статистик мос келишлиги асосида амалга ошади. Клиник ва статистик башоратнинг самарадорлиги ҳақидаги масала психологлар томонидан кўп маротаба муҳокама қилинган ва ҳозиргача ҳам мунозаралар предмети бўлиб келмоқда.

Ушбу мунозараларга асос солган П.Мил (1954), бу соҳада анча тажрибага эга бўлганлиги боис шундай хулосага келадикки, статистик башорат клиник башоратга нисбатан самаралироқ эканлигини таъкидлайди. Чунки, психолог инобатга олиши керак бўлган диагностик маълумотлар ҳажмининг кенгайиб бориши аввалига ўсишига, сўнгра эса башоратнинг аниқлигини камайиб боришига олиб келади. Лекин бу клиник ёндашишлар психодиагностикада аҳамиятли ўрин эгалламайди, дегани эмас. Шахсни ҳар томонлама боғланишлар ва муносабатлар доирасида таърифлаш вазифаси турганда

статистик ёндашиш клиник ёндашишнинг ўрнини боса олмайди. Клиник ёндашувга муқобилини топиш мураккаб.

Диагностик тадқиқотларни тўлалигича амалга оширишда асосланган психологик хулосаларни қилиш зарур. Кўпгина диагностик вазиятлар клиник ва статистик ёндашувларнинг қарама-қарши таққосланишини эмас, балки гармоник жиҳатдан мослигини таъминланишини тақозо этади.

**Ишончлилик.** Ишончлилик - бу жараённинг объектларга нисбатан барқарорлигидир. Диагностик маълумотларнинг ишончлилиги ва сифати маълум даражада текширув методи сифатига боғлиқ бўлади. Улар мос келувчи техник текширув ёрдамида аввало коррекцион статик методлар ёрдамида аниқланади.

Психодиагностик методнинг ишончлилик даражаси учта шартга боғлиқ бўлиб, улар қуйидагилар:

- \* методнинг объективлиги;
- \* тест мисолларининг бир хиллиги;
- \* текширилаётган шахс хусусиятларининг мувозанатлашганлиги;

Методнинг объективлиги - бу олинган маълумотлар ва уларнинг психодиагностик интерпретациясини тадқиқотчига боғлиқ эмаслиги.

Г.Вицлак ўз қарашларида методнинг объективлигини учга бўлиб ўрганади.

- \* тест ўтказишнинг объективлиги;
- \* таҳлилнинг объективлиги;
- \* олинган маълумотлар интерпретациясининг объективлиги.

Маълумки, турли тадқиқотчилар бир-биридан мустақил ҳолатда айна психологик метод билан, бир хил экспериментал шароитда фойдаланадилар. Улар олинган натижалари солиштирилиб методнинг объективлик коэффеценти чиқарилади. Аммо методнинг объективлигини амалий жиҳатдан текширишда бир мунча қийинчиликлар вужудга келади, чунки бир хил экспериментал шароитларни вужудга келтириш жуда қийиндир.

Ишончлилик ҳар доим ҳам валидликни ифодаламайди. Кўпгина психологлар шундай хатога йўл қўйишадики, улар аввало текширишнинг маълум бир процедурасини тақлиф этиб, объектларни барқарор фарқ қила олишга бўлган ишончлилиги кўрсатилади-ю, аммо валидлик ҳақидаги масала очиқ қолаверади. Масалан, сенсор психофизикада ўрганилаётган сезги хусусиятлари оддий жисмоний стимуллар билан бир хил детерминациялашгани учун валидлик даражаси сезиларли аҳамият касб этмаса, дифференциал психометрикада валидлик муаммосининг аҳамияти кескин ошиб кетади. Шунинг учун биз қуйида валидликка алоҳида эътиборни қаратамиз.

**Валидлик.** Психодиагностикада валидлик - фаолиятни ўзлаштиришга бўлган муваффақиятни текширишда тест масалаларининг айна шу фаолият хусусиятларига мос келишини синаб кўришда қўлланилади. Фанда валидликнинг бир неча турлари фарқланади:

а) Конструктив валидлик - уни баҳолаш тестлаштириш объектини психологик таҳлил қилишни тақозо этади. Яъни, тест натижалари ажратилган хусусиятни қай тарзда текширишни ўрганади. Масалан, ўзлаштиришнинг

диагностик назоратида мужассам бўлмаган индикаторлар ҳақиқатдан ҳам ўқув жараёнининг шарт-шароитларини намоён қиладими ёки йўқми ва ҳоказо.

б) Критериал валидлик - тест натижалари ёрдамида, индивиднинг бизни қизиқтираётган хатти-ҳаракат аспектининг ҳозирги вақтдаги ва келажакдаги ҳолати ҳақида ҳукм чиқариш мумкинми ёки йўқми, деган масалани аниқлаш имконини беради. Буни аниқлаш учун тест натижалари ташқи критерийлар билан солиштирилади ёки турли тестлар натижалари таққосланади.

в) Прогностик валидлик - ташқи критерийлар ва синалувчининг ҳуққ-атвори башорати аниқланади.

Методнинг валидлиги - психодиагностик методнинг натижалари айни ўрганилаётган объект хусусиятларига мос келишидир. Валидлик тушунчасини ишончлилик тушунчасидан фарқини ўрганилаётган тадқиқотнинг “объекти” ва “предмети” фарқини ажратиш билан тушунтириш қулайдир.

Шунингдек, тест валидлиги унинг ишончлилигидан ошиб кетмаслиги зарур.<sup>2</sup>

2-гуруҳ учун тарқатма материал.

### **Психодиагностиканинг ахлоқий-маънавий нормалари. Психологик диагностика ҳамда психодиагност учун қўйиладиган ижтимоий-ахлоқий талаблар.**

Психологик тестлардан, сўровномалардан тўғри фойдаланиш мақсадида бир қатор эҳтиёт чоралари мавжудки, уларни амалда бажариш ишнинг самарасини оширади. Диагностик методларни қўлланилиши ва ёйилиши бизнинг мамлакатимиздаги ахлоқий стандартларга ёки профессионал ахлоқ кодексига бўйсунуши керак. Психолог-ташҳисчининг профессионал ахлоқий кодексига инсоният манфаатидаги фаннинг шаклланиши билан айрим индивидларнинг муваффақияти ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишдек қадриятларнинг низолари ўрин олган критик вазиятларга нисбатан диққат-эътибор қаратилган бўлиши керак. Психодиагностика соҳаси билан узвий боғланган, ҳозирда ғарб психологиясида маълум ечимга эга бўлган асосий ахлоқий муаммоларни кўриб чиқайлик.

**1. Диагностик методларни қўллайдиган кишилар малакасининг босқичи.** Диагностик методларни малакали тадқиқотчилар томонидан қўлланилиши талаби, уларни нотўғри ишлатилишидан индивидни ҳимоялашдаги биринчи қадам ҳисобланади. Албатта, зарур малака диагностик методлар турларидан келиб чиққан ҳолда ўзгариб боради. Масалан, интеллектнинг индивидуал тестлари, шахсий сўровнома ва тестлардан тўғри фойдаланишда, ўқув ва профессионал фаолиятда муваффақиятни тестлаш жараёнида керак бўлган оз миқдордаги махсус психологик тайёргарликка нисбатан узоқ вақт давомидаги тайёргарликни талаб қилади.

Яхши малакага эга бўлган психолог-ташҳисчи шундай методикаларни танлай билиши керакки, ҳам шахсий мақсад учун ўтказаетган диагностик жараёнга мос келсин, ҳам текшириладиган конкрет киши учун мос тушсин. Шунингдек, танланган методикаларга алоқадор илмий адабиётларни ҳам ўрганган бўлиши, ҳамда техник кўрсаткичлар бўлган норма, ишончлилик ва

<sup>2</sup> Кайитов О.Э., Лутфуллаева Н.Х. «Психодиагностика ва амалий психология». - Т. 2005.

валидлик каби характеристикаларни яхши билиши керак. Маълумки, ташҳис натижалари уни ўтказишдаги турли вазиятларга нисбатан оғувчанлик хусусиятига эга бўлади. Шунинг учун психодиагност ўз хулосаларини текширилувчига алоқадор қатор маълумотлар асосидагина диагностика баҳолашдан сўнг амалга оширади. Энг муҳими, олинган натижалари асосидаги нотўғри таҳлиллар келиб чиқмаслиги учун у етарлича психологиядан хабардор бўлиши керак. Агар психодиагностик жараён бошқа мутахассис кишилар томонидан олиб борилса, имкон борича малакали психолог маслаҳатчи ҳам бўлиши керакки, у тадқиқотни тўғри олиб боришда зарур шароитларни яратиб бера олади ва олинган натижаларни тўғри таҳлил қилишда кўмаклашади.

Кимни малакали психолог-ташҳисчи сифатида ҳисоблаш мумкин? Маълумки, тадқиқот соҳаларининг турли-туманлиги ва унинг асосидаги махсус тайёргарликда бирорта психолог барча соҳа бўйича бир хил малакага эга бўла олмайди. Амалий психологиянинг асосларини яратадиган психологлар ушбу ашёвий далилларни тан олишар эканлар, психологлар айрим соҳалардаги профессионал стандартлар талабига жавоб бермайдиган усулларни қўлламасликлари, компетентлик доирасидан четга чиқмасликни муҳим деб биладилар. Ҳаттоки, ғарбда илмий ёки давлат корхоналарида иш олиб борувчи психолог билан мустақил амалий фаолият юритувчи психолог ўртасида фарқ мавжудлигини таъкидлайдилар. Чунки, мустақил амалий психолог малакали ҳамкасблар фикрларига, уларнинг хулосаларига, ташкилотларда фаолият юритувчи психологга нисбатан кам бўйсундилар. Ваҳоланки, ташкилот психологлари Американинг психологик уюшмаси йўриқларига асосан профессионал малакадаги юқори талабларга жавоб бериши керак. Чет эл тажрибаларининг фойдали аҳамияти шундаки, кишиларни сифатли психологик тадқиқ қилишда ва профессионал меъёрларни ошириш мақсадида малакали психологларга лицензиялар ва гувоҳномалар тақдим этилади.

**2. *Диагностик методларни қўллаш.*** Диагностик методларни қўллаш ҳуқуқи маълум малакага эга бўлган мутахассисларга берилган. Ҳозирда эса имкони бор киши улардан фойдаланмоқда. Америкалик психологлар фикрига кўра, методикаларга эга бўлиши учун мутахассис психолог ёки унинг тўғри қўлланилишини ўз масъулиятига олган кишиларнинг имзоси бўлган тақдирдагина фойдаланишлари мумкин. Психолог-ташҳисчиларнинг ғарбий ахлоқ қоидаларида диагностика методларини тарқатилишини чеклаш таклиф этилади. Бу чекланиш икки хил мазмунга эга: методикаларнинг моҳиятини ошкор этмасликни ва улардан ноўрин фойдаланишнинг олди олинишини.

Шунингдек, бошқа профессионал масъулиятлар муаллифлар томонидан яратилаётган янги методикаларнинг сотилиши билан боғлиқ. Уларни кишиларда қўллаш учун тақдим этишда етарли даражада объектив асослар бўлиши керак. Диагностик методларни яратувчилар, муаллифлар масъулиятига доимо вақти-вақти билан методикаларнинг эскириб қолишини олдини олиш мақсадида текшириш ва стандартлаштириш жараёнларини амалга ошириш киради. Методикалар ва уларнинг асосий қисмлари газета, журналлар ҳамда рисоаларда уларни кенгроқ ёритиш, ёки ўз-ўзини баҳолаш учун нашр қилиш ман этилади. А.Анастази бундай вазиятларда нафақат методикаларни



фойдасизлигини, балки кишига психологик зарар қилишидек катта хатоларга олиб келишини айтиб ўтади.

Яна бир ғарбдаги кенг тарқалган аммо профессионал талабларга жавоб бермайдиган фаолият тури сиртки, хат орқали тестлаштиришдир. Юборилган тест бланклари орқали киши томонидан қобилиятлар ёки шахсга оид тестларни бажариш тўғри амалга оширилган деб, баҳолаб бўлмайди. Чунки тестлаштиришни назоратсиз амалга ошириш ва бошқа психологик маълумотларни инобатга олмаслик кутилаётган ижобий натижалардан кўра салбий оқибатларни юзага келтириши ҳам мумкин.

**3. Тадқиқот натижаларининг сир сақланишини таъминланганлиги.** Шахсий тестларни қўллаш билан боғлиқ бўлган савол шахсга дахлдор маълумотларга эга бўлиш билан изоҳ этилади. Диагностлар учун бу нозик масалаки, субъектнинг шахсий, эмоционал, мотивацион хусусиятларини ўрганишдаги тестлар мазмуни, унинг баҳоланган натижалари киши учун маълум қилинмай, тадқиқотда бу хусусиятлар англамаган ҳолда намоён бўлиши керак. Бунинг учун кишилар бирон-бир тадқиқотда алданган ҳолда иштирок этишлари мумкин эмас. Бу борада, қўлланиладиган психодиагностик методларни киши томонидан фойдаланиш мақсадини, унинг усулларини чуқур англай билишнинг ўзи етарли аҳамиятга эга. Психологик тадқиқотларнинг барча тестлари деярли шахснинг ички сир-асрорларигача баён этувчи имкониятига эга. Фақат профессионал мутахассисдан вазиятни инобатга олган ҳолда ўз масъулиятига суянган равишда тадқиқот олиб бориб, хулосалар қилиш талаб қилинади.

Бирор корхона ёки жамиятнинг қизиқиши мақсадида тадқиқот олиб борилса, унда иштирок этаётган киши ўз натижалари қандай баҳоланиши хусусида маълумотга эга бўлиши керак. Тадқиқот мақсадидан қайтий назар, шахс ҳақидаги олинган барча маълумотлар сир сақланиши А.Анастаси қарашларида иккита асосий тушунчани ўз ичига олади: релевантлик ва маълум этилган розилик. Киши бераётган маълумотлар диагностиканинг мақсадига мос келиши керак (релевантлик). Бунинг аҳамияти шундан иборатки, барча амалий ҳаракатлар аниқ, диагностик мақсад учун методика валидлигини ўрганишга қаратилгандир. Фақатгина мазкур мақсад маълумотнинг валидлиги ва релевантлигини таъминлаб бера олади.

«Маълум этилган розилик» тушунчаси эса шундай тушунтирилади. Тадқиқотда иштирок этаётган киши тадқиқот мақсади, олинган натижалар характери ҳамда кейинчалик уларни қўллаш мумкинлиги ҳақида маълум қилинади. Лекин унга тест намуналари ёки баённома бланкалари кўрсатилмайди, зеро бундай маълумот билан тест ҳақиқийлиги ва кучи йўқолиши мумкин.

**4.1. Конфиденциаллик.** Маълумотларни сир сақлаш муаммоси каби конфиденциаллик муаммоси ҳам барча психодиагностларнинг диққат марказидаги масалалардан биридир. Бу масалада «Диагностик натижаларга кимнинг ҳуқуқи бор?» деган савол доимо кўндаланг туради. Бир томонда, тестнинг асл моҳиятини баён этмаслик ва тест баҳоларини нотўғри талқин қилиш хавфининг мавжудлиги бўлса, иккинчи томонда, турли кишилар учун тадқиқот натижаларини билишнинг объектив зарурати мавжудлиги туради.

Ҳозирги вақтда одамлар томонидан ўзининг тадқиқот натижаларига эга бўлиш ҳуқуқини англаб етиш кучайди. Шунингдек, улар ўз жавобларига изох талаб этиш имкониятига ҳам эга. Шу ўринда психолог-ташҳисчи учун диагностик натижаларни нотўғри таҳлил қилишга қаратилган чора-тадбирларга риоя қилиш аҳамиятлидир.

Агар тадқиқот ташкилотларда, масалан мактабда, ишга қабул қилинаётган вақтда, суд ишларида олиб борилаётган бўлса, киши тадқиқот мақсади, натижалари, ким томонидан амалга оширилаётганлиги борасида хабардор бўлиши керак. Диагностик натижалар билан қизиққан инсонлар каби турли вазиятлар юзага келиши, мисол учун коллеж, корхона томонидан тадқиқот ўтказилган кишининг барча маълумот сифатида натижаларни тақдим этиши сўралади. Ушбу вазиятда кишидан маълумотларни тақдим этиш учун розилик олинади. Бу маслаҳатхонадаги, шифохонадаги ҳатто илмий тадқиқот мақсадида амалга оширилаётган тестлаштиришга ҳам тааллуқлидир.

**Тадқиқот натижаларини эълон қилиш.** Психологлар тадқиқот натижаларидан мазмунли ва яроқли ҳолда фойдаланиш учун уларни қай тарзда маълум қилиш усуллари излаш билан машғуллар. Маълумки, олинган маълумотларни шундайлигича узатиш мумкин эмас. Уни психологик нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда амалга ошириш зарур. Тест маълумотларини қандай кўринишда узатишдан қабътий назар, мажлис шароитида, хат орқали, ёзма равишда, энг муҳим шартдан бири уни сонлар шаклида эмас, балки бажарилганлик даражасини психологик таҳлил қилиш орқали амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ҳар қандай психодиагностик тадқиқотлар натижаларини маълум қилишда маълумот узатилаётган кишининг характер хусусиятлари инобатга олинishi керак. Бу унинг билимлар доирасидаги маълумотлилик даражасигагина тааллуқли бўлмай, балки натижалар асосидаги маълумотга нисбатан бўлган эмоционал реакциясига ҳам алоқадордир. Яъни кишига диагностик натижаларини етказишда нафақат таҳлил орқали, балки ижобий индивидуал ёндашиши билан эмоционал таҳликани ҳам олдини олишга қаратилган бўлади.

**Психолог-ташҳисчининг ахлоқий кодексидаги ижтимоий-психологик асослар.** Психолог ҳар бир текширилувчининг мавжудлигига ҳамда муваффақиятига катта аҳамият бериши лозим. У, киши ўзига нисбатан ва атрофдагилар билан бўладиган яхши муносабатларни ўрнатишдек масъулиятни ўзига олади. Бундай масъулиятлар асосида унинг ёрдамига муҳтож бўлган ҳар қандай кишининг тинчи ва хотиржамлигини қўриқлаш ётади.

#### **4.2. Психологик-педагогик диагностиканинг асосий тамойиллари.**

Албатта, ҳар бир фан соҳаси ўзига хос объектга ва предметга ҳамда уларга мос келадиган тадқиқот ёки амалий методларига, ўз тамойилларига эгадир. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, психологик-педагогик диагностиканинг асосий тамойилларини кўрсатиб ўтамиз:

1. *Диагностика назарияси ва методикаларининг илмий асосланганлиги.* Диагностика объектини яхлит равишда генетик ва тизимли таҳлил қилиш, уларни моделлаштириш, қўлланиладиган методикалар, кўрсаткичларнинг илмий асосланганлиги, олинган натижалар ва уларнинг интерпретациясининг

ишончлилиги, аниқлиги, валидлигини пухта ишлаб чиқилган методик асосларда таъминлаш. Илмий асосланганлик томоили қўлланилаётган методикаларнинг этник, ижтимоий муҳитга, шу жумладан диагностика ўтказилаётган ўқув юрти, ўқув гуруҳи ва аудиторияга мослигини талаб қилади. Бу тамойилга амал қилиш педагогик-диагностикаларни турли хил енгил, «кўзига яхши кўринган» ёки «қўлига тушиб қолган» методикаларни билиб-билмай қўллашдан сақлайди.

2. *Диагностиканинг изчиллиги ва аниқ йўналганлиги.* Психологик-педагогик диагностика бошқа психодиагностик ва педагогик диагностикадан фарқли равишда аниқ йўналишга, аниқ объектга ва мақсадга қаратилган. Шу сабабли диагностика фаолияти (жараёнининг) натижалари умумий хулосалар, абстракт мулоҳазалардан эмас, балки аниқ шахсга (масалан, талаба), аниқ гуруҳга тегишли бўлиши, диагностика натижасида аниқ хулоса чиқариб, камчиликларни бартараф қилиш, ёрдам беришнинг аниқ йўллари кўрсатиб бериши лозим.

3. *Диагностика шакл ва методларининг оптималлиги.* Қўлланилаётган методикалар, талабага ёндашиш усуллариининг амалиётчи психолог, педагог ёки психодиагностга кам куч ва вақт сарфлаб, талаба ҳақида муҳим, сифатли, катта амалий аҳамиятга эга маълумотлар йиғишга имкон беришидир. Диагностиканинг шакл ва методларининг оптималлигини таъминлаш учун психодиагностикада кўп йиллар давомида қўлланилиб келаётган, қулай, оддий ва шу билан бирга самарали методларини танлаш ҳамда қўллаш зарур.

4. *Ўрганиш объекти ҳақида фактларни йиғиш, баён қилиш ва тўғри йўлга солишининг бирлиги.* Ўрганилаётган объект ҳақида маълумотлар йиғиш, уларни педагогларга кўрсатиш ва диагностика жараёнида ўрганилаётган талабага ёки таълим-тарбия жараёнини такомиллаштиришда, камчиликларни бартараф қилишда ўқув юрти раҳбарларига, педагогларга маълум психологик-педагогик ёрдамлар бериш, тўғри йўлга солиш, қўллаб-қувватлаш вазифаларнинг биргаликда олиб борилишидир.

5. *Диагностиканинг кетма-кетлиги ва узлуксизлиги.* Диагностиканинг босқичма-босқич амалга ошира бориш, ўқув жараёнига, талабанинг ўзлаштиришига ҳалақит бераётган сабабларни очиш, олинган натижалардан кейинги босқичларда, таълим-тарбия жараёнида узлуксиз фойдаланишда юзага чиқади.

6. *Диагностика методлари ва жараёнларининг қулайлиги ва оммабоплиги.* Диагностика методларининг оддийлиги, амалий психологлар, педагоглар, ўқув юрти раҳбарлари, текширилувчи учун қулайлиги, уларда диагностикага нистабан қизиқиш, интилиш уйғотишга хизмат қилишини таъминловчи тамойилдир.

7. *Диагностиканинг ҳар томонлилиги (комплекслилиги).* Бу тамойил талаба шахсини, унинг индивидуал-психологик хусусиятларини, психик жараёнларининг ривожланганлик даражасини, ўқув фаолиятининг бошқа хусусиятларини ўрганиш учун танланган методлар ва методикалар талабани бир бутун ҳолда, ҳар томонлама ўрганиш, таърифлаш, ёндашиш имконини беришда юзага чиқади. Диагностик методикалар бир-бири билан боғлиқ бўлиши, бир-бирини тўлдириши бу тамойилнинг асосий талабларидан биридир.

8. *Диагностиканинг талаба ривожланишининг келажагини, оқибатларини олдиндан кўра олиш (башорат қилиш) имконини бера олиши.* Ҳар қандай психологик-педагогик диагностика талабанинг кечаги ёки бугунги кундаги ривожланиш даражасини, ўқув жараёнининг ташкил қилганлик даражасини кўрсатиб бериш билан чекланиб қолмаслиги лозим. Диагностик жараёнда ўрганилаётган объектнинг “келажаги”, эртанги куни, тараққиёт анъаналари маълум омиллар таъсирининг оқибатларида очиб берилиши керак. Шу ҳолдагина, башорат моҳиятидан келиб чиққан ҳолда таълим-тарбия жараёнида йўл қўйилаётган хатолар, талаба тараққиётидаги кўзга ташланган камчиликларни бартараф қилиш, тўғри йўлга солиш имконига эга бўламиз. Шу сабабли психологик-педагогик диагностика методларининг прогностик бўлиши энг муҳим талаблардан биридир.

#### **Психологик тестлардан фойдаланадиган кишилар учун қўйиладиган махсус талаблар.**

Психодиагност ўз хатти-ҳаракатини амалга ошираётган бир вақтда, қуйидаги босқичларга амал қилиши лозим бўлади.

Биринчидан, диагностик фаолият объекти, мақсади ва вазифаларини аниқлаш;

Иккинчидан, диагностика объектини ўрганишнинг мезонлари ва кўрсаткичлари (индикаторлари)ни белгилаш;

Учинчидан, диагностик фаолият вазифасини бажариш учун зарур бўлган методикаларни танлаш;

Тўртинчидан, танланган методикалар ёрдамида маълумотлар йиғиш (тадқиқот ўтказиш);

Бешинчидан, олинган натижаларни сифат ва миқдор жиҳатдан қайта ишлаш;

Олтинчидан, психологик ташҳис ишлаб чиқиш ва хулосаларни чиқариш;

Еттинчидан, психологик башорат ишлаб чиқиш (Кутиладиган натижаларни олдиндан тахмин қилиш);

Саккизинчидан, тузатиш ва ёрдам бериш йўллари, усуллари ва режасини яратиш.

#### ***Амалий тавсияларнинг сифатлилиқ даражаси.***

Амалий тавсияларнинг сифатлилиқ даражаси қуйидаги босқичларнинг узвийлигига:

а) текширув объектининг аниқлаш;

б) текширув методини аниқлаш;

в) методни таҳлил қилиш;

г) маълумотлар интерпретацияси;

д) методнинг сифатлилиқ критерийларини аниқлашларга боғлиқ бўлади.

#### ***Психодиагностика ахлоқий-маънавий нормалари.***

Психолог ташҳисчининг кодексдаги ахлоқий-маънавий нормаларининг асосий тамойиллари қаторига айтиш жоиз бўлган омиллар:

1. Психодиагностнинг синалувчига нисбатан муваффақияти;

2. Обьективлик, ҳаққонийлик ва ўз фаолиятидаги юқори талабларга риоя қилишга асосланган масъулиятлилик;

3. Жамиятнинг ахлоқий талабларига мос келувчи ахлоқий ва ҳуқуқий стандартлар;
4. Психодиагностнинг омма олдида ўзини тута билиши;
5. Синалувчи ҳақидаги маълумотларни сир сақлаш, кофиденциаллик;
6. Синалувчи билан бўлган ишончли муносабатлар, уни тадқиқот характерида хабардор қилиш;
7. Тадқиқот натижаларини ошкор қилмаслик;
8. Тадқиқотдаги эҳтиёт чоралар;
9. Методикаларни нашр қилиниш шартлари, имкониятлари ва бу борадаги чекланишлари;
10. Диагностик натижаларни таҳлил қилиш.<sup>3</sup>

3-гуруҳ учун тарқатма материал.

***Мустақил тарзда амалий машқ учун топшириқлар ва тестлар.***

#### **4 – мавзу: Психодиагностика тарихи.**

Режа:

1. Психодиагностика фани тарихини ўрганишнинг қандай аҳамияти, зарурати бор. (Ақлий ҳужум) - 5 дақиқа.
2. Психодиагностиканинг юзага келишидаги асосий сабаблар. Психологик билимларнинг клиник даври. Психодиагностиканинг шаклланишида В.Вунд лабораториясининг ўрни. Биринчи статистик асосланган тестлар. Психодиагностиканинг XX асрдаги шаклланиш даври. (Кичик гуруҳларда ишлаш методи орқали) - 35 дақиқа.
3. Дарсга яқун яшаш - 5 дақиқа.

#### **Машғулот учун зарурий услубий тавсиялар ва ўқув дидактик тарқатма материаллар**

1. Психодиагностика фани тарихини ўрганишнинг қандай аҳамияти, зарурати бор. (Ақлий ҳужум) - 5 дақиқа.
2. Психодиагностиканинг юзага келишидаги асосий сабаблар. Психологик билимларнинг клиник даври. Психодиагностиканинг шаклланишида В.Вунд лабораториясининг ўрни. Биринчи статистик асосланган тестлар. Психодиагностиканинг XX асрдаги шаклланиш даври (Кичик гуруҳларда ишлаш методи орқали). Кичик гуруҳларда ишлаш учун гуруҳ 3 та кичик гуруҳга бўлинада ва уларга қуйидаги тарқатма материаллар берилиб, ушбу масалалар бўйича тақдимотлар тайёрлаш топширилади.

1-гуруҳ учун тарқатма материал.

#### **Психодиагностиканинг юзага келишидаги асосий сабаблар.**

Психодиагностика фанининг тарихи бевосита психологиянинг тарихи билан узвий боғланган бўлиб, унинг амалий жиҳатдан намоён бўлишида катта аҳамияти бор. Зеро инсон психикасининг тарихи ҳар қандай психик тараққиётнинг асоси бўла олади.

<sup>3</sup> Қайитов О.Э., Лутфуллаева Н.Х. «Психодиагностика ва амалий психология». - Т. 2005.

Психология қадимий фанлардан бўлиб, у бундан 2,5 минг йил илгари пайдо бўлган. Қадимги грек файласуфларидан Гераклит, Демокрит, Гиппократ, Сократ, Платонларнинг асарларидаёқ кишининг жони ва руҳий ҳаёти тўғрисида жуда кўп ва хилма-хил фикрлар баён қилинганини кўрамыз. Инсон руҳий ҳаёти ҳақидаги айрим фикрларни қадимги хитой ва ҳинд мутафаккирларининг асарларида ҳам учратиш мумкин. Лекин инсон психикаси ҳақидаги мунтазам таълимотни биринчи марта юнон файласуфи Аристотел (Арасту) яратган. У «Жон ҳақида» деган асарида психика ҳақида батафсил тўхталиб, унинг кўпгина томонларини тушунтиришга ҳаракат қилган. Шу билан бирга, ўзидан олдинги олимларнинг фикрларига тарихий шарҳ берган. Шу сабабли ҳам у психологиянинг «отаси» ҳисобланган.

Қадимги даврларда врачлар ва бошқа тадқиқотчилар психик ходисаларни миянинг фаолияти эканлиги ҳақида тахмин қилганлар ва турли руҳий касалликларни мия фаолиятининг бузилиши деб тўғри тушунганлар. Ҳеч қандай психик жараённинг ўз-ўзича ҳосил бўлиши мумкин эмас, психика фақат у ёки бу кўзғовчининг мияга таъсири туфайлигина вужудга келади. Психиканинг бошланиши кўзғовчининг таъсири бўлса, унинг натижаси организмнинг кўзғовчига жавобдир. Ҳар қандай психик фаолият миянинг акс эттирувчи, рефлектор фаолиятидангина иборатдир.

### **Психологик билимларнинг клиник даври.**

Психика бош мия ва нерв системасининг маҳсули эканлиги борасидаги фикрларни ҳозирги замон психодиагностикасининг тарихи, XIX асрнинг чорак ярмида психологик билимларнинг шаклланишидаги клиник даври билан боғлаш мумкин. Бу давр шу билан характерланар эдики, шахс ҳақидаги эмпирик психологик билимлар тўплашда ва таҳлилида аҳамиятли вазифалар табиблар ёрдамида амалга оширилди. Табибларни, дунёнинг ривожланаётган мамлакатларида тарқалаётган руҳий ва асаб касалликлари сабабли қизиқтирар эди. Психиатрлар Европа шифохоналаридаги беморларни узлуксиз назорат қилиш билан ўз натижа ва хулосаларини қайд қилиб борардилар. Шу вақтда психодиагностиканинг кузатиш, сўров, ҳужжатлар таҳлили каби методлари шаклланиб борди. Мазкур вақтдаги психодиагностиканинг ривожланиши эркин характерга эга бўлиб, бундай ҳолат психодиагностика методларининг миқдорий характери билан узвий боғланган эди.

2-гурух учун тарқатма материал.

### **Психодиагностика шаклланишида В.Вунд лабораториясининг ўрни.**

Психодиагностиканинг миқдорий методларини яратилиши XIX асрнинг иккинчи ярмида, немис психологи В.Вунд раҳбарлиги остида яратилган биринчи тажрибавий психологик лаборатория билан асосланади. Бу лабораторияда психодиагностика мақсадида турли хил асбоб-ускуналардан фойдаланар эдилар. Шунингдек, ушбу даврда психик ва физик ҳолатлар ўртасидаги миқдорий боғланишлар мавжудлигини изоҳлаган психофизик қонуннинг яратилиши миқдорий психодиагностиканинг усулларини яратилишини тезлаштириб юборди. Асосий психофизик қонун психологик ҳолатларни ўлчаш имкониятини очди ва бу янгилик сезгини ўлчаш учун субъектив шкаланинг яратилишига олиб келди. Бу қонунга мувофиқ, асосий

ўлчаш объекти бўлиб, инсон сезгилари ҳисобланди ва узоқ вақт, XIX аср охирларигача амалий психодиагностика сезги жараёнларини ўлчаш билан чегараланди.

Инсоннинг психологик жараёнларини, хусусиятларини ва ҳолатларини ўрганишга дахлдор психодиагностиканинг замонавий методлари эса XIX аср охирлари ва XX аср бошларида юзага кела бошлади. Эндиликда малакали психологлар ёрдамида микдорий психодиагностик методлар асосланадиган эҳтимоллар назарияси ва математик статистиканинг айрим соҳалари тез ривожланиб борди. Бироқ энди математик статистикани психологияда эмас, балки бошқа фанлар биология, иқтисодиёт кабиларда қўллай бошладилар.

Маълум вақтдан сўнг эса психологик ҳолатларнинг микдорий психодиагностикаси учун махсус усуллар яратилиши юзага келди. Масалан, факторли таҳлил шулар жумласидан бўлиб, у биринчи бор шахс хислатларини ва ақлий ривожланишни психодиагностика қилишда ишлатилди.

### ***Биринчи статистик асосланган тестлар.***

Илк махсус, психометрик тадқиқот маркази машҳур англиялик психолог Гальтон томонидан Англияда ташкил этилган эди. 1884 йилда у Антропометрик лабораторияга асос солади. Лабораториянинг вазитфаларидан бири, инсон қобилиятлари ҳақидаги статистик маълумотлар йиғишдан иборат эди. Мазкур лабораторияга ташриф қилувчилар ихтиёрий равишда ўз қобилиятларини ўлчаш имкониятига эга бўлиб, ўз даврида ундан деярли 10000 га яқин киши фойдаланган эди. Гальтон статистикани психологияда қўллашнинг ташкилотчиси ҳамда статистик методларни ишлаб чиқишда хазматлари катта эди. 1877 йилда Гальтон психологияда корреляция методини қўллашни таклиф этади ва бунинг учун у Фишер ҳамда Пирсон каби математик олимларни ҳамкорликка чақиради. Олимлар биргаликда нафақат математика соҳасида, балки психологияда ҳам муваффақиятли натижаларга эришадилар. Масалан, Фишер дисперсион таҳлилни, бошқа бир математик олим, Гальтон замондоши Спирмен эса факторли таҳлилни кашф этдилар. Спирмен психология тарихида 1904 йил эълон қилинган «Общий интеллект, объективно определенный и измерный» номли мақоласи билан алоҳида ўрин эгаллади.

Биринчи статистик асосланган тестлардан бири интеллектга оид бўлиб, француз олими А.Бине томонидан 1905-1907 йилларда ишлаб чиқилди ва эълон қилинди. Бироз вақт ўтгача у бошқа француз олими Т.Симон билан ҳамкорликда бу тестни мукамаллаштирди ва у психодиагностика тарихига Бине-Симон тести сифатида кириб келди. XX аср 20-йилларининг иккинчи ярмида янги психологик, жумладан интеллектуал ва шахсга оид, турли жараён ва хусусиятларнинг психодиагностикасини амалга оширадиган тестлар юзага кела бошлади. Сўнгги микдорий характердаги психодиагностик усуллар қаторидан шунингдек, ижтимоий-психологик тадқиқотлар билан боғлиқ бўлган социометрик тестлар ҳам ўрин эгаллаган эди.

3-гурух учун таркатма материал.

### **Психодиагностиканинг XX асрдаги шаклланиш даври.**

Психодиагностика XIX асрнинг охирида келган ва индивидуал психологик тафовутларни ўрганувчи фан сифатида уларни ўлчашга, баҳолашга талабгор бўлган, интелект ўлчамлари ҳақидаги баҳс ва мунозараларда тобланган ҳолда янги аср бошига етиб келди, қисқа вақт мобайнида эса, ақлий Гальтон шкалаларидан Бине тестларигача бўлган масофани босиб ўтди. Тарихан шундай ҳолат юзага келдики, психодиагностика келиб чиққан вақтидан бошлаб ва XIX аср охирига интелект соҳалардаги индивидуал тасодифларни ўлчашга мўлжалланган эди ва ўтиб борувчи XIX асрда одамзот онгига қандай умидлар боғланганлигини эсласак буни тасодиф эмас эканлигини кўраемиз! Олдинда эса XX аср психодиагностикани ривожланишини белгилаб берувчи янги ютуқлар ва омадсизликлар дискуссияси ва кашфиётлар кутар эди. Юқорида айтиб ўтилганидек, индивидуал тафовутни аниқлашда XX аср бошларида номланган кўпгина аҳамиятли натижаларга эга бўлган А.Бине тестлари эди. Интеллектнинг биринчи кризисини тест қилиш унинг номи билан боғлиқдир. Бине шкаласини ҳамма ҳар хил юртларда кенг қўллашда ишлата бошлашган.

Биринчилар қаторида бу тестни АҚШда Генри Годдарт қўллаган. Буни у Европадан келувчи иммигрантларни текширишга мўлжалланган методикалар гуруҳига киритган. Годдарт ишлари демонстрациялашига кўра бу мослашмаган тест орқали инглиз тилини яхши билмайдиганлар ёки умуман билмайдиганларда текшириш ўтказган. Бу текшириш натижасида 83 % еврейлар, 80 % венгрияликлар, 79 % италянлар ва 87 % Россиядан чиққанларда ақли заифлик деб характерлаш мумкин бўлган.

Г.Годдарт тақдим этган Бине–Симон шкаласини қониқарсиз таржимасини (редакция 1908 й), бошқа америкалик психолог Льюис Медисон Термен ва Х.Д.Чайлдлар биргаликда мазкур тестни янгича вариантда модификациялаштирганлар. Унинг ёндашганлиги шкалани валидлик ва ишонччилик вазифасини текширишдан иборат бўлган, буни Бине ҳам қилган, лекин бу сафар АҚШда ўтказилган. Тестни кўпгина вазифалари модификациялаштирилган ва янгилари қўшилган. Бу шкала (Бине–Симон шкаласини Стэнфорд версияси) 2100 та болаларда ва 180 та катталарда стандартлаштирилган. У уч ёшдан бошлаб катта ёшдагиларгача бўлган диапазонда ўз ичига қамраб олган, лекин 11 ёшдагилар учун тест бўлмаган. Натижалар ёшига нисбатан ақлий ривожланишини мос келиши ва интелектнинг коэффиценти кўринишида кўрсатилиши мумкин бўлган ёки IQ Бу шкала ёрдамида IQ жойлашишига асосланган ҳолда, Термен томонидан қуйидаги классификацион чизмани таклиф қилган: IQ 90 – 109 бўлса ўртача ақлий қобилиятни кўрсатади, IQ 70 дан кам бўлса ақлий заифликни кўрсатади, IQ 140 дан юқори бўлса ақлий қобилияти гениал даражадалигидан далолат беради. Бу билан у шу нарсага эътибор бердики, улар орқали аниқлашларга қаршиликлар ҳоҳиш билан қўйилган ва классификацион чизмининг ўзи умумий қўлланма сифатида янги ўлчовларни ўлчашга ишлатишга мўлжалланган. Терменнинг хизматларидан яна бири шундан иборатки, тарихда биринчи бор тест ўтказишга ва натижаларини аниқлашда бир қанча кўрсатмалар ишлаб



чиқилган. Термен кўп маротаба таъкидлашича, тест ўтказишда стандарт муолажалардан четлашиш жиддий хатоларга олиб келиши мумкин.

**Бине шкаласига берилган айрим тавсияларга эътибор қаратилиши натижасида 1911 йилги босмаси уч ёшдан то катта ёшгача кенгайтирилган, лекин 11, 13 ва 14 ёшлардан ташқари. Натижалар ақлий ёшини физик (хронологик) ёшига нисбатан тўғри келишига асосланган ҳолда юзага чиққан.**

**Бине кўрсаткичларга сифатли аспектиларнинг кераклигини таъкидлашни давом эттирган. У қолоқ ўқувчиларни умумий гуруҳларга дифференциация қилиш йўлини таклиф қилган ва усулларни ажратди, улар ёрдамида болалар ижтимоий муносабатларни қўллашлари мумкин: идиотлар тестлар орқали мулоқотдан ташқари ҳеч нарса қила олмайдилар; ақли заифлар мулоқот қилиш орқали муносабатга киришлари мумкин; қолганлари эса хат ёзиш орқали инсонлар билан ўзаро муносабатга киришишни ўрганишлари мумкин.**

Қўлланилиб келинган ва ҳозирги кунгача ишлатилаётган Бине шкаласининг ривожланишини асосий босқичлари куйидагичадир:

**Бине-Симон шкаласининг XX асрда ривожланиш даражаси.**

Йил	Авторлар	Эслатма
1905	Бине ва Симон	30 та топширик, стандартлаштириш йўқ.
1908	Бине ва Симон	Ақлий ёшни концепциялаш, тўлиқ бўлмаган стандартлаштириш.
1911	Бине ва Симон	Катталар учун чегараланган шкалалар кўшилган.
1916	Термен ва Меррилл	Кўпгина вербал материал.
1937	Термен ва Меррилл	Иккинчи қайта нашри, параллел шакллар ишлатилган, стандартлаштириш яхшиланган.
1960	Термен ва Меррилл	Учинчи қайта нашри, 4-5 минг нафар одам текширилган.
1972	Роберт Торндайк	2-1 минг нафар одамда қайта стандартлаштириш.
1986	Торндайк, Хаген, Сеттлер	15 та субтест, кониқарли стандартлаштириш (5 минг нафар одамда), ёш бўйича диапазон 2–0, 23–11.

XX асрнинг 30 йилларида кўпгина янги тестлар пайдо бўлган. Уларнинг аксарияти АҚШда ишлаб чиқилган. 1936 йилда куйидаги бешта тест, уларга бағишланган нашрларнинг сони бўйича пешқадамлик қилган: Стэнфорд-Бине – 141 марта, Роршах тести – 68 марта нашр қилинган. Кейинги ўринларни Бернрейтернинг «Шахсий сўровномаси», Сишорнинг «Муסיқий истеъдод ўлчагичлари» ва Сторнганинг «Касбий манфаатларнинг бланки» олган.

Ўн йиллик бошида иккита яхши ишлаб чиқилган шкала яратилди. 1930 йилда Грейс Артур 6 ёшдан 16 ёшгача бўлган болаларни текширишга мўлжалланган шкаласи ва ҳозирги вақтгача маълум бўлган, Портеус лабиринт ива Кос кубиклари тестларини чоп эттирди. Бу шкала аввалдан Стэнфорд-Бине

шкаласи билан корреляциялаш маъносида режалаштирилган, аммо исталган корреляция 12 ёшли болаларни текшириш мобайнида юзага келди. Этель Корнелл ва В.Кокс томонидан Стэнфорд-Бине шкаласи билан сезиларсиз корреляцияга эга бўлиш учун лойиҳаланган бошқа сўзсиз шкала таклиф қилинган. Бу икки шкала турли мақсадлар учун лойиҳаланган: биринчиси – Биненинг сўзсиз версияси сифатида, иккинчиси унга қўшимча сифатида.

1937 йилда Стэнфорд-Биненинг оммабоп шкаласи Янги тахрирда Чоп этилди. 1916 йилдаги тахрирда бўлмаган 11 ва 13 ёшлилар учун топшириқларни киритган ҳолда 2 ёш ва ундан ката ёшлилар даражасига мос тестлар такдим этилди. Ўша вақтдаёқ шкаланинг икки эквивалент шакли L ва M (муаллифлар Льюис Термен ва Мауд Мерилл исмларининг биринчи ҳарфлари) яратилган эди. Бу шкаланинг ушбу шакли тахминан Америкада туғилган оқ танли бир яримдан 18 ёшгача бўлган 3000 нафар болага нисбатан стандартлаштирилди, бунда муаллифлар текшириляётганларнинг яшаш географияси ва ижтимоий-иқтисодий мавқеи каби омилларни назорат қилишга уриндилар.

1950 йилларда ҳам психодиагностик текширувларда одатга кўра машҳур бўлган методлар олдинда бормоқда эди. 1951 йилгача Роршах тестига бағишланган 1219 та мақолалар чоп этилган эди. Шулардан 493 тасида Стэнфорд–Бине шкаласи ишлатилган. 371 та мақола эса Векслер–Белльвю методикаси бўйича нашр қилинган. Кўпгина текширишлар ТАТ ва ММРІ билан боғлиқ бўлган. Бунинг натижасида айрим методикаларга қизиқиш камайган, масалан Сонди тестига. Бурос 1953 йилда мавжуд 793 та тест ҳақида маълумот берган бўлиб, уларнинг сони кейинги 10 йил ичида 250 тага ошган.

1955 йилда Векслернинг катталар интеллектини ўлчовчи шкаласи пайдо бўлган (WAIS) у Векслер–Белльвюнинг анологик тизимига ўхшаш. Шкала 16 ёшдан 64 ёшгача бўлган кишилардан 1700 нафарини саралашда стандартлаштирилган.

XX юз йилликнинг олтмишинчи йиллари – тестларнинг дискуссияси йиллари ҳисобланади. Асосан бу дискуссиялар Қўшма Штатларда шиддатли равишда кечарди. Мулоқотни хавотирлилиги фуқаролар ҳуқуқларига кўра, асосан хусусий ҳаётга шахс ҳуқуқлари интеллектуал ривожланиш даражасини баҳолаш ва шахсият сифатларини ўрганувчи тестларга нисбатан шубҳалиликни “алангалатарди”. ММРІ қаттиқ қаршиликка учради, чунки унинг айрим саволлари виждон эркинлиги ва жинсий малака ҳақида маълумот талаб қилар эди.

Танқидий критикага биринчилардан бўлиб учраган проектив методлар, ягона объект бўлиб қолмади. Интеллектуал ривожланишни аниқловчи шкалалар ҳам стандартлаштиришда ҳар хил этник гуруҳлардан ажратилмаганлиги боис муҳокама қилинди.

### **1935 йилдан 1982 йилгача ишлатилган тестлар рейтинг.**

Тестлар номи	Қатордаги жойи
Миннесотекнинг кўп аспекти шахс сўровномаси	1
Векслернинг катталар учун интеллект шкаласи	2
Бендер-Гешальт тести	3

Роршах тести	4
Векслернинг болалар учун интеллект шкаласи	5
Мавзулар апперцепцияси тести	6
Тугатилмаган сўзлар тести	7
“Одам расмини чиз” тести	8
“Уй-дарахт-одам” тести	9
Пибода тести	10
Реттернинг тугалланган сўзлар тести	11
Векслернинг хотира шкаласи	12

1970 йиллар давомида психологик тест ўтказиш ва шу соҳада ишловчилар бу соҳага алоқаси бўлмаганлар томонидан билдирилган танқидлар ҳужумида эди. Қарши фикрларнинг асосий йўналиши худди олдинги 60-йиллардаги каби бўлган. Маълум бўлишича ўша даврда кўпгина тестларда валидрилиққа тегишли етарли маълумотлар бўлмаган. Ҳаттоки танқидчилар томонидан психологик тестларни умуман ўтказмаслик ҳақида фикрлар айтилган. Шундан келиб чиққан ҳолда инсоннинг ахлоқини табиий шароитларда кузатиш, тест ўтказишга нисбатан муҳим аҳамиятга эга бўлган. Натижада тест томонда турувчи курашувчилар янги тестларни яратганлар. Янги тестлар валиддиороқ бўлиб эскиларини аямаганлар ва қайта стандартлаштирганлар. Бундан ташқари олдиндан аниқланган ва аниқ валидлик критериясига эга бўлган топ мутахассислик бўйича тестлар ишлаб чиқилган.

American Psychologist журнаlining 1981 йил октябрь сони тестлаштиришга ва унга мойил солувчи хавфга бағишланган. Бу йилларда ҳам тестларнинг сони ошишда давом этарди. Шахс хусусиятларини диагностика қилиш учун анчагина янги сўровномалар ишлаб чиқилган бўлиб, лекин саволларга жавоблар онгли ёки онгсиз равишда сохталаштирилган (фальсифицирлашган) бўлади деган фикр текширилувчиларни хавотирлантирарди. Валидлик ҳар бир диагностик методикаларнинг, айниқса проектив методикаларнинг нозик сифати бўлиб қолган. Бу даврдаги танқидлар нисбатан проектив тестлар статусига кам таъсир қилган. Машҳурлиги бўйича бу йилларда биринчи ўнликка қуйидаги тестлар: MMPI, WAIS, Бендер-Гештальт тести, Роршах тести, WISC, кўшимча таклифлар тести, ТАТ, инсон расми ва бошқа айримлари кирган.<sup>4</sup>

## **5–мавзу: Психодиагностика методлари ва уларнинг классификацияси.**

*Режа:*

1. Психодиагностик методлар қандай методлар? (Ақлий ҳужум) - 5 дақиқа.
2. Психодиагностик методларнинг асосий йўналишлари («Чархпалак» педагогик технологияси асосида) -15 дақиқа.
3. Психодиагностик методларнинг ўзига хослиги. Психодиагностик методларнинг турлари ва йўналишлари (Кичик гуруҳларда ишлаш методи орқали) - 35 дақиқа.

<sup>4</sup> Қайитов О.Э., Лутфуллаева Н.Х. «Психодиагностика ва амалий психология». - Т. 2005.

**Машғулот учун зарурий услубий тавсиялар ва ўқув дидактик тарқатма материаллар**

1. Шахс сўзини эшитганингизда фикрингизга қандай сўзлар, иборалар келади. (Ақлий хужум).

2. Психодиагностик методларнинг асосий йўналишлари, бу ҳақида олинган маълумотларни мустаҳкамлаш ва ушбу масала бўйича талабалар ўзлаштириши савиясини аниқлаш учун «Чархпалак» педагогик технологиясини қўллаш мумкин. Бунинг учун гуруҳ 3 та кичик гуруҳга бўлинади. Ҳар бир гуруҳга олдиндан тайёрланган қуйидаги дидактик тарқатма материал берилади. Унинг юқори қисмига чап томонга гуруҳ номери ёки шартли номи, ўнг томонга гуруҳ аъзолари белгилаш учун танлаган белги қўйилиши ва гуруҳ муҳокама қилиб, жадвалнинг чап қисмидаги устунда ифодаланган шахс хусусиятлари қайси таркибий қисмга мос келишини белгилаш таклиф этилади. Бу белгилар қўйилган қоғозни (соат стрелкаси йўналиши бўйича) кейинги гуруҳларга узатиш таклиф этилади. Кейинги гуруҳ эса яна гуруҳ фикри бўйича тегишли белгилар билан тўлдириши ва кейинги гуруҳга узатиши лозим. Шу тарзда давом этиб, гуруҳлар фикрлари белгиланган қоғозлар чархпалак сингари гуруҳлар орасида айланиб бўлгач, натижалар муҳокамаси ташкил этилади. Бунда жадвалнинг чап қисмидаги 2-устунда ифодаланган психодиагностик методлар қайси асосий йўналишларга мос келиши бўйича белгилашларда қандай бандларда фарқлар мавжуд бўлса, шу банддаги психодиагностик методлар қайси асосий йўналишларга мансублиги муҳокама этилиб, умумий бир тўғри хулосага келинади.

***«Чархпалак» педагогик технологиясини қўллаш учун дидактик тарқатма материал.***

Қуйидаги психодиагностик методлар қайси асосий йўналишларга мос келади?

		Психодиагностик методларнинг асосий йўналишлари		
	Психодиагностик методлар	Объектив	Субъектив	Проектив
1	Шахсий сўровномалар			
2	Ҳолат ва кайфият сўровномалари			
3	Савол-анкеталар			
4	Мотор-экспрессив методика			
5	Перцептив-тизимли методика			
6	Апперцептив-динамик методика			
7	Махсус қобилият тестлари			
8	Интеллект тестлари			
9	Шахсий (объектив)тестлар			
10	Эришиш тестлари			

4. Психодиагностик методларнинг ўзига хослиги. Психодиагностик методларнинг турлари ва йўналишлари (Кичик гуруҳларда ишлаш методи орқали). Кичик гуруҳларда ишлаш учун гуруҳ 3 та кичик гуруҳга бўлинади ва уларга куйидаги таркатма материаллар берилиб, ушбу масалалар бўйича тақдимотлар тайёрлаш топширилади.

1-гуруҳ учун таркатма материал.

### **Психодиагностик методлар.**

Психологик ташҳис (диагноз)нинг ривожланиши махсус тадқиқот услуги – диагностик услубнинг пайдо бўлишига олиб келади. Бу услуб психологиянинг бошқа услублар системасида қандай ўринни эгаллайди, унинг ўзига хослиги нимада?

Психологик адабиётларда кўпинча “метод” ва “методика” тушунчаларини турли мазмунда учратамиз. Биз психологиянинг маълум услубий тамойиллар ўзининг бирламчи конкрет тадқиқот услубидан олинишини биламиз.

Тадқиқот услубининг экспериментал ва ноэкспериментал (тавсифлаш) услубга бўлиниши ҳамма ерда тасдиқланган. Ноэкспериментал услуб методиканинг ҳар хил турдаги кузатиш, суҳбатлар, фаолият маҳсулларини ўрганишни ҳосил қилади. Тадқиқий метод (қўлланма) йўналтирилган шарт-шароит яратишга асосланган. Бу шарт-шароитлар ўрганилаётган омил (ўзгарувчи)ни ажратиб олишни таъминлайдилар ва унинг таъсири билан боғлиқ бўлган ўзгаришларни қайд қилади. Бундан ташқари тадқиқотчининг синалаётган шахснинг фаолиятига аралашуви имкониятига йўл қўяди. Шу метод асосида психология учун кўп сонли ва одатий лаборатория ва табиий эксперимент методикаси ҳамда яна уларнинг махсус хилма-хил турлари – шаклланган эксперименти (тажриба) яратилади.

Диагностик тестлар айрим ҳоллардагина экспериментал метод чегарасида қаралади. Биз мутлақ аниқ хусусиятли ва кўпгина конкрет методикаларни умумлаштирувчи психодиагностик методни ажратиш керак деб ҳисоблаймиз. Психодиагностик методнинг асосий хусусиятидан бири унинг ўлчаш–синаш, баҳоловчи йўналиши ҳисобланади. Бу йўналиш ёрдамида ўрганилаётган ҳодисанинг миқдор ва сифат квалификациясига эришилади.


Энг муҳим талаблардан бири – ўлчагич асбобнинг стандарт бўлиши (унинг асосида норма тушунчаси ётади). Ҳар қандай диагностик методика (тест) ишончли, мустаҳкам талабларга мос келиши керак. Тадқиқот жараёнига ҳам бир қатор қатъий талаблар кўрсатилади (аниқ инструкцияга риоя қилиш, вақтдан чегараланиш ва экспериментчининг аралашувини чеклаш ва бошқалар). Бунга кўшимча қилиб шуни айтишимиз мумкин-ки, психодиагностик методнинг таҳлили ўзига хос сабабларни ажрата олади. Бу сабаблар субъектнинг фаоллигини, унинг ҳолатидаги айрим стратегияни аниқлайди.

Диагностик методни характерлаётганда, унинг ўлчаш–синаш йўналишининг кўрсаткичи билан чегараланиб қолиш етарли эмас. Акс ҳолда тушунтириш ғолиблиги эксперимент методга берилади. Ҳақиқатдан эса диагностик тадқиқот ўзига тушунтириш элементлари, сабабларни очиш, ниҳоят талабларга мос келган тавсияларни ишлаб чиқишни ўзига киритиши керак.

## Психодиагностик метод турлари.

Психодиагностикада қўлланиладиган объектив методлар хилма-хил бўлиб, унинг кўпроқ қўлланиладиган турларига кузатиш, сўроқ, тест, эксперимент ва моделлаштириш синалувчи фаолияти маҳсулдорлигини ўрганишга оидлари киради.

### *Психология ва психодиагностиканинг асосий методлари.*



2-гурух учун тарқатма материал.

### **Психодиагностик метод йўналишлари.**

Психодиагностик метод учта асосий диагностик йўналишда аниқланади. Бу уч йўналиш кўпинча маълум методикалардан фойдаланади. Бу йўналишлар психодиагностикада шартли равишда қуйидагича ифодаланади: “объектив”, “субъектив” ва “проектив”.

Диагностикага объектив ёндашиш анъанавий икки турдаги методикага бўлинади. Бу диагностика ўз шахсий хусусиятига ва интеллект тестларига эга методикадир. Биринчи йўналиш шахснинг ноинтеллектуал хусусиятларини ўлчашга йўналтирилган, иккинчиси эса унинг интеллектуал ривожланиш даражасини аниқлашдир.

С.Л. Рубинштейн ўз даврида инсоннинг психик хоссалари иккита асосий гуруҳни характерли хосса ва қобилият ташкил қилишини аниқ кўрсатган эди.

Биринчи хоссалар гуруҳнинг ҳолатини тўғрилаш билан боғлиқ бўлса, иккинчиси эса уюштириш ва ижрони таъминлайди.

Интеллектуал ривожланишнинг диагностик даражаси интеллектнинг кўп сонли тестларидан иборатдир (умумий қобилият тестлари). Шахс методикасини шартли равишда “таъсир қилиш тестлари” (“мақсадли шахсий тестлар”) ва “вазиятли тестлар”га бўлиш мумкин. Мақсадли шахсий тестлар кўпроқ тарқалган – бу ҳар хил перцептив тестлар, масалан, ниқобланган фигураларни топиш. Вазиятли тестларда синалувчи ҳаётда содир бўладиган ўхшаш вазиятга жойланади. Ниҳоят объектив йўналишда яна иккита асосий тест гуруҳлари пайдо бўлади:

1. Алоҳида қобилият тестлари (интеллектнинг айрим томонларини ривожлантириш даражасини ўлчаш).

2. Муваффақиятга эришилган тестлар.

Улар шахснинг илмий қобилиятининг даражасини кўрсатади. Субъектив йўналиш кўп сонли саволлардан иборат. Бу кенг тарқалган диагностик қўлланмалар шахсий, ҳолат ва кайфият, шунингдек мулоҳаза ва савол-анкеталарига бўлинади.

Ҳар бир йўналишнинг ичидан бир-бирига ўхшаш, яқин методикаларни ажратиш мумкин. Ҳар хил диагностик йўналишлар орасида ўтиб бўлмас чегаралар йўқ ва бўлиши мумкин эмас. Классификациямизнинг мақсади рўйхатни тўлдириш эмас, балки ҳозирги пайтда энг муҳим ва долзарб бўлган оддий ва қонуний чизмани топишдир.

3-гуруҳ учун тарқатма материал.

### **Психодиагностик методларнинг умумий чизмаси.**

Психодиагностиканинг барча методлари психологиянинг турли соҳаларида хусусан, киши фаолиятининг турли доираларида қўлланилади. Илмий психологияда улар тадқиқот методларини ўтказиш ва ташкиллаштириш жараёнида қўлланилса, амалий психологияда эса психологик маслаҳатда, психокоррекцион ишларда, профессионал тайёргарлик соҳаларида фойдаланилади.

Тўғри ташкиллаштирилган тадқиқотда доим синалувчиларнинг у ёки бу психологик хусусиятларининг ривожланиш босқичларини тадқиқотдан олдин ва кейин аниқ баҳолашлари зарур. Бу шунинг учун зарурки, олиб борилган тадқиқот ушбу хусусиятларнинг ўзгаришига қанчалик таъсир ўтказганлигини аниқлаб беради. Бундай жараён ҳатто психологик маслаҳатда, психокоррекцияга ҳам дахлдордир. Маслаҳатни олиб бораётганда амалий психолог ўз миқдорининг психологик хусусиятларини шаклланганлик ҳолатини баҳолай олиши керак. Бу худди шифокорнинг олдида келган беморга ташҳис қўйиш ва унинг даволаш муолажаларини аниқлашга ўхшашдир.

Сўнгги йилларда кўпгина мутахассисликлар психологияга ва инсон ҳуққ-атворида бир қатор талаблар қўймоқда. Шу билан бирга кишининг профессионал лаёқатини белгиловчи ҳар хил психологик сифатларнинг аниқ диагностикаси талаб этилади. Мазкур шароитда психодиагностик методлардан фойдаланиш кишиларнинг профессионал тайёргарлик ва танлаш жараёнлари билан узвий боғлиқдир.

Дунёда психодиагностик методларнинг мингдан ортиқ турлари мавжуд бўлиб, улардан самарали фойдаланиш учун мутахассис малакали билим ва кўникмага эга бўлиши керак. Баъзан эса умумий методлар чизмасини ўзлаштириб олиш ҳам амалий фаолиятда йўналиш сифатида яхши самара бериши мумкин. Масалан, бундай психодиагностик методларнинг умумий чизмасини таклиф қилиш мумкин бўлса, у қуйидаги кўринишга эга бўлади:

1. Кузатишга асосланган психодиагностик методлар.
2. Сўровномали психодиагностик методлар.
3. Обьектив психодиагностик методлар (меҳнат фаолияти маҳсуллари ва хулқ-атвори таҳлил қилувчи).

4. Психодиагностиканинг тажрибавий (экспериментал) методлари.

Тажрибанинг психодиагностик метод сифатидаги аҳамияти синалувчиларнинг бирор-бир психологик хусусиятларини баҳолаш борасида махсус психодиагностик тажриба ўтказилади. Ушбу тажриба жараёни ўрганилаётган сифатни ёрқинроқ намоён бўлиши учун сунъий вазиятлар яратилишида ифодаланади. Натижада психодиагностик тажрибанинг ташкиллаштиришда ва ўтказилишида тадқиқотчи ўзининг қизиқтирган маълумотларини махсус ташкиллаштирилган ҳолдаги кузатиш орқали тажрибавий вазиятларда қўлга киритади.

## **6 – мавзу: Билиш фаолияти диагностикаси ва методлари.**

Режа:

1. Билиш фаолияти ва жараёнлари сўзларини эшитганингизда фикрингизга қандай сўзлар иборалар келади. (Ақлий ҳужум) - 5 дақиқа.
2. Хотирани ривожлантириш имкониятлари ҳақидаги фикрлар мунозараси (3x4 педагогик технология асосида) -20 дақиқа.
3. Шахс хотираси хусусиятларини пиктограмма, яъни расмли ассоциациялар методи орқали ўрганиш бўйича амалий машқ - 10 дақиқа.
4. Сенсамотор таъсирланиш ва диққатни ўрганиш учун методикалар.Сеген доскаси методикаси. Кос кубиклари методикаси. Линк куби. Мейли тести ёрдамида кўриш ва эшитиш хотирасини ўрганиш. Кўриб эсда олиб қолинган нарсани қайта тиклаш. - 40 дақиқа.
5. Дарсга яқун яшаш - 5 дақиқа.

## **Машғулот учун зарурий услубий тавсиялар ва ўқув дидактик тарқатма материаллар**

1. Билиш фаолияти ва жараёнлари сўзларини эшитганингизда фикрингизга қандай сўзлар иборалар келади (Ақлий ҳужум).
2. Хотирани ривожлантириш имкониятлари ҳақидаги фикрлар мунозараси 3x4 педагогик технология асосида ташкил этиш учун гуруҳ 4та кичик гуруҳларга бўлинади. Ҳар бир гуруҳ учун бир варақ қоғоз олиниб, унинг юқори қисмига хотирани ривожлантириш имкониятлари ҳақидаги 3 тадан гуруҳ фикрини ёзишини ҳамда, бу фикрлар ёзилган қоғозни (соат стрелкаси йўналиши бўйича) кейинги гуруҳларга узатиш таклиф этилади. Кейинги гуруҳ эса яна бу ҳақда учта фикр билан тўлдириши ва кейинги гуруҳга узатиши лозим. Шу тарзда давом этиб, ҳар бир қоғозда 12 тадан фикрлар мужассам



бўлгач, гуруҳлар бу фикрларни таҳлил этиб, гуруҳнинг бир умумлаштирилган фикрини билдиришлари талаб этилади.

3. Шахс хотираси хусусиятларини пиктограмма, яъни расмли ассоциациялар методи орқали ўрганиш учун методика.

### **Пиктограмма методи.**

Бевосита эсда олиб қолиш хусусиятларини пиктограмма, яъни расмли ассоциациялар методи орқали ҳам ўрганиш мумкин. Пиктограмма экспериментал-психологик тадқиқот усули сифатида биринчи марта Л.В.Занков (1935) томонидан қўлланган. Синалувчи аниқ сўзни расмдаги тасвир орқали эслаб қолиши керак. Синалувчи сўз ва тасвир ўртасидаги алоқани ўйлаб топиши керак, бу эса кейинчалик сўзни қайта эсга туширишга ёрдам беради.

Расм ва сўз ўртасидаги ассоциатив алоқани шакллантириш жараёнида инсон шундай мазмунли алоқаларни танлайдики, унинг фикрича, бу расмлар сўзни эслаб қолиш учун яроқли бўлади (А.Р.Лурия, 1967). Шунинг учун ҳам бу методика орқали тадқиқот ўтказиш фақатгина ассоциатив, бевосита хотира хусусиятларгина эмас, фикрлаш фаолияти характери, тушунчали тафаккурнинг ривожланиши даражаси ҳақида ҳам билиш имконини беради (С.В.Лонгинова, С.Я.Рубейнштейн, 1972, Б.Г.Херсонский, 1988).

Методиканинг мазмуни шундан иборатки, синалувчи аниқ бир сўзни, тушунчани эслаб қолиб, ўзи мустақил расм схема чизади. Бу чизилган расм ёки схема кейинчалик сўзни-тушунчани эсга туширишга ёрдам бериши керак. Алоҳида ҳарф тавсия этилмайди. Тажриба ўтказиш учун олдиндан тайёрланган қоғоз варағи ва қалам керак бўлади. Кейинчалик синалувчини қуйидаги сўзларни эшитиш ва эсда олиб қолишга ва топшириқларни бажаришга таклиф қилинади. «Мен сизга сўзларни айтаман, сиз бўлсангиз уларни яхшироқ эслаб қолиш учун кичикроқ расм чизиб олинг. Расм чизиш тезлиги ва расмнинг сифати сизни хавотирлантормасин. Асосийси, сиз кейин расмга қараб туриб, эслаб қолиш учун сўзлар берилганлигини айтсангиз бўлди. Сўзлар ёки бирикмалар қуйидагилар бўлиши мумкин.

Ватан	Тоғ
Учиш	Вақт
Таракқиёт	Бахт
Роҳат	Ўқиш
Қўрқинч	Йиртқич
Ўрмон	Йўл
Қувват	Эътиқод
Касаллик	Актёр
Қувонч	Инсоният
Дарахт	Миш-миш

4. Сенсамотор таъсирланиш ва диққатни ўрганиш учун методикалар. Сеген доскаси методикаси. Кос кубиклари методикаси. Линк кубини. Мейли тести ёрдамида кўриш ва эшитиш хотирасини ўрганиш. Кўриб эсда олиб қолинган нарсани қайта тиклаш. Кичик гуруҳларда ишлаш учун гуруҳ 4 та кичик гуруҳга бўлинади ва уларга қуйидаги тарқатма материаллар берилиб, ушбу масалалар бўйича тақдимотлар тайёрлаш топширилади. Тақдимот тайёрлаш учун 20

дақиқа ва ҳар бир гуруҳ тақдимоти учун 4 дақиқадан, тақдимотлар муҳокамаси учун 4 дақиқа ажратилади.

1-гуруҳ учун тарқатма материал.

### **Сенсомотор таъсирланиш ва диққатни ўрганиш учун методикалар.**

Турли ёш давридаги болалар гуруҳини текширишда психодиагностика методикалари ўз хусусиятларига эга. Масалан: чақалоқлик давридаги болаларни текширишда сенсомотор ҳаракатларни ўрганишга мўлжалланган методлар қўлланилади. 3 ёшдан 6 ёшгача бўлган болаларни текширишда содда ҳаракатларни ёки оғзаки қўлланмаларни бажаришга қаратилган топшириқлар берилади. Қалам, қоғоз, пластилин ва бошқа ўқув воситалари қўлланиладиган топшириқлар бола катта бўлган сайин қийинлаштириб борилади.

Болаларни психологик текширувда чет ва собиқ совет психологлари фойдаланган анъанавий методикаларни кўриб чиқамиз.

Инсоннинг сенсомотор соҳаси асосий нерв жараёнлари ҳаракатчанлиги типини, ихтиёрий диққат даражасини, ишга қобилиятлик суръатини характерлайди. Маълумки, бола ҳаётининг дастлабки йилларида жисмоний ва руҳий сифатларининг ривожланишда сенсомотор фаоллик бош мия фаолиятида шартли реффлектор алоқаларининг мустаҳкамланишига имкон беради (Я.П.Фрумкин, С.М.Ливишин, 1979). Улар шу билан бирга темперамент, ирода, ҳиссиёт хусусиятларининг ҳамда билиш психик жараёнларининг ривожланишига имкон беради (Э.А.Голубева, 1980. Э.Б.Аюрова, 1986).

Масалан, 1-2 ёшли болалар сенсомотор соҳасини текширишда анъанавий методлардан фойдаланиб, у ёки бу ҳаракат малакаларининг қандай шаклланганлигига, улар маълум ёш давридаги ўртача кўрсаткичга қанчалик мослигига эътибор берилади. Кўпинча бу тадқиқотлар болалар мотор ҳаракати ривожланишидаги кечикиш мавжудлиги кейинчалик боланинг барча психик тараққиётида кечикиш содир бўлишининг объектив замини сифатида қаралиши керак. Шу билан бирга, эрта юрган бола ўз тенгдошларини барча томондан қолдириб кетади, деб фараз қилиш ҳам хатодир. Бола ҳаётининг биринчи икки йилидаги умумий жисмоний тараққиёт боланинг кейинги ақлий тараққиётини белгиламайди (Р.Н.Мюссен, 1987).

Боланинг сенсомотор соҳада ривожланиш даражаси ҳақида унинг атрофидаги турли предметлар, жумладан, ўйинчоқлар билан ҳаракат қилиш хусусиятлари дарак бериб туради. Ўйинчоқдан диагностик қурол сифатида фойдаланиш унинг теварак-атрофидаги ходисаларни билишга интилиши ва фаоллик даражаси ҳамда предметлардан фойдаланишда амалий кўникмаларнинг мавжудлигини аниқлаб беради.

Каттароқ болаларни текширишда конкрет психологик методикалардан фойдаланиш мумкин. Чунки худди шу даврдан бошлаб, сўзли топшириқларни бажариш бўйича йўл-йўриқларни тушуна бошлайди, унда зарур шахсий сифатлар шаклланган бўлади, билишга қизиқиш ривожланган бўлади, у катталар билан бирга экспериментал психологик тадқиқотларда нисбатан узоқроқ иштирок этиш ҳолатида бўлади.

### **Сеген доскаси.**

Бу методика олигофренопедагогика асосчиларидан бири Э.Сеген

томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, боланинг шаклларни фарқлаш қобилиятини аниқлашга, моторика хусусиятларини ўрганишга қаратилган (Н.А.Шиварев,1970). Қаттиқ қоғоз ёки кардонга фигуралар чизилади.

Кейин уларни эҳтиёткорлик билан қирқиб олинади. Ҳар бир вариант бир-биридан мураккаблиги билан ажралиб туради.

№1 доскада 10 та ҳар хил бутун фигуралар бор; №2 доскада 2та фигура бўлиб, уларнинг ҳар бири икки ва уч қисмдан иборат; №3 доскада ҳар бири икки ва уч қисмдан иборат 4та фигура; №4 доскада икки қисмдан иборат 5та (фигура) шакл.

Болага 10 сония давомида доска кўрсатилади. Кейин доскадаги шакллар стол устига тушадиган қилиб ағдарилади. Экспериментатор уларни аралаштириб, ҳар бир шаклни ўз жойига қўйишни боладан сўрайди. Тажриба бошида экспериментатор 2-3 намунани кўрсатиб бериши мумкин. Кейин боланинг топшириқни қандай бажараётганини диққат билан кузатади. Бунда бола «синаш ва хато қилиш» каби ҳаракатлар қиладими, шаклларни жойига қўйишда бола диққат-эътибор бериб, кузатиши керак. Биринчи топшириқни бажаргандан сўнг, кейинги қийинроқ топшириққа ўтилади. Синалувчининг ҳар бир топшириқни бажариш вақти, унинг қилган ҳаракатлари махсус қарорга ёзиб борилади. Синалувчи топшириқларни ўзи бажара олмаса, бир дақиқадан сўнг унга ёрдамлашиш мумкин. Бу методика жуда содда бўлиб, 3 ёшдан катта болаларни текширишда фойдаланиш мумкин. Болалар фигураларни ўйин деб қабул қилиб, бу топшириқларни қизиқиб ўйнайдилар.

***Шаклларни жойлаштириш бўйича топшириқларни бажариш қарори.***

Доска №	Синалувчи ҳаракатлари	Кўрсатилган ёрдам тури	Топшириқни бажариш вақти

2-гурӯҳ учун тарқатма материал.

### **Кос кубиклари.**

Бу методика 1923 йилда С.С.Кос томонидан таклиф этилган бўлиб, фазода иш тутиш, диққат, зийраклик, қуриш-ясаш хусусиятларини ўрганишга мўлжалланган. Бу методика Д.Векслернинг (1939, 1955) методикасига ақлни текшириш субтести сифатида киритилган.

Одатда уни катталарни текширишда қўллашади, лекин бундай топшириқларни болалар ҳам қизиқиб ўйнайдилар. Болалар берилган намунасига кўра кубиклардан шакллар ясашлари керак.

Тажриба ўтказиш учун бир хилда бўялган пластмасса ёки ёғоч кубиклар керак бўлади. Кубикларнинг катталиги 3х3см, шакли ва ранги ҳар хил шакллар чизилган 10 та расм зарур.

Синалувчи учун кўрсатма: «Шундай шаклни тўртта кубикдан ясаб кўр». Расмнинг биринчи намунаси кўрсатилади ва синалувчи таклиф этилган шаклларни кубиклардан ясай бошлайди.

Кубикларни расмнинг устига қўйиб, топшириқни бажариш ман этилади. Вақт ҳисобга олинади. Топшириқни бажаришнинг аниқлигига ва узоқлигига боғлиқ равишда миқдорий баҳо қўйилади.

Боғча ёшидаги ва бошланғич синфдаги болалар топшириқни бажаришганда озроқ ёрдам бериш мумкин. Бола агар қийналса, 1-2 шаклни ясаб кўрсатиш мумкин. Бунда экспериментатор фақатгина ясаб кўрсатмасдан, қуриш принципини ҳам тушунтиради. Шаклни ясаб бўлгач экспериментатор кубикларни бузиб ташлайди ва синалувчига мустақил кубикларни яшашини айтади. Тадқиқот қарорида кўрсатилган ёрдам ва бажарилган вақти ёзиб қўйилади.

### **Линк куби.**

Бу методика диққат барқарорлигини, зийраклигини, ҳиссий реакцияни аниқлашга имкон беради. Тажриба ўтказиш учун 3х3см, катталиқда бир хил 27 кичик кубчалардан иборат куб керак. Кичик кубчаларнинг томонлари 3 хил (қизил, яшил, сариқ) рангларга бўялган бўлади, улардан ташқи томонидан бир хил рангдаги катта кубик ясаш мумкин бўлсин.

Болага бир хил рангли куб кўрсатилади (масалан қизил), сўнгра бузиб ташлаб, худди шундайини яна қуриш кераклиги айтилади. Экспериментатор қўшимча равишда болага, агар у қизил томонини ичкарида қолдирса, унда қизил ранг ташқари томонда етишмаслиги айтилади. Топшириқни бажариш вақтида синалувчининг зийраклигига, тез бажаришига, ҳиссиётига аҳамият берилади.

3- гуруҳ учун тарқатма материал.

### **Мейли тести ёрдамида кўриш ва эшитиш хотирасини ўрганиш.**

Р.Мейли тести 1961 йилда ишлаб чиқарилган бўлиб, 7-14 ёшли болалар ва катталарнинг кўриш ва эшитиш хотирасини ўрганишда қўлланилади. Тадқиқот икки босқичдан иборат:

Биринчи босқичда расмда тасвирланган предметларни хотирада олиб қолиш хотираси ўрганилади.

Иккинчи босқичда тадқиқотчи ўқиб берган сўзларни, предметларини

эшитиб эсда олиб қолиш қобилияти ўрганилади. Бу тадқиқотлар бир кунда ўтказилмайди. Хотиранинг ўрганилаётган Мейли тести учун кўзгалувчи материал – жадвал.

### **Тадқиқот босқичлари**

Расмларнинг 1 серияси	Расмларнинг 2-серияси	Сўзларнинг 1 қатори	Сўзларнинг 2 қатори
Нухат	Чиғанок	Картон	Жадвал
Эшак	Кроват	Вагон	Ҳафта
Калит	Труба	Дехқон	Сўм
Арава	Нок	Пианино	Қарға
Кўнғирокча	Супурги	Ботинка	Ёруғлик

ва ҳақозо ҳаммаси бўлиб 6-та сўзлар тўплами мавжуд.

Тажриба ўтказиш учун турли предметлар тасвирланган 60 та расм икки серияда ва 60 та сўзлар тўплами – 2 қаторда керак бўлади.

Кўриш хотираси ўрганилаётганда кўйидаги қўлланма берилади: «Ҳозир мен сизга турли предметлар тасвирланган расмларни кўрсатаман, сиз уларнинг номини исталган тартибда айтасиз. «Расмларнинг ҳар бири 2 сония кўрсатилади, 10 сония танаффусдан кейин синалувчи предметларни ҳам, расмда йўқ бўлган кўшиб қўйилган предметларнинг номини ёзиб боради. Расмларнинг 2-серияси бошқа куни, сўзлар қатори бўйича тажрибалар ҳам бошқа кунлар ўтказилади. Синалувчига куйидаги қўлланма берилади: «Мен ҳозир сизга сўзлар қаторини ўқиб бераман, сиз бўлса эшитиб бўлганингиздан сўнг, уларни исталган тартибда менга айтиб берасиз». Тадқиқотчи тадқиқот қаторига синалувчи айтган барча сўзларни такрорланганларини ҳам, йўқ сўзларни кўшиб қўйганларни ҳам ёзиб боради. Олинган натижалар фоизларда миқдорий ўлчаш орқали қилиниши мумкин.

### **Кўриб эсда олиб қолинган нарсани қайта тиклаш.**

Кўриш хотираси хусусиятларини Д.Векслер (1945) таклиф этилган методика ёрдамида ўрганиш мумкин. Бу методика хотира шкаласини ўрганиш субтестларидан биридир. Синалувчига турли геометрик шакллар тасвирланган расмларга қараш таклиф этилади. Ҳар бир расм синалувчига 10 сония кўрсатилади. Кейин синалувчи тоза оқ қоғозга кўрган нарсасини қайта эсга тушириб, чизиши керак. Тажриба натижаларини миқдорий таҳлил қилиш мумкин.

Шакл А: 1) икки кесишган чизиқ ва икки байроқ - 1 балл; 2) тўғри жойлаштирилган байроқ - 1 балл.

Чизиқлар кесишда тўғри бурчак - 16 балл. Энг юқори – 3 балл.

Шакл Б: 1) катта квадрат иккита диаметри билан – 1 балл; 2) катта квадратда 4 та, кичик квадратда 4 та кичик квадрат - 1 балл; 3) ички диаметр барча квадрат ички квадратчалар билан - 1 балл; 4) квадратчалардаги 4 та нуқталар – 1 балл; 5) аниқ тақсимлангалик – 1 балл.

Синалувчи олиш мумкин бўлган энг юқори баҳо 5 балл ва ўнг ёки чап томонлари эсга туширилганда энг юқори баҳо 3 баллга тенг ҳисобланади.

Шакл Г: 1) катта тўғри бурчак ичида кичик тўғри бурчак – 1 балл; 2) ички тўғри бурчакнинг ҳамма учлари ташқи тўғрибурчак учлари билан

бирлаштирилган – 1 балл; 3) кичик тўғри бурчак катта тўғри бурчакда аниқ жойлаштирилган – 1 балл.

Энг юқори баҳо 3 балл. Энг юқори натижа –14 балл.

Бу методикадан болалар боғчаларининг катта ва тайёрлов гуруҳи болаларини ҳамда бошланғич синф ўқувчиларини текширишда фойдаланиш мумкин. Бу топшириқларни бажарганларидан сўнг болаларни нафақат геометрик шаклларни хотирада олиб қолиши ва уни эсга тушириш қобилиятлари ҳақидагина эмас, балки хотира бўйича расм чизиш малакаларининг шаклланганлиги, сенсомотор фаолият ҳолати ҳақида ҳам била олишга имкон беради.

### **7 – мавзу: Интеллект психодиагностикаси ва методикалари.**

Режа:

1. Интеллект сўзини эшитганингизда фикрингизга қандай сўзлар, иборалар келади. (Ақлий ҳужум) - 5 дақиқа.

2. Тафаккур шакллари ва операциялари («Чархпалак» педагогик технологияси асосида) -15 дақиқа.

3. Фикрлаш, умумлаштириш хусусиятларини ва қобилиятини «Ортиқчасини ўчириш методи» ва «Фикрлаш қобилиятингиз қандай» тести орқали ўрганиш бўйича амалий машқ – 20 дақиқа.

4. Тафаккур турлари. Муаммоли вазият ва масала ечиш. Тафаккурнинг индивидуал хусусиятлари. Хаёл тўғрисида тушунча. Хаёл ва унинг турлари. Хаёл жараёнида аналитико-синтетик фаолият (Кичик гуруҳларда ишлаш методи орқали).

5. Дарсга яқун ясаш - 5 дақиқа.

### **Машғулот учун зарурий услубий тавсиялар ва ўқув дидактик тарқатма материаллар**

1. Интеллект сўзини эшитганингизда фикрингизга қандай сўзлар, иборалар келади (Ақлий ҳужум).

2. Тафаккур шакллари ва операциялари ўрганиш, бу ҳақида олинган маълумотларни мустаҳкамлаш ва ушбу масала бўйича талабалар ўзлаштириши савиясини аниқлаш учун «Чархпалак» педагогик технологиясини қўллаш мумкин. Бунинг учун гуруҳ 3 та кичик гуруҳга бўлинади. Ҳар бир гуруҳга олдиндан тайёрланган қуйидаги дидактик тарқатма материал берилади. Унинг юқори қисмига чап томонга гуруҳ рақами ёки шартли номи, ўнг томонга гуруҳ аъзолари белгилаш учун танлаган белги қўйилиши ва гуруҳ муҳокама қилиб, жадвалнинг чап қисмидаги 2 устунда ифодаланган тафаккур шакллари ва операциялари қайси таркибий қисмга мос келишини белгилаш таклиф этилади. Бу белгилар қўйилган қоғозни (соат стрелкаси йўналиши бўйича) кейинги гуруҳларга узатиш таклиф этилади. Кейинги гуруҳ эса яна гуруҳ фикри бўйича тегишли белгилар билан тўлдириши ва кейинги гуруҳга узатиши лозим. Шу тарзда давом этиб, гуруҳлар фикрлари белгиланган қоғозлар чархпалак сингари гуруҳлар орасида айланиб бўлгач, натижалар муҳокамаси ташкил этилади. Бунда жадвалнинг чап қисмидаги 2 устунда ифодаланган тафаккур шакллари ва операциялари қайси таркибий қисмга мос келиши бўйича белгилашларда қандай бандларда фарқлар мавжуд бўлса, шу банддаги тафаккур шакллари ва

операциялари қайси таркибий қисмга мансублиги муҳокама этилиб, умумий бир тўғри хулосага келинади.

**«Чархпалак» педагогик технологиясини қўллаш учун дидактик тарқатма материал.**

Қуйидаги тафаккур шакллари ва операциялари қайси таркибий қисмга мос келади?

	Тафаккур шакллари ва операциялари	Тафаккур	
		Шакллари	Операциялар и
1	Тушунча		
2	Анализ ва синтез.		
3	Якка, жузъий ва умумий ҳукм		
4	Таққослаш.		
5	Абстракциялаш.		
6	Дедуктив хулоса чиқариш		
7	Умумлаштириш.		
8	Тахминий ҳукм.		
9	Конкретлаштириш.		
10	Аналогик хулоса чиқариш.		
11	Классификациялаш.		
12	Системалаштириш.		
13	Тасдиқловчи ёки инкор қилувчи ҳукм.		
14	Абстракциялаш.		
15	Шартли, айирувчи ва қатъий ҳукм.		
16	Индуктив хулоса чиқариш		

3. Умумлаштириш хусусиятларини ва қобилиятини «Ортиқчасини ўчириш методи» орқали ўрганиш бўйича амалий машқ учун методика. **Ортиқчасини ўчириш.** Ортиқчасини ўчириш методикаси умумлаштириш ва чалғиш, муҳим белгини ажратиш каби тафаккур жараёнлари даражасини ўрганиш учун қўлланилади. Бу методиканинг ҳам икки тури бор: предметли ва сўзли. Методиканинг предметли турида қўзғатувчи материал алоҳида қоғозларда берилиши зарур. Ҳар бир қоғозда (карточкада) 4 та предмет тасвирланган. Расмлар оқ, қора ёки рангли бўлиши мумкин. Синалувчи 4 та предметдан, умумий белги бўйича бирлашувчи 3 тасини танлаши керак. Одатда қуйидаги кўрсатма бериледи:

Бу ерда 4 та предмет тасвирланган. Сиз 3 та предметни бирлаштириб турадиган нарсани топиб, унга ном беришингиз керак, бир предмет бу гуруҳга кирмаганлиги учун уни ўчириш керак. Тадқиқотчи биринчи топшириқни синалувчи билан бирга бажаради, кейин у мустақил ишга киришади. Бу методикадан болаларни ва катталарни текширишда фойдаланиш мумкин. Методиканинг оғзаки вариантини 11-12 ёшдан катта болалар учун қўллаш мумкин. Тажриба ўтказиш учун сўзлар қатори ёзилган махсус қоғоз варағи бўлади. Қўлланма: «Ҳар бир қаторда 5 та сўз бор, 4 та сўзни бир гуруҳга киритиб ном беринг, бир сўз ортиқча бўлиб уни ўчириш керак».

1. Стол, стул, кроват, пол, шкаф.

2. Сут, қаймоқ, қатик, сузма, гўшт.
  3. Ботинка, этик, боғич, туфли, тапочка.
  4. Болга, арра, мих, болта, ранда.
  5. Ширин, иссиқ, аччик, нордон, шўр.
  6. Терак, тол, дарахт, арча, шафтоли.
  7. Самолёт, арава, одам, кема, велосипед.
  8. Аброр, Мурот, Азиз, Асқаров, Наби.
  9. Сантиметр, метр, килограмм, километр, миллиметр.
  10. Токар, ўқитувчи, врач, китоб, космонавт.
  11. Палто, плаш, кўйлак, тугма, шим.
  12. Уй, орзу, машина, сигир, дарахт.
- Тажриба натижалари тадқиқот қарорида қайд этилади.

### **Тест: Сиз фикрлаш бўйича кимсиз?**

Кўрсатма: Қуйида келтирилган саволларни диққат билан ўқиб чиқинг ва уларга ўз жавобингизни беринг. Жавобни беришда узок ўйланиб ўтирманг. Ҳаёлингизга келган биринчи жавобни беринг. Фикрлаш учун 10 дақиқа.

1. Фарход соат саккизда будилникни соат тўққизга қўйиб уйқуга ётди. У неча соат ухлайди?
2. Шухратнинг ўнта қўйи бор эди. Тўққизтасидан бошқа ҳаммаси ўлиб қолди. Нечта қўй қолди?
3. Сиз Тошкентда қўниб ўтадиган Пекин-Москва рейси бўйича самолёт учувчисиз. Рейс ҳафтада икки марта бўлади. Учувчининг ёши нечада?
4. Тунги қоровул кундузи ўлиб қолди. Унга нафақа тўланадими?
5. Эркак киши ўзининг бевасининг синглисига уйланиши мумкинми?
6. Австралияда (ҳам) тўққизинчи май борми?
7. Ойлар ўттиз, ўттиз бир кунлари билан тугайди. Қайси ойда йигирма саккиз бор?
8. Археологлар «эрамиздан аввалги» чиққан йигирма беш тийинни топиб олишди. Шунақаси ҳам бўлиши мумкинми?
9. Сиз нотаниш хонага кириб қолдингиз. У ерда бензин ва газ билан ёнадиган чироқлар бор экан. Сиз биринчи бўлиб нимани ёқишингиз керак?
10. Ота ва ўғил автоҳалокатга учрашди. Отаси шу жойнинг ўзидаёқ ҳалок бўлди, ўғлини эса касалхонага юборишди. Операция вақтида хирург болани кўриб: «Вой худойим-эй бу менинг ўғлим-ку!» - деб юборди. Шундай ҳам бўлиши мумкинми?
11. Олтита шам ёниб турган эди, тўрттасини ўчириб қўйишди. Нечта шам қолди?
12. Икки кг гиря (тош) бир кг ва яримта ғиштга тенг (оғирликка) эга. Битта ғиштининг оғирлиги қанча?
13. Қўлларда ўнта бармоқ бор, ўнта қўлда неча бармоқ бўлади?



14. Бирдан юзгача бўлган сонлар қаторида нечта тўққиз бор?

15. Ёғочни ўн икки бўлакка бўлиш учун, уни неча марта арралаш керак?

16. Самарқанддан Тошкентга ва Тошкентдан Самарқандга қараб бир вақтда икки поезд йўлга чиқди. Самарқанддан Тошкентга келаётган поезднинг тезлиги иккинчисидан уч марта катта. Учрашган вақтда уларнинг ҳар бири Тошкентдан қанча масофада узоқликда бўлади?

17. Кўп қаватли бинонинг ўн олтинчи қаватида бир одам яшайди. У ҳар куни эрталаб ишга кетаётиб лифтда пастга тушиб сўнг ишга кетади. Кечки пайт ишдан қайтаётганида эса ўнинчи қаватгача лифтда кўтарилиб, у ёғига пиёда кетади. У нимага шундай қилади?

18. Врач беморга ўттиз минут оралиғи билан учта укол белгилади. Бемор уларнинг ҳаммасини қанча вақт ичида олиб бўлади?

19. Бир киши: «Бу менинг болам, лекин ўғлим эмас», - деб, аянч билан йиғлаб ўтирибди. Шунангача ҳам бўлиши мумкинми?

20. Иккита танга бор ва уларнинг йиғиндиси ўн беш сўм. Лекин уларнинг биттаси беш сўм эмас. Нимага шундай?

Саволларга жавоб беришда ҳар тўғри жавоб учун «+» нотўғри жавоб учун «-» белгиси қўйилади. Фақат «+» белгилли жавобларгина ҳисоблаб чиқилади ва шунга кўра синалувчининг характеристикаси белгиланади.

Синалувчидан 4, 5, 6, 9, 10, 19, 20-саволларга берилган жавобларга изоҳ бериш талаб қилинади. Изоҳлар асосли бўлсагина (таваккал, тасодифий жавоблар бўлмаса) улар тўғри деб ҳисобланади.

Жавоблар:

1) 1 соат; 2) 9 таси; 3) синалувчининг ёши; 4) йўқ (чунки ўлган одамга нафақа берилмайди); 5) йўқ (чунки у кишининг ўзи ўлиб кетган, ўлган нафақат хотинининг синглисига, балки умуман уйлана олмайди); 6) ҳа (бу кун ҳамма жойда, календарда бор); 7) ҳаммасида; 8) йўқ (у вақтларда танга, тийин бўлмаган); 9) гугуртни; 10) ҳа (бу унинг онаси); 11) 6 та; 12) 2 кг; 13) 50 та; 14) 20; 15) 11 марта; 16) бир хил масофада; 17) бўйи етмайди (лилипут одам бўлган); 18) 1 соатда; 19) ҳа (бу унинг қизи); 20) биттаси 5 сўм бўлмаса, иккинчиси 5 сўм.

Нотўғри «-» жавоблар бўйича характеристикалар:

0 дан 2 гача – гений;

3 дан 4 гача – интеллектуал (зехни ўткир, ақлли);

5 дан 8 гача – мулоҳазали;

9 дан 10 гача – ўртача;

11 дан 12 гача – ақл учқунлари кўриниб турувчи одам;

13 дан 14 гача – фикрлаш доираси ўртадан паст;

17 дан 18 гача – фикрлаш доираси ва қобилиятини ривожлантириш устида жиддий ишлашлари зарур кишилар.

4. Болаларнинг билиш фаолиятини ўрганиш учун ўйинчоқлардан фойдаланиш.

Қисмлардан расм ҳосил қилиш. Классификация таснифи. Ортиқчасини ўчириш.

Ақл ўлчашнинг Векслер шкаласи. Кичик гуруҳларда ишлаш учун гуруҳ 3 та

кичик гуруҳга бўлинади ва уларга куйидаги тарқатма материаллар берилиб, ушбу масалалар бўйича такдимотлар тайёрлаш топширилади. Такдимот тайёрлаш учун 20 дақиқа ва ҳар бир гуруҳ такдимоти учун 3 дақиқадан. Такдимотлар муҳокамаси учун 4 дақиқа ажратилади.

1-гуруҳ учун тарқатма материал.

### **Болаларнинг билиш фаолиятини ўрганиш учун ўйинчоқлардан фойдаланиш.**

Инсоннинг билиш фаолиятида хаёл, тафаккур, нутқ ва бошқа муҳим психик жараёнлар муҳим ўрин эгаллайди. Ҳар қандай ақлий фаолият билишга, тажрибага ва ижодий тафаккурга асосланади. Тафаккурнинг муҳим операциялари анализ ва синтез, умумлаштириш ва мавҳумлаштириш бўлиб, ҳар қандай ақлий фаолиятда ўзаро боғланиб келади.

Инсон ақлий фаолияти хусусиятлари бошқа олий психик функциялар, хотира, ирода, ҳиссиёт ҳамда шахснинг индивидуал-психологик хусусиятлари ва одатлари билан чамбарчас боғлиқ ўта махсус усул ҳисобланади. Ўйинчоқ болага тўпланган тажрибасини намоён қилиш, уни ижодий қайта қуриш (қуриш-ясаш), янгиларни яратиш имконини беради. Болада ўйинчоқлар қанчалик кўп бўлса, унда шунчалик кўп ижодий кучлар ривожланади, бола шунчалик тез ташқи муҳитни ўзлаштириб олади.

А.А.Файвусович (1928) тадқиқотларининг кўрсатишича, ҳар хил диққатнинг кўчишини ва атрофдаги предметларга ички эҳтиёжни шакллантириш мақсадида, болалар боғчасидаги ўйинчоқларни алмаштириб туриш зарур.

Масалан: 6 ойгача бўлган болаларда бир кунда 2-3 марта, 1-2 ёшдаги болаларда бир кунда 3-4 марта, 3 ёшгача болаларда бир кунда 4-5 марта амлаштириб туриш зарур.

Содда ва аниқ ўйинчоқлар, мураккаброқ ва мавҳумроқ ўйинчоқлар, уларни боланинг психик тараққиётига мослаб танланиши болада фазовий ва сўз-мантиқ тафаккурининг ривожланишига имкон беради.

Қоидага кўра диагностика ўйинчоқлари бўлиб қуйидагилар хизмат қилади:

- а) ўйинчоқларни кўрганда болада ҳиссий-қўзғалиш мавжудлиги ва ушлаб кўриш истаги;
- б) ҳаракатларнинг фаоллиги ва кўпроқ ушлаб кўриш;
- в) ўйинчоқни уни бажарадиган функциясига мос равишда ўйнаш;
- г) ўйин вазиятида янги (алмаштирувчи) элементларнинг мавжудлиги;
- д) ўйиннинг давомийлиги;
- е) берилган ўйинчоқда эҳтиёжнинг сақланиши.

Бу эҳтиёжлар 1-3 ёшдаги болаларда ўйин вазиятида фаолликни аниқлашга қаратилган. Каттароқ ёшдаги болалар учун диностик ўлчовлар бир мунча кенгаяди. Уларда нутқ ривожланганлиги, фазовий кўриш тасаввурлигининг, хаёлнинг, тафаккур операцияларини бажариш усуллариининг ривожланганлиги каби ўлчовларни киритиш мумкин.

Шунинг учун ҳам мактабгача тарбия муассасасида тарбиячи у ёки бу психик жараёнларни ривожлантириш мақсадида дидактик материаллардан

фойдаланиши мумкин. (Расмларга қараб ҳикоя тузиш, кубиклар яшаш, расмлар чизиш ва бошқалар).

Қисмлардан расм ҳосил қилиш методикаси А.Н.Бернштейн (1911) томонидан таклиф этилган бўлиб, тафаккур хусусиятларини, расмнинг яхлитлигини таҳлил қила олиш қобилиятини ўрганишга мўлжалланган. Тажриба ўтказиш учун расмлар тўплами (мураккаблиги ортиб борадиган 6 та расм) керак бўлади. Биринчи 3 та расм 4 қисмга бўлинган бўлиши керак, қолганлари кўпроқ қисмларга бўлинади. Бунда биринчи ва тўртинчи расм бир хил бўлиши керак, лекин улар ҳар хил қилиб кесилган бўлади. Тадқиқотни бир неча марта такрорлаш учун расмларнинг турли вариантлари бўлиши зарур. Расмлар намуналари ихтиёрий равишда танланиши мумкин, масалан, ҳайвонларнинг, алоҳида предметларнинг расмлари. Болага расм қисмлари тўнқарилган ҳолда тартибсиз, намунасиз кўрсатилади.

Тадқиқотчи тадқиқот қарорида топшириқ, унинг охириги натижаси қанча вақт бажарилганлигини ёзиб боради. Синалувчи ҳаракатларининг мақсадга йўналтирилганлигини таҳлил қилишга, ҳаракатнинг мақсадга йўналтирилган режаси мавжудлиги ва йўқлигини аниқлашга, ақлий фаолият жараёнида таянч белгиларга эътиборни қаратиши зарур.

3-5 ёшдаги синалувчилар учун бундай топшириқларни бажаришда расм намунаси ҳам кўрсатилиб турилади. Бола қўлланмани қанчалик яхши ўзлаштиргани, илгари идрок этилган образни унинг алоҳида қисмларидан қайта ярата олганини таъкидлаш муҳим.

Тадқиқот қарорида боланинг ҳаракатлари баён этилади: тартибсиз «синаш ва хато, қилиш» характерига эга, мақсадга йўналтирилган ва бошқалар. Бундай топшириқларни бажариш хусусиятлари, фақатгина фазовий кўриш хаёли, кўргазмали тафаккур ҳолати ҳақидагина эмас, балки тафаккур танқийдилигининг шакллари даражаси ҳақида ҳам билиш имконини беради.

### **Қисмлардан расм ҳосил қилиш.**

Методика А.Н.Бернштейн (1911) томонидан таклиф этилган бўлиб, тафаккур хусусиятларини, расмини, расмнинг яхлитлигини таҳлил қила олиш, унинг баъзи қисмлари кетма-кетлигини ўрната олиш қобилиятини ўрганишга мўлжалланган. Тажриба учун расмлар тўплами (мураккаблиги ортиб борадиган 6 та расм) керак бўлади: Биринчи 3 та расм 4 қисмга бўлинган бўлиши керак, қолганлари кўпроқ қисмларга бўлинади. Бунда биринчи ва тўртинчи расм бир хил бўлиши керак, лекин улар ҳар хил қилиб кесилган бўлади. Тадқиқотни бир неча марта такрорлаш учун расмларнинг турли вариантлари бўлиши керак. Расмлар намуналари ихтиёрий равишда танланиши мумкин, масалан, ҳайвонларнинг, алоҳида предметларнинг расмлари. Болага расм қисмлари тунқарилган ҳолда тартибсиз, намунасиз кўрсатилади.

Тадқиқотчи тадқиқот қарорида топшириқ, унинг охириги натижаси қанча вақт бажарилганлигини ёзиб боради. Синалувчининг ҳаракатларини таҳлил қилишга, ҳаракатнинг мақсадга йўналтирилган режаси мавжудлиги ва йўқлигини аниқлашга у ақлий фаолият жараёнида қандай таянч белгиларга танлангалигига эътиборни қаратиш зарур.

3-5 ёшдаги синалувчилар учун бундай топшириқларни бажаришда расм намунаси ҳам кўрсатилиб турилади. Бола қўлланмани қанчалик яхши

ўзлаштирилгани, илгари идрок этилган образни унинг алоҳида қисмларидан қайта ярата олганини таъкидлаш муҳим. Тадқиқот қарориди ҳаракатлари баён этилади: тартибсиз «синаш ва хато қилиш» характериға эға, мақсадға йўналтирилган ва бошқалар.

Бундай топшириқларни бажариш хусусиятлари, фақатгина фазовий кўриш хаёли, кўргазмали тафаккур ҳолати ҳақидагина эмас балки, тафаккур танқидийлигининг шаклланиш даражаси ҳақида ҳам билиш имконини беради.

2- гуруҳ учун тарқатма материал.

### **Классификация методи.**

Гуруҳлар бўйича классификация қилиш методикаси биринчи марта К. Goldstein (1920) томонидан таклиф этилган, кейинчалик Л.С. Виготский (1934) ва Б.Г. Зейгарник (1958) томонидан ўзгартирилган.

Методика умулаштириш ва мавҳумлаштириш жараёнлари даражасини ўрганиш учун қўлланилади. Шу билан бирға тажриба вазиятида топшириқни бажараётганда синалувчи хулқ-атвори хусусиятлари, унинг хатоларига муносабати ҳамда ёрдам берилганда уларни тузатиш қобилиятлари кўринади.

Тажриба ўтказиш учун ҳар хил предметларнинг, ўсимликларнинг, ҳайвонларнинг расмлари тасвирланган карточкалар керак бўлади. Бунда расмларда Б.В. Зейгарник (1958) таклиф этган рангли безаш, турли умумлаштириш даражалари акс этган бўлиши керак. Боғча болаларини текширишда (С.Я. Рубенштейн, 1970) карточкаларнинг баъзиларидан (ўлчаш асбоблари, ўқув қуроллар) фойдаланмаслик керак, чунки болалар улар ҳақида ҳеч қандай тасаввурға эға эмаслар. Бу методиканинг бошқа вариантыда предметларнинг, ўсимликларнинг, ҳайвонларнинг номлари карточкаларға ёзилган бўлиши мумкин. Бу (оғзаки) вариантни каттароқ болаларни (3-4 синф ўқувчиларини) текширишда қўллаш мумкин.

Шундай қилиб, методиканинг биринчи варианты - предметли классификациядир, иккала вариантда ҳам болаларнинг умумлаштириш, янги тушунчаларни шакллантириш қобилияти аниқланади.

Синалувчиға қуйидаги қўлланма берилади: «Ҳозир сиз турли предметлар, ўсимликлар, ҳайвонлар, теварак-атрофдаги барча нарсалар тасвирланган карточкалар тўпламини оласиз. Сиз уларни қайси нарса нимаға киришиға қараб гуруҳларға ажратасиз». Кейин тадқиқотчи бир карточкани олиб синалувчидан унда нима тасвирланганини сўрайди. Тўғри жавоб олғач уни бир томонға қўйиб қўяди. Кейин навбатдаги карточкани олиб унда нима тасвирланганини ҳам аниқлайди. Бу тасвирлар бир-бириға қанчалик ўхшашлиги ва фарқ қилиши, уларни бир гуруҳға киритиш мумкинлигини аниқлайди. Синалувчи кўрсатмани тушуниб карточкаларни мустақил гуруҳларға ажрата бошлаганидан сўнг, тадқиқотчи томонидан кўрсатиладиган ёрдам тўхтатилади. Классификация методида оғзаки методни қўллашда ҳам юқоридаги каби кўрсатма берилади. Бунда тадқиқотчи синалувчиға предметларни белгилари ва хусусиятларини кўрсатиб бир гуруҳға киритиш кераклиги ҳақида йўл-йўриқ бермаслиги керак. Предметли классификация бўйича тажрибалар 3 гуруҳда бажарилади. Биринчи босқичда синалувчи карточкаларни кўрсатма бўйича ажратади. «Тадқиқотчи тадқиқот қарориди синалувчи ҳаракатларини: ажратиш хусусиятлари (масалан,

«шкаф», ва «палто» ёки «велосипед» ва «спортчи» карточкаларини бир гуруҳга киритганлиги)ни ёзиб беради. Барча карточкалар гуруҳга ажратилиб бўлингандан сўнг иккинчи босқичга ўтилади. Бир гуруҳдаги бирлаштириш ҳақида синалувчига қўлланма берилади. Иккинчи босқич синалувчи ўз ҳаракатларини тўғрилашга киришгандан сўнг бошланади. Синалувчи кўрсатилган ёрдамни қандай қабул қилишга, ўхшаш хатоларни тўғрилай олишига эътибор қаратилади. Бу босқич энг узок вақт давом этади, чунки бу босқичда топшириқни бажариш давомида нима учун ҳар бир карточка у ёки бу гуруҳга киритилганлиги аниқланиб, барча ҳаракатлар батафсил ёзиб борилади. Синалувчи у ёки бу карточкани бир гуруҳга киритилганлигини аниқланиб, барча ҳаракатлар киритилганлигига эмас, синалувчининг тушунчаларни умумлаштириш қобилияти ҳам аниқланади («мебель») «уй ҳайвонлари», «транспорт» ва бошқалар), синалувчи учинчи босқичда расмлар гуруҳини бирлаштириб, янада камроқ гуруҳлар қолиши керак ва уларни қандайдир тушунча билан умумлаштириш керак. Баъзан қўлланмада «ўсимликлар», «ҳайвонлар», «жонсиз предметлар», одамлар» деб гуруҳлар сони аниқ кўрсатилади.

**Тадқиқотчининг синалувчи топшириқни бажарётганлиги ҳақидаги тадқиқот қарори.**

Тадқиқотчи ҳаракатлари	Синалувчи ҳаракатлари	Синалувчи тушунтиришлари

Классификация методикасидаги оғзаки усул қўлланганда синалувчи аниқ тушунчалар, сўзларни гуруҳларга ажратиши керак. Бу ерда расмнинг таъсири йўқ бўлиб, синалувчи сўзларнинг мазмунини яхши тушунади, атрофдаги предмет ва ходисалар ҳақида маълум билимларга эга бўлади. Шу билан бир вақтда классификациянинг бу усулида синалувчи предметларни ўзига маълум гуруҳларга ажратиш қобилияти осонлик билан муҳокама қилинганда унинг тафаккур жараёнлари хусусиятлари ҳақида қўшимча маълумот олади.

Юқорида қайд этилган усуллардан ташқари умумлаштириш жараёнини ўрганишда геометрик шаклларни классификация қилиш методикаси (Ю.Ф.Поляков, 1954) ҳам қўлланиши мумкин. Тажриба ўтказиш учун 3 белгисига: рангига, шаклига, катталигига кўра фарқланадиган геометрик шакллар тасвирланган 2 та тўплам (ҳар бирида 24 тадан карточка бор) керак бўлади. Геометрик шаклларнинг биринчи тўплами экрани жадвал сифатида бўлиши мумкин. (9-илова). Иккинчи тўпламда худди шу геометрик шакллар тасвирланган алоҳида карточкалар бўлиб, болага белгилари бўйича гуруҳлаш учун берилади.

Тажриба бошида синалувчига 30 сония кўрсатилади ва унга берилган алоҳида карточкаларни ўхшаш белгисига кўра 2 гуруҳга ажратиш кераклиги айтилади. Тадқиқот жараёнида умумлаштириш қобилиятини шакллантириш

бўйича ўргатувчи дарс элементларидан фойдаланиш мумкин.

### **Ортиқчасини ўчириш.**

Ортиқчасини ўчириш методикаси умулаштириш ва чалғиш, муҳим белгини ажратиш каби тафаккур жараёнлари даражасини ўргатиш учун қўлланилади. Бу методиканинг ҳам икки тури бор: предметли ва сўзли. Методиканинг предметли турида кўзғатувчи материал алоҳида қоғозларда берилиши зарур. Ҳар бир қоғозда (карточкада) 4 та предмет тасвирланган. Расмлар оқ, қора ёки рангли бўлиши мумкин. Синалувчи 4 та предметдан, умумий белги бўйича бирлашувчи 3 тасини танлаши керак. Одатда қуйидаги кўрсатма берилади:

Бу ерда 4 та предмет тасвирланган. Сиз 3 та предметни бирлаштириб турадиган нарсани топиб, унга ном беришингиз керак, бир предмет бу гуруҳга кирмаганлиги учун уни ўчириш керак. Тадқиқотчи биринчи топшириқни синалувчи билан бирга бажаради, кейин у мустақил ишга киришади. Бу методикадан болаларни ва катталарни текширишда фойдаланиш мумкин. Методиканинг оғзаки вариантини 11-12 ёшдан катта болалар учун қўллаш мумкин. Тажриба ўтказиш учун сўзлар қатори ёзилган махсус қоғоз варағи бўлади. Қўлланма: «Ҳар бир қаторда 5 та сўз бор, 4 та сўзни бир гуруҳга киритиб ном беринг, бир сўз ортиқча бўлиб уни ўчириш керак».

1. Стол, стул, кроват, пол, шкаф.
2. Сут, қаймоқ, катик, сузма, гўшт.
3. Ботинка, этик, боғич, туфли, тапочка.
4. Болға, арра, мих, болта, ранда.
5. Ширин, иссиқ, аччиқ, нордон, шўр.
6. Терак, тол, дарахт, арча, шафтоли.
7. Самолёт, арава, одам, кема, велосипед.
8. Аброр, Мурот, Азиз, Асқаров, Наби.
9. Сантиметр, метр, килограмм, километр, миллиметр.
10. Токар, ўкитувчи, врач, китоб, космонавт.
11. Палто, плаш, кўйлак, тугма, шим.
12. Уй, орзу, машина, сигир, дарахт.

Тажриба натижалари тадқиқот қарорида қайд этилади.<sup>5</sup>

### **Интеллектни психометрик текшириш.**

Психометрик асосланган тестлар қўлланиладиган аниқ методикалардан фарқ қилади. Бу тестларни ишлаб чиқишда асосан боланинг психик тараққиёти даражасини акс эттирувчи ўрнатилган меъёрдан четга чиқишларни, тенгдошлар гуруҳини таққословчи миқдорий кўрсаткичларга эътибор берилади (В.М.Блейхер, Л.Ф.Бурлачук, 1978). Уларнинг муқаррарлиги бир хил ёшдаги синалувчининг катта гуруҳларида амалга оширилади (В.В.Столин, А.Г.Шмельев, 1984).

3- гуруҳ учун тарқатма материал.

### **Интеллектни ўлчашнинг Векслер шкаласи.**

Ақлни текширишнинг энг кенг тарқалган методларидан бири америкалик психолог ва психиатр Д.Векслер (1949) томонидан ишлаб чиқилган болалар

<sup>5</sup> Матмуратова.Н.Б. Психодиагностика фанидан маърузалар матни. - Т., 2000 й.

интеллектини ўлчаш шкаласидир. Бу методикага 1974 йилда сўнгги марта 5 ёшдан 15 ёшгача бўлган болаларни текшириш учун ўзгартиришлар киритилди.

Россияда биринчи бўлиб Векслер шкаласи В.М.Бехтерев номли Ленинград психоневрологик илмий-тадқиқот институтида мослаштирилган. Методика Б.Г.Ананьев (1969) мактаби психологлари томонидан интеллект тараққиётини узоқ йиллар ўрганишда, жумладан болаларда психик тараққиётдан четга чиқишлар ва орқада қолишларни дифференциал-диагностика қилишда кенг қўлланилган.

#### **Таянч тушунчалар:**

1. Анализ-тахлил - мураккаб объектни турли таркибий қисмларга ажратиш ёки тавсифнома беришдан иборат фикрлаш операциясидир.

2. Кўргазмали образли тафаккур – бу тафаккур турларидан бўлиб, бу тасаввур қилинаётган нарса ва ходисалар ҳақида фикрлашни тавсифлаб беради.

3. Ақл-фаросат - воқеликни назарий томондан ўзлаштиришнинг юксак формаси бўлиб, кишининг фикрлаш қобилиятида намоён бўлади.

4. Сўз-манتيкий тафаккур – тафаккур турларидан бўлиб, бу мантикий операциялар, амаллар ёрдамида тушунчалар орқали ифодаланади.

5. Классификация - теварак-атрофдаги оламни ўрганишда биргина нарса билан эмас, балки кўп ва хилма-хил нарсалар билан иш кўришга тўғри келади, яъни нарсаларни ўрганиш мақсадида гуруҳларга, синфларга ажратишдир.

6. Ассоциатив - XVII-XIX асрларда майдонга келган психология фани йўналиши бўлиб, кўпроқ Англияда тарқалган, яъни психик ходисаларнинг ўзаро боғланиши бўлиб, маълум қонунлар бўйича таркиб топишдир.

### **8 – мавзу: Шахс психодиагностикаси.**

Режа:

1. Шахс сўзини эшитганингизда фикрингизга қандай сўзлар, иборалар келади. (Ақлий ҳужум) - 5 дақиқа.

2. Шахснинг тузилиши. («Чархпалак» педагогик технологияси асосида) - 15 дақиқа.

3. Шахс хусусиятларини психогеометрик тест орқали аниқлаш бўйича амалий машқ – 20 дақиқа.

4. Шахснинг установакалари. Кишининг ўз-ўзига баҳо бериши. Шахс шаклланиши ва тараққиёти. (Кичик гуруҳларда ишлаш методи орқали) - 35 дақиқа.

5. Шахс шаклланиши ва камолига таъсир этувчи омиллар (Ақлий ҳужум) - 5 дақиқа.

#### **Машғулот учун зарурий услубий тавсиялар ва ўқув дидактик тарқатма материаллар**

1. Шахс сўзини эшитганингизда фикрингизга қандай сўзлар, иборалар келади (Ақлий ҳужум).

2. Шахснинг тузилишини ўрганиш, бу ҳақида олинган маълумотларни мустаҳкамлаш ва ушбу масала бўйича талабалар ўзлаштириши савиясини аниқлаш учун «Чархпалак» педагогик технологиясини қўллаш мумкин. Бунинг учун гуруҳ 3 та кичик гуруҳга бўлинади. Ҳар бир гуруҳга олдиндан

тайёрланган куйидаги дидактик тарқатма материал берилади. Унинг юқори қисми чап томонга гуруҳ номери ёки шартли номи, ўнг томонга гуруҳ аъзолари белгилаш учун танлаган белги қўйилиши ва гуруҳ муҳокама қилиб, жадвалнинг чап қисмидаги 2 устунда ифодаланган шахс хусусиятлари қайси таркибий қисмга мос келишини белгилаш таклиф этилади. Бу белгилар қўйилган қоғозни (соат стрелкаси йўналиши бўйича) кейинги гуруҳларга узатиш таклиф этилади. Кейинги гуруҳ эса яна гуруҳ фикри бўйича тегишли белгилар билан тўлдириши ва кейинги гуруҳга узатиши лозим. Шу тарзда давом этиб, гуруҳлар фикрлари белгиланган қоғозлар чархпалак сингари гуруҳлар орасида айланиб бўлгач, натижалар муҳокамаси ташкил этилади. Бунда жадвалнинг чап қисмидаги 2 устунда ифодаланган шахс хусусиятлари қайси таркибий қисмга мос келиши бўйича белгилашларда қандай бандларда фарқлар мавжуд бўлса, шу банддаги шахс хусусиятлари қайси таркибий қисмга мансублиги муҳокама этилиб, умумий бир тўғри хулосага келинади.

**«Чархпалак» педагогик технологиясини қўллаш учун дидактик тарқатма материал куйидаги шахс хусусиятлари қайси таркибий қисмга мос келади?**




	Шахс хусусиятлари	Шахс хусусиятларининг таркибий қисмлари		
		Биологик	Психологик	Ижтимоий
1	Характер			
2	Тажрибаси			
3	Темперамент			
4	Қадриятлари			
5	Тана ташқи кўриниши			
6	Дунёқараши			
7	Жинси			
8	Шахс йўналиши			
9	Эътиқоди			
10	Интеллекти			

3. Шахс хусусиятларини куйидаги Дилленгернинг психогеометрик тести орқали аниқлаш бўйича амалий машқ ўтказилади.

**Психогеометрик тест:** «Кимсиз: квадрат, айлана, тўртбурчак, учбурчак, зиг-заг?»

Ушбу тест шахсга алоқадор бир қанча муҳим ўзига хос хулқ-атвор сифатларни қисқа муддатда аниқлашга имкон беради.

Тавсия этилган геометрик фигуралардан қайси бири Сизга яқинлигини белгиланг ва унга «1» рақами қўйинг. Қолганларни ҳам ёқишига қараб, 5 гача баҳолаб чиқинг.





Энди сизга хос бўлган психологик хусусиятлар ва фазилатларни билиб олинг.

**Квадрат.** Ҳаётий қадриятлари: тартиб, иш, анъаналар, репутация.

Асосий психологик хусусиятлари: Ижобийлари - тартиблилик, интизом, ўз вақтида ишларни бажарадиган, озода-покиза, қонунга бўйсунувчи, меҳнатсевар, чидамли, тиришқоқ, қатъиятли, қарорлари қатъий, сўзининг устида турадиган, ҳалол, оқил, ақл билан иш кўрадиган, босиқ, тежамкор, пишиқ.

Салбийлари - кўнглига ҳар хил фикрлар келади, бирёқлама, педант, ўта талабчан, майда-чуйдага ҳам эътибор берадиган, жиддий, чидамли, қайсар, консерватив, янгиликдан чўчидиган, фантазияси камбағал, писмиқроқ, пишиқ.

**Учбурчак.** Асосий қадриятлари: ҳокимият, лидерлик, амал, мавқе, ғалаба, манфаат.

Асосий психологик сифатлари: Ижобийлари — яхши лидер, ўзига масъулиятларни оладиган, ҳар нарсада асосий, моҳиятни кўрувчи, кучини сафарбар қила оладиган, ғалабага эриша оладиган, ўзига ишончли, қатъиятли, таваккалчи, ғайратли, тўғрисиўз, ҳиссиётлари бой, ақлли.

Салбийлари - эгоцентрик, эгоист, назорат қилишни яхши кўрадиган, ўзгача фикрларга тоқатсиз, ишга ўта берилувчанлик, ҳар нарсадан манфаат қидирадиган, қайсар, импульсив, бешафқат, тоқатсиз, кўпол, раҳмсиз, аччиғи тез, захарханда.

**Айлана.** Асосий қадриятлар: инсонларга хизмат қилиш, оила бахти ва манфаати, болалар, мулоқот.

Асосий психологик хусусиятлари: Ижобийлари — мулоқотга эҳтиёж, киришувчанлик, ҳаммабоп, меҳрибон, ғамхўр, садоқатли, кучли ижтимоий интуицияга эга, эмпатия ҳисси кучли, бағри кенг, кўли очик, ҳиссиётларга берилувчан, босиқ, ювош, кечиримли, жанжалдан йироқ юрувчи.

Салбийлари: ўзгалар фикрига тобелик, бетартиб, ўта юмшоқ, талабчан эмас, қатъиятсиз, нарсаларни аямайдиган, лакма, сентиментал, кўнгли бўш.

**Тўртбурчак.** Асосий қадриятлари: ўзгариш, динамика, азарт.

Асосий психологик хусусиятлари: Ижобийлари — интилувчан, янгиликни қидирадиган, қизиқувчан, яхши таълим оладиган, зийрак, сезгир, ишонувчан, эмпатия хос, самимий, дадил, яхши ўйинчи.

Салбийлари: қатъиятсиз, қарорлари мавҳум, иш ва сўз бирлиги йўқ, енгилтак, ишонувчан, эмоционал беқарор, содда, ўзига баҳоси паст, ланж, унутувчан, кечиримли.

**Зигзаг.** Асосий қадриятлари: эркинлик, ижод, ўзгариш.

Асосий психологик хусусиятлари: Ижобийлари — янгилик, ижодга интилиш, билишга чанқоқлик, ғалаёнчи, ҳаёлпараст, оптимист, келажакка интилган, руҳи тетик, экспрессив, ташаббускор, ақлли.

Салбийлари: тартибсизлик, кўнимсизлик, ўзгарувчанлик, индивидуализм, ишончсиз, қонунларни бузувчи, реалистик қарашнинг йўқлиги, субтсиз, импульсив, ўзини намоёйишкорона кўрсатадиган, заҳар, кесатиб гапирадиган.

Юқоридаги тест ўз-ўзини таҳлил қилиш малакаларини мустаҳкамлайди ва ўзини тарбиялашга ёрдам беради.

4. Шахснинг установакалари ва муҳим ориентациялари. Кишининг ўз-ўзига баҳо бериши. Шахс шаклланиши ва тараққиёти (Кичик гуруҳларда ишлаш методи орқали). Кичик гуруҳларда ишлаш учун гуруҳ 3 та кичик гуруҳга бўлинади ва уларга қуйидаги тарқатма материаллар берилиб, ушбу масалалар бўйича тақдимотлар тайёрлаш топширилади.

1-гуруҳ учун тарқатма материал.

### **Шахснинг установакалари.**

Мотивлар, яъни ҳатти-ҳаракатларимизнинг сабаблари биз томонимиздан англаниши ёки англамаслиги ҳам мумкин. Юқорида келтирилган барча мисолларда ва ҳолатларда мотив аниқ, яъни шахс нима учун у ёки бу турли фаолиятни амалга ошираётганлигини, нима сабабдан муваффақиятга эришаётганлиги ёки мағлубиятга учраганини билади. Лекин ҳар доим ҳам ижтимоий хулқимизнинг сабаблари бизга аён бўлавермайди. Англамаган ижтимоий хулқ мотивлари аввалги маърузада таъкидланганидек, ижтимоий установака (инглизча «attitude») ходисаси орқали тушунтирилади.

Демак, ижтимоий установака шахснинг ижтимоий объектлар, ходисалар, гуруҳлар ва шахсларни идрок қилиш, баҳолаш ва қабул қилишга нисбатан шундай тайёргарлик ҳолатики, у бу баҳо ёки муносабатнинг аслида қачон шаклланганлигини аниқ англамайди. Масалан, Ватанимизни ҳаммамиз севамиз, байроғимиз муқаддас, немис инвесторларга ишонамиз, тижорат ишлари билан шуғулланадиганларни албатта пулдор, бадавлат, деб ҳисоблаймиз ва ҳоказо. Бу тасаввурлар, баҳо ва ҳиссиётлар қачон ва қандай қилиб онгимизда ўрнашиб қолганлигига эътибор бермасдан юқорида санаб ўтган ҳиссиётларни бошдан кечираверамиз. Мана шуларнинг барчаси ижтимоий установакалар бўлиб, уларнинг мазмун моҳияти аслида ҳар бир инсон ижтимоий тажрибаси давомида шаклланади ва узоқ муддатли хотирада сақланиб, конкрет вазиятларда рўёбга чиқади. Демак, мотив — ҳар қандай ҳаракатларимиз ва фаолиятимизнинг сабаби (ундов), шарти бўлса, установака — ана шу ҳаракат ёки фаолиятни амалга оширишга қаратилган инсондаги ички психологик ҳолатдир.

Америкалик олим Г. Олпорт ижтимоий установаканинг уч компонентли тизимини ишлаб чиққан:

А. Когнитив компонент — установака объектига алоқадор билимлар, ғоялар, тушунча ва тасаввурлар мажмуи;

Б. Аффектив компонент — установака объектига нисбатан субъект ҳис қиладиган реал ҳиссиётлар (симпатия, антипатия, лоқайдлик каби эмоционал муносабатлар);

**В. Ҳаракат компоненти** — субъектнинг объектга нисбатан реал шароитларда амалга ошириши мумкин бўлган ҳаракатлари мажмуи (хулқда намоён бўлиш).

Бу учала компонентлар ўзаро бир-бирлари билан боғлиқ бўлиб, вазиятга қараб у ёки бу компонентнинг роли устиворроқ бўлиши мумкин. Шунини айтиш лозимки, компонентлараро монандлик бўлмаслиги ҳам мумкин. Масалан, айрим талабалар талабалик бурчи ва тартиб-интизом билан жуда яхши таниш бўлсаларда, ҳар доим ҳам унга риоя қилавермайдилар. «Тасодифан дарс қолдириш», «жамоатчилик жойларида тартибни бузиш» каби ҳолатлар когнитив ва ҳаракат компонентларида уйғунлик йўқлигини кўрсатади. Бу бир қарашда сўз ва иш бирлиги принципнинг турли шахсларда турлича намоён бўлишини эслатади. Агар одам бир неча марта била туриб, ижтимоий хулққа зид ҳаракат қилса, ва бу нарса бир неча марта қайтарилса, у бу ҳолатга ўрганиб қолади ва установкага айланиб қолиши мумкин. Шунинг учун ҳам биз ижтимоий нормалар ва санкциялар воситасида бундай қарама-қаршилик ва тафовут бўлмаслигига ёшларни ўргатиб боришимиз керак. Бу шахснинг истиқболи ва фаолиятининг самарадорлигига бевосита таъсир кўрсатади.

Фаолиятга нисбатан англанилмаган майллар орасида энг кўп ўрганилгани установка масаласидир. Бу масалани грузин психологи Д.Н.Узнадзе ва унинг ходимлари ишлаб чиққан.

Установка билиш фаолияти билан боғлиқ бўлган эҳтиёжни маълум усулда қондиришга тайёр туриш тушунилади. Кўрсатма бериш шахснинг ўзи англаб етмаган бир ҳолатдир. Бундай ҳолатда шахс бирор эҳтиёжини қондириши мумкин бўлган маълум фаолиятга тайёр турган бўлади.

Кишининг ўз мақсадига эришиш йўлида учрайдиган қийинчиликлар туфайли унда ишончсизлик, умидсизлик ҳолатлари ҳосил бўлади. Бунини фрустрация дейилади.

Фрустрация кишини тажанг, тажовузкор, кўпол қилиб қўйиши ёки аксинча уни ювош қилиб қўйиши мумкин. Ўқувчиларга тарбия беришда фрустрацияни олдини олиб, енгиб бўлмайдиган нарса йўқлигини, бу қийинчиликлар вақтинча эканлигини айтиб, ишонтириб уларда истиқболни яратиш керак.

2-гуруҳ учун тарқатма материал.

### **Шахснинг ўз-ўзига баҳоси.**

Шахснинг ўз-ўзига баҳоси уч хил бўлиши мумкин: реал (тўғри), меъёрида баланд ёки паст, меъёридан ортиқча юқори ёки паст.

**Реал (тўғри) ўз-ўзига баҳо** шахсни ўраб турганлар — ота-она, яқин қариндошлар, педагог ва мураббийлар, қўни-қўшни ва яқинларнинг ўринли ва асосли баҳолари, реал самимий муносабатлари маҳсули бўлиб, шахс ушбу муносабатларни илк ёшлигиданоқ холис қабул қилишга, ўз вақтида керак бўлса тўғрилашга ўргатилган бўлади. Бунда шахс учун эталон, ибратли ҳисобланган инсонлар гуруҳи — референт гуруҳнинг роли катта бўлади. Чунки биз кундалик ҳаётда ҳамманинг фикри ва баҳосига қулоқ солавермаймиз, биз учун шундай инсонлар мавжудки, уларнинг ҳаттоки, оддийгина танбеҳлари, маслаҳатлари, ҳаттоки, мақтаб туриб берган танбеҳлари ҳам катта аҳамиятга эга. Бундай

референт гуруҳ реал мавжуд бўлиши (масалан, ота-она, ўқитувчи, устоз, яқин дўстлар), ёки нореал, ҳаёлий (китоб қаҳрамонлари, севимли актёрлар, идеал) бўлиши мумкин. Шунинг учун ёшлар тарбиясида ёки реал жамоадаги одамларга мақсадга мувофиқ таъсир ёки тазйиқ кўрсатиш керак бўлса, уларнинг эталон, референт гуруҳини аниқлаш катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлади.

**Ўз-ўзига баҳонинг паст бўлиши** кўпинча атрофдагиларнинг шахсга нисбатан қўяётган талабларининг ўта ортиқлиги, уларни удалай олмаслик, турли хил эътирозларнинг доимий тарзда билдирилиши, ишда, ўқишда ва муомала жараёнидаги муваффақиятсизликлар оқибатида ҳосил бўлиши мумкин. Бундай ўсмир ёки катта одам ҳам, доимо тушкунлик ҳолатига тушиб қолиши, атрофдагилардан четроқда юришга ҳаракат қилиши, ўзининг кучи ва қобилиятларига ишончсизлик кайфиятида бўлиши билан ажралиб туради ва бора-бора шахсда қатор салбий сифатлар ва ҳатти-ҳаракатларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Ҳаттоки, бундай ҳолат суицидал ҳаракатлар, яъни ўз жонига қасд қилиш, реал борлигидан «қочишга» интилиш психологиясини ҳам келтириб чиқариши мумкин.

**Ўзи-ўзига баҳо ўта юқориси** ҳам шахс хулқ-атворида яхши таъсир кўрсатмайди. Чунки, у ҳам шахс ютуқлари ёки ундаги сифатларнинг бошқалар томонидан сунъий тарзда бўрттирилиши, ноўрин мактовлар, турли қийинчиликларни четлаб ўтишга интилиш туфайли шаклланади. Ана шундай шароитда пайдо бўладиган психологик ҳолат «ноадекватлилик эффекти» деб аталиб, унинг оқибатида шахс ҳаттоки, мағлубиятга учраганда ёки ўзида ночорлик, укувсизликларни сезганда ҳам бунинг сабабини ўзгаларда деб билади ва шунга ўзини ишонтиради ҳам (масалан, «ҳалақит берди-да», «фалончи бўлмаганида» каби баҳоналар кўпаяди). Яъни, нимаики бўлмасин, айбдор ўзи эмас, атрофдагилар, шароит, тақдир айбдор. Бундайлар ҳақида бора-бора одамлар «оёғи ердан узилган», «манмансираган», «димоғдор» каби сифатлар билан гапира бошлайдилар. Демак, ўз-ўзига баҳо реалистик, адекват, тўғри бўлиши керак.

Шундай қилиб, ўз-ўзига баҳо соф ижтимоий ходиса бўлиб, унинг мазмуни ва моҳияти шахсни ўраб турган жамият нормаларига, шу жамиятда қабул қилинган ва эъзозланадиган қадриятларга боғлиқ бўлади. Кенг маънодаги йирик ижтимоий жамоалар эталон ролини ўйнаши оқибатида шаклланадиган ўз-ўзига баҳо — ўз-ўзини баҳолашнинг юксак даражаси ҳисобланади. Масалан, мустақиллик шароитида мамлакатимиз ёшлари онгига миллий қадриятларимиз, ватанпарварлик, адолат ва мустақиллик мафқурасига садоқат хисларининг тарбияланиши, табиий, ҳар бир ёш авлодда ўзлигини англаш, ўзи мансуб бўлган халқ ва миллат маънавиятини қадрлаш хисларини тарбияламоқда. Бу эса, ўша юксак ўз-ўзини англашнинг пойдевори ва муҳим шакллантирувчи механизмидир.

Демак, ўз-ўзини баҳолаш — ўз-ўзини тарбиялашнинг муҳим мезонидир.<sup>6</sup>

3-гуруҳ учун тарқатма материал.

### **Шахс шаклланиши ва тараққиёти.**

Шахс ижтимоий, конкрет – тарихий шароитларда яшаши, таълим-тарбия олиши туфайли таркиб топади. Шахс тараққиётининг ҳаракатлантирувчи кучи

<sup>6</sup> Каримова В., Акрамова Ф. Психология. Маърузалар матни. – Т., 2002.

нимадан иборат? Бу масалани ҳал қилиш юзасидан психология тарихида иккита оқим мавжуд бўлиб, улардан биринчиси шахс психик тараққиётининг биогенетик концепцияси, иккинчиси эса социогенетик концепциясидир.

Биогенетик концепцияга кўра инсон шахсининг тараққиёти биологик фактор, яъни наслий фактор билан белгиланади. Бу концепцияга кўра, одам психик фаолиятининг шаклларигина эмас, балки бу фаолият шакллариининг мазмуни ҳам гўё туғилишидан пешонасига ёзиб қўйилган эмиш, одамнинг психик тараққиёт босқичлари ва уларнинг юзага келиш тартиблари аввалдан белгиланиб қўйилган эмиш. Биогенетиклар педагоглардан болада тақдир йўли билан қандай шахсий сифатлар юзага келишини билиб туришни, лекин уларнинг юзага келишига қаршилик қилмасликни, аксинча ёрдам беришни талаб қиладилар.

Социогенетик концепция шахснинг тараққиётини унинг атрофидаги ижтимоий муҳитга боғлаб тушунтирадилар. Уларнинг айтишича «одам ижтимоий муҳит нусхасидир». Социогенетиклар ҳам биогенетиклар сингари ривожланаётган одамнинг шахсий фаоллигини инкор қиладилар. Одам фақат атрофидаги муҳитга мослашадиган, пассив рол ўйнайдиган мавжудот деб қарайдилар. Агар социогенетик концепцияни тўғри деб билсак, у ҳолда нима сабабдан баъзи ҳолда бир хил муҳитда ҳар хил одамларнинг етишиб чиқиши тушуниб бўлмайдиган масала бўлиб қолади.

Шахс тараққиётини ҳаракатлантирувчи кучлар муаммосини ҳал қилишда диалектика таълимотига асосланиш лозим. Шахснинг фаоллиги одамни англаган ёки англамаган мотивларининг мураккаб системаси орқали фаолиятга ундовчи эҳтиёжлар йиғиндисига боғлиқдир. Бироқ эҳтиёжларни қондириш жараёни ички қарама–қаршиликларга эга бўлган жараёндир. Одатда эҳтиёжлар пайдо бўлиши биланоқ қондирилмайди. Эҳтиёжларни қондириш учун моддий воситалар, шахснинг фаолиятга маълум даражада тайёр бўлиши, билимлар, кўникмалар ва шу кабилар зарурдир.

Шахс тараққиётида ирсият ва муҳитнинг ролини тўла инкор қилиб бўлмайдди, балки ҳар иккисининг ҳам маълум даражада ўз ўрни бор. Лекин шахс тараққиётини белгиловчи асосий омил таълим–тарбия бўлиб ҳисобланади.

## **9 – мавзу: Шахслараро муносабатлар диагностикаси.**

Режа:

1. Мулоқот, муомала, муносабат сўзларини эшитганингизда фикрингизга қандай сўзлар, иборалар келади. (Ақлий ҳужум) - 5 дақиқа.

2. Самарали мулоқот омиллари ва воситалари ҳақидаги фикрлар мунозараси (3x4 педагогик технология асосида) - 25 дақиқа.

3. Шахснинг мулоқотга киришувчанлик хусусиятини ўрганиш бўйича амалий машқ – 10 дақиқа.

4. Мулоқотнинг томонлари. Педагогик мулоқот. Нутқ ва тил тўғрисидаги тушунча. Нутқнинг турлари ва функциялари (Кичик гуруҳларда ишлаш методи орқали)- 35 дақиқа.

5. «Комплимент» ўйини Талабалар дарс якунида жуфтликда ўз ҳамкорларига улардаги мавжуд ижобий сифатларни таъкидлаб, «компилимент» айтишади - 5 дақиқа.

### **Машғулот учун зарурий услубий тавсиялар ва ўқув дидактик тарқатма материаллар**

1. Мулоқот, муомала, муносабат сўзларинини эшитганингизда фикрингизга қандай сўзлар, иборалар келади (Ақлий ҳужум).

2. Самарали мулоқот омиллари ва воситалари ҳақидаги фикрлар мунозарасини «3x4» педагогик технология асосида ташкил этиш учун гуруҳ 4та кичик гуруҳларга бўлинади. Ҳар бир гуруҳ учун бир варақ қоғоз олиндиб, самарали мулоқот омиллари ва воситалари ҳақидаги 3 тадан гуруҳ фикрини ёзишини ҳамда, бу фикрлар ёзилган қоғозни (соат стрелкаси йўналиши бўйича) кейинги гуруҳларга узатиш таклиф этилади. Кейинги гуруҳ эса яна бу ҳақда учта фикр билан тўлдириши ва кейинги гуруҳга узатиши лозим. Шу тарзда давом этиб, ҳар бир қоғозда 12 тадан фикрлар мужассам бўлгач, гуруҳлар бу фикрларни таҳлил этиб, гуруҳнинг бир умумлаштирилган фикрини билдиришлари талаб этилади.

3. Шахснинг мулоқотга киришувчанлик хусусиятини ўрганиш бўйича амалий машқ учун методика:

#### ***Тест. «Мулоқотга киришувчанлик».***

Қуйида берилган 16 саволга «ҳа», «йўқ», «баъзан» деб жавоб беринг.

1. Сизни амалий учрашув кутмоқда. Уни бетоқатлик билан кутасизми?
2. Сизни бирор касаллик ҳолдан тойдирмагунча, врачнинг олдига боришни орқага сўравермайсизми?
3. Сизни бирор мавзудаги ахборот билан йиғилиш, мажлис ва шунга ўхшаш тадбирда маъруза билан чиқиш топшириғи хавотирга соладими?
4. Сизга илгари бормаган шахрингизга сафарга бориб келишни таклиф этишди. Шу сафарга бормаслик учун бор имкониятни ишга соласизми?
5. Ўзингиздаги ҳиссий кечинмалар билан кимлар биландир ўртоқлашишни яхши кўрасизми?
6. Кўчада сизга нотаниш одам бирор илтимос билан мурожаат қилса, сизнинг ғашингиз келадими?
7. Сиз «Оталар ва болалар» муаммоси борлиги ва турли авлод вакиллари билан бир-бирларини тушунишлари қийинлигига ишонасизми?
8. Танишингизга бир неча ой аввал олган қарз пулини эслатишга уяласизми?
9. Ошхона ёки ресторанда сизга ёқмайдиган таом беришди, идишни четга суриб, аччиғингиз келганини яшира оласизми?
10. Бегона одам билан ёлғиз қолганингизда, у биринчи бўлиб гап бошласа, Сизга жавоб қайтариш малол келадими?
11. Сиз турли ерларда одамларнинг узун навбатда туришганини кўрсангиз, тоқатингиз тоқ бўладими? Навбатда туриб кутишдан кўра, ўз ниятингиздан воз кечишни афзал кўрасизми?
12. Бирор жанжалли вазиятни муҳокама қилиши керак бўлган комиссиянинг аъзоси бўлишдан кўрқасизми?

13. Сизда бирор адабиёт, санъат ва маданият асарларини баҳолашнинг соф индивидуал мезонлари бор ва бу борада бошқаларнинг фикрини қабул қилмайсиз. Шундайми?

14. Сизга жуда таниш бўлган масала бўйича бошқаларнинг нотўғри фикрларини тасодифан эшитиб қолсангиз, индамай қўя қоласизми?

15. У ёки бу масалада ёрдам беришингизни сўрашса, сиз бундан оғринасизми?

16. Ўз нуқтаи назарингизни оғзаки баён этгандан кўра, уни ёзма тарзда ифодалашни афзал кўрасизми?

Энди балларни хисобланг:

«ҳа» — 2 балл, «баъзан» — 1 балл, «йўқ» — 0 балл. Шу тарзда балларни кўшиб чиққач, одамларнинг қайси тоифасига киришингизни билиб оласиз.

**14-18 балл.** Сизнинг мулоқотга киришувчанлигингиз яхши, ўртача. Сиз кўп нарсага қизиқасиз, бошқаларни бажонидил тинглайсиз, ўзгалар фикрига сабр-тоқатлисиз, ўз фикрингизни босиқлик билан изҳор этасиз. Бегоналар билан учрашувга бориш сиз учун унчалик нохуш эмас, лекин шовқин-суронли даврани ёқтирмайсиз, одамларнинг сергапи сизга ёқмайди.

**9-13 балл.** Сиз мулоқотга киришувчансиз. Қизиқувчан, сергап, турли масалаларда ўзгалар билан гаплашишни яхши кўрасиз. Янги одамлар билан танишиш, давранинг диққат марказида бўлишни ёқтирасиз. Ўзгаларнинг илтимосларини бажармасангиз ҳам қабул қилаверасиз. Аччиғингиз тез, лекин тез совийсиз. Сизга сабр-тоқат, қийинчиликлар билан тўқнашганда жасорат етишмайди. Лекин астойдил ҳоҳласангиз, ўзингизни ён бермасликка кўндиришингиз мумкин.

**4-8 балл.** Сизнинг мулоқот малакангиз ёмон эмас, сиз барча ишларнинг гувоҳи бўлиб юрасиз. Мунозараларда қатнашишни яхши кўрасиз, бирор масала юзасидан юзаки тасаввурга эга бўлсангиз ҳам, ўз фикрингизни айтишни ҳоҳлайсиз. Ишни охирига олиб бора олмасангиз ҳам ҳар қандай ишни бошлайверасиз. Шунинг учун ҳам раҳбарларингиз ва касбдошларингиз сиздан хавотирда бўлишади. Бу ҳақда ўйлаб кўринг.

**3 ва ундан кам балл.** Сизнинг коммуникатив малакаларингиз яхши эмас, сиз сергапсиз, ҳар нарсага аралашаверасиз. Ўзингиз умуман беҳабар бўлган нарсалар хусусида ҳам фикр юритаверасиз. Ихтиёрсиз тарзда турли зиддиятлар ва жанжалларнинг иштирокчисига айланиб қоласиз. Жиззаки, салга хафа бўладиган одатингиз бор, шунинг учун одамлар сиз билан чиқиша олмайдилар. Ўзингизни тутиш, сабр-тоқатли бўлиш учун одамларга ҳурмат билан қарашга ўрганинг. Қолаверса, ўз соғлиғингиз ҳақида қайғуринг, чунки бундай ҳаёт тарзи изсиз бўлмайди, асабларингиз чарчаб қолиши мумкин.

4. Мулоқотнинг томонлари. Кичик гуруҳларда ишлаш учун гуруҳ 4 та кичик гуруҳга бўлинада ва уларга қуйидаги тарқатма материаллар берилиб, ушбу масалалар бўйича тақдимотлар тайёрлаш топширилади.

1-гуруҳ учун тарқатма материал.

**Мулоқотнинг коммуникатив томони** Ё шахслараро ахборотлар, билимлар ғоялар, фикрлар алмашинуви. Бу жараённинг асосий воситаси Ё тил (ёзма-оғзаки, монологик-диалогик нутқ). Диалогик нутқнинг мазмуни,

характери, давомийлиги мулоқотга киришган шахсларнинг шахсий қарашларига, қизиқишларига, бир-бирларига бўлган муносабатларига, мақсадларига бевосита боғлиқ бўлади. Ўқитувчи-ўқувчи, сиёсий раҳбарларнинг, дипломатларнинг, дугоналарнинг суҳбати бир-биридан фарқ қилади. Монологик нутқ бир кишининг бошқа кишига мурожаати ў фикрларнинг мантиқан тугал бўлиши, грамматик қонун-қоидаларга риоя қилиш керак. Одамларнинг мулоқот жараёнида сўзлардан ташқари турли хил ҳаракатлардан, қилиқлардан, ҳолатлардан, кулгу, оҳанглардан ҳам фойдаланадилар. Мимика, кўз қарашлар, тўхташлар (пауза) ифодалари ва ҳоказо. Буюк рус ёзувчиси Л.Толстой одамларда 97 хил кулгу тури, 85 хил кўз қарашлар тури борлигини кузатган. Андреевнинг ёзишича, одам юз ифодалари, нигоҳларининг 2000 га яқин кўринишлари бор.

Бу новербал мулоқот воситаларининг миллий ва худудий хусусиятлари бор. Масалан, ўзбек халқининг мулоқот жараёни бой, ўзаро муносабатларнинг бевосита характери унда шундай воситаларнинг кўпроқ ишлатилиши билан боғлиқ. Болгарлар бирор фикрни тасдиқламоқчи бўлишса, бошларини чайқашади, инкор этмоқчи бўлишса, бош силташар экан.

Новербал мулоқотда суҳбатдошларнинг фазовий жойлашувлари ҳам аҳамиятга эга: Масалан, аёллар ҳиссиётга берилганлиги учун бир-бирлари билан яқин туриб гаплашар эканлар, эркаклар ўртасида масофа бўлар экан.

Ўқувчиларни партада орқама-кетин ўтказгандан кўра доира шаклида ўтказилса, уларда жавобгарлик ҳисси юқорироқ бўлар экан, эмоциялар алмашгани учун ҳам гуруҳдаги психологик вазият ижобий бўлиб, болаларнинг предметга ва бир-бирларига муносабатлари анча яхши бўлар экан.

Демак таълим-тарбия жараёнини ташкил этишда мулоқотнинг барча воситаларига, айниқса, нутққа эътибор бериш керак. Болаларни илк ёшлик чоғлариданоқ нутқ маданиятига ўргатиш, нутқларини ўстириш чораларини кўриш зарур. Педагог ҳам нутқ маданиятига эга бўлиши керак.

2-гуруҳ учун тарқатма материал.

**Мулоқотнинг перцептив томони.** Мулоқот жараёнида одамлар бир-бирлари билан маълумотлар алмашиб, ўзаро таъсир кўрсатибгина қолмай, балки бир-бирларини тўғрироқ ва аниқроқ англашга, тушунишга ва идрок қилишга ҳаракат қиладилар. Бу томон шахсий идрок ва тушуниш муаммоси билан боғлиқдир. Биргаликдаги фаолият жараёнида шахсларнинг бир-бирларини тўғри тушунишлари, аниқ идрок қилишлари мулоқотнинг самарали бўлишини таъминлайди. Рус психологи А.А.Бодалев бошчилигидаги лаборатория бир-бирларини идрок қилиш механизмларини аниқлаш борасида қатор психологик қонуниятларни кузатган. Бундай механизмларга: идентификация; рефлексия; стереотиплаштириш киради.

**Идентификация** шундай психологик ходисаки, бунда суҳбатдошлар бир-бирларини тўғрироқ идрок қилиш учун ўзларини бир-бирларининг ўрнига қўйиб кўришга ҳаракат қиладилар. Яъни, ўзидаги билимлар, тасаввурлар, ҳислатлар орқали бошқа бировни тушунишга ҳаракат қилиш, ўзини биров билан солиштириш (онгли ёки онгсиз) *идентификациядир*. Масалан, биринчи



марта учрашувга кетаётган йигитнинг ички ҳолатини унинг ўртоғи ёки акаси тушуниши мумкин.

**Рефлексия** мулоқот жараёнида суҳбатдошнинг позициясидан, ҳолатидан туриб, ўзини тасаввур қилишдир, яъни рефлексия, бошқа одамнинг идрокига тааллуқли бўлиб ўзига бировнинг кўзи билан қарашга интилишдир. Чунки, бусиз одам мулоқот жараёнида ўзини аниқ билмаслиги, нотўғри мулоқот формаларини танлаши мумкин.

**Стереотиплаштириш** одамлар онгида мулоқотлар мобайнида шаклланиб ўрнашиб қолган кўникиб қолинган образлардан шаблон сифатида фойдаланиш ҳолларидир. Ижтимоий стереотиплар ҳар бир шахсда у ёки бу гуруҳли кишилар ҳақида шаклланган образлардир. А.А.Бодалев ва унинг шогирдлари бундай стереотиплар баъзан мулоқотни тўғри йўналганлигини таъминласа, бошқа ҳолларда эса ундаги хатоликларнинг сабаби бўлиши мумкинлигини кузатишган. Идрок ва тушуниш борасидаги бундай хатоликлар каузал атрибуция (лотинча causa-сабаб, attributio-қўшиб қўяман деган сўздан олинган), яъни сабабий белгилар ёки сабабий изоҳлаш деб аталади. Масалан, ўқитувчи билан ҳамсуҳбат бўлиб қолган одамда суҳбат бошидаёқ “Ҳозир одоб-ахлоқдан дарс беришни бошламасмикан” деган шубҳа пайдо бўлиши мумкин. Бу ҳам стереотип. Бундан ташқари, одамлар биринчи марта кўрган одам тўғрисида тасаввурга эга бўлиш мақсадида унинг ташқи қиёфаси билан характери ўртасида боғлиқликлар ўрнатишга ҳаракат қиларкан, шундай боғлиқликларни аниқлаш мақсадида А.А.Бодалев талабалар гуруҳига турлича қиёфали шахсларнинг фотосуратларини кўрсатган. 72 кишидан 9 таси ияги катта кишилар кучли ирода эгалари эканлигини, 17 таси пешонаси кенг одамлар ақлли эканликларини, 3 киши сочи қаттик одамларнинг қайсарроқ, қатъий эканликларини, 5 киши кичик бўйли одамлар ҳокимиятга интилган, бошқалар устидан буйруқ беришга мойил, чиройли одамлар ё ўта ўзига бино қўйган ёки нодон бўлишлигини айтишган ва ҳоказо.

Табиийки, бундай фикрлар мутлақ тўғри эмас, лекин кишилар онгида авлоддан-авлодга ўтиб келаётган тасаввурлар шундай образларни шакллантирган. Нотаниш одам ҳақида тушунчанинг шаклланишида у ҳақида берилган бирламчи маълумот катта рол ўйнайди. Масалан, талабаларнинг икки гуруҳига бир хил портрет кўрсатиб, биринчи гуруҳда бу одам йирик олим, иккинчисида эса, бу — давлат жиноятчиси деб, унга иккала ҳолда ҳам ижтимоий-психологик характеристика беришларини сўраган. Кўрсатмалар ҳар хил бўлганлиги сабабли берилган таърифлар ҳам ҳар хил бўлган. Биринчи гуруҳдаги талабалар бу одам меҳнатқаш, меҳрибон, шафқатли, ғамхўр, ақлли бўлса керак, дейишган бўлса, иккинчи гуруҳдагилар уни – бешафқат, маккор, қатъиятли деб таърифлашган. Биринчи гуруҳдагилар портретдаги кўзларни доно, мулойим дейишган бўлса, бошқалар уларни ёвуз, бешафқат деб айтишган.

Шундай қилиб, ижтимоий перцепция ёки одамларнинг бир-бирларини тўғри идрок этиш ва тушуниш жараёни мулоқотнинг муҳим муаммоларидан биридир. Бу жараён психологик жиҳатдан мураккаб бўлиб, унда мулоқотга киришаётган томонларнинг ҳар бири алоҳида ана шу идрокнинг ҳам объекти, ҳам субъекти бўлиб фаолият кўрсатадилар. Идрокнинг объекти сифатида шахс

қаралганда, унда ҳосил бўладиган «бошқа одам образи»нинг барча сифатлари ва қирралари назарда тутилади. Бундай образ пайдо бўлишига хизмат қиладиган белгиларга: ўша одамнинг ташқи қиёфаси, унинг кийиниши, ўзини тутиши, ҳиссий ҳолати, овози, нутқи, қилиқлари, юриши ва ҳоказолар киради. Лекин шуларнинг ичида одамнинг юзи мулоқот мобайнида суҳбатдошга энг кўп маълумот берадиган объектдир. Шунинг учун ҳам телефонда суҳбатлашгандан кўра юзма-юз суҳбатлашиш анча осон ва ахборотларга бойдир.

Одамларнинг бир-бирларини тўғри идрок этишлари уларнинг перцептив, яъни ҳиссий билиш (идрок сезиш) соҳасига алоқадор бўлса, бир-бирларини тушуниши уларнинг тафаккур соҳаларига бевосита боғлиқ мураккаб жараёндир. Бошқа одамни тўғри тушунган шахс унинг ҳиссий ҳолатига кира олган ҳисобланади, бошқача қилиб айтганда, унда **эмпатия** — бировларнинг ҳис кечинмаларини тушуна олиш қобилияти ривожланган бўлади. Юксак онгли, маданиятли, «кўпни кўрган» шахсгина бошқаларни тўғри тушуниши, уларнинг мавқеида тура олиши мумкин.

3-гуруҳ учун тарқатма материал.

**Мулоқотнинг интерактив томони.** Мулоқотнинг бу хусусияти кишиларнинг мулоқот жараёнида биргаликдаги фаолиятда бир-бирларига амалий жиҳатдан бевосита таъсир этишларини таъминлайди. Шу туфайли одамлар ҳамкорликда ишлаш, бир-бирларига ёрдам бериш, бир-бирларидан ўрганиш, ҳаракатлар мувофиқлигига эришиш каби қатор қобилиятларини намоён этишлари мумкин. Шу туфайли ўқитувчи бола шахсига мақсадга йўналган ҳолда таъсир кўрсатиши мумкин. Аслини олганда, ҳар қандай мулоқот, агар у бемаъни, мақсадсиз, қуруқ гаплардан иборат бўлмаса, доимо мулоқотга киришувчиларнинг хулқ-атворларини, уларнинг установакаларини ўзгартириш имкониятига эга.

Жамият миқёсида оладиган бўлсак, одамларнинг турли шароитларда ўзларини тутишлари, хулқ-атворларининг бошқарилиши маълум психологик қонуниятларга боғлиқлигини кўриш мумкин. Бунга сабаб жамиятда қабул қилинган турли нормалар, қонун-қоидалардир. Чунки, ўзаро мулоқот ва ўзаро таъсир жараёнларида шундай ҳатти-ҳаракатлар образлари кишилар онгига сингиб борадики, уларни ҳар бир киши норма сифатида қабул қиладди. Масалан, ўсмир бола, умуман ёшлар жамоат жойларида катталарга ўрин бўшатиб беришлари кераклиги ҳам хулқ-атворнинг бир нормаси. Шу нормага амал қилиш ёки қилмаслик ижтимоий назорат тизими орқали бошқарилади. Яъни, юқоридаги шароитда агар ўсмир бола автобусда қарияга жой бўшатмаса, жамоатчилик ўша заҳоти уни ижтимоий тартибга чақиради. Демак, ҳар бир шахс турли шароитларда турлича ролларни бажаради, бу ролларнинг қандай бажарилаётганлиги, одамларнинг кутишларига мос келишлиги ижтимоий назорат тизими орқали кузатиб турилади. Шунинг учун ҳам мулоқотга киришган кишилар доимо ўз хулқ-атворларини, қолаверса, ўзгаларнинг хулқ-атворини назорат қилиб, ҳаракатларда бир-бирларига мослашадилар. Лекин гоҳида шахсдаги ролларнинг кўп бўлиши ролларнинг зиддиятига олиб келиши мумкин. Масалан, мактаб ўқитувчисининг ўзи ўқитаётган синфда фарзанди

бўлса, дарс пайтида шундай зиддиятни бошдан кечириши мумкин, яъни бир вақтнинг ўзида ҳам ота ёки она, ҳам ўқитувчи ролини бажаришга мажбур бўлади. Ёки хулқи ёмон ўқувчининг уйига келган ўқитувчи бир вақтнинг ўзида ҳам ўқитувчи, ҳам меҳмон роллари ўртасида қийналади.

Турли ролларни бажараётган шахсларнинг ўзаро мулоқотлари кутишлар тизими орқали бошқарилади. Масалан, хоҳлайдими ёки хоҳламайдими, ўқитувчидан маълум ҳаракатларни кутишадими, улар ўқитувчи ролига зид бўлмаслиги керак. Ўз ролларига мос ҳаракат қилган, доимо меъёр мезонида иш тутган кишининг ҳаракатлари одобли ҳаракатлар деб аталади. Масалан, ўқитувчининг одоби, ўз касбини устаси эканлиги, болалар қалбини тушуна олиши, уларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда иш тутиши унинг одобга эга эканлигининг белгисидир. Одобсиз одам эса бунинг аксидир.

Демак, ўзаро мулоқот жараёнида бир одам иккинчи одамга психологик таъсир кўрсатади. Бу таъсир иккала томондан ҳам англаниши ёки англолмалиги мумкин. Яъни, баъзан биз нима учун бир шахснинг бизга нақадар кучли таъсирга эга эканлигини, бошқа бири эса, аксинча, ҳеч қандай таъсир кучига эга эмаслигини тушуниб етмаймиз. Бу эса педагогикада муҳим муаммодир. Ҳар бир педагогнинг ўз таъсир услублари ва таъсир кучи бўлади. Ўқитувчи шахсининг болаларга таъсири куйидаги экспериментда жуда яққол кузатилган. Бошланғич синф ўқувчиларига анчагина ўйинчоқлар бериб, шуларнинг ичида фақат биттасига, қизил ёғоч ўйинчоққа тегмаслик айтилган. Болалар ёлғиз қолдирилиб, ҳаракатлари пинхона кузатилган. Жуда кўп болалар тақиқланган ўйинчоққа барибир тегишган. Экспериментнинг иккинчи сериясида эса энди барча ўйинчоққа тегиш мумкин-у, фақат қизил қутичанинг қопқоқини очиш мумкин эмас, деб айтилган. Шу қутича тепасига эса шу болаларнинг ўқитувчиси сурати илиб қўйишган. Бу серияда биринчисига қараганда «таъқиқни бузувчилар» сони кескин камайган. Демак, бу нарса ўқитувчи шахсининг бола ҳаракатларига таъсирини яққол исботлаб турибди.

Шахслараро таъсир ҳақида гап кетганда, ўқитувчи обрўининг роли ҳақида ҳам айтиш лозим. Чунки, обрўли одам доимо ўша обрў қозонган гуруҳида ўз мавқеига ва таъсирига эга бўлади. Шахс обрўи унинг бошқа шахсларга иродавий ва эмоционал таъсир кўрсата олиш қобилиятидир. Маълумки, обрў амал ёки ҳаётий тажриба билангина орттирилмай, унинг ҳақиқий асоси — шахснинг одамлар билан тўғри муносабати, ундаги одамийлик хислатларининг, бошқа ижобий хислатларининг уйғунлашувидадир. Психологик обрў — таъсир кўрсатишнинг энг муҳим мезонидир.<sup>7</sup>

**Мустақил тарзда амалий машқ учун топшириқлар ва тестлар.  
Эмпатик қобилиятлар даражасини диагностика қилиш методикаси  
(В.В. Бойко).**

1. Сизда одамнинг феъл-атворини тушуниш мақсадида унинг юзига тикилиб қараш одати борми?

а) ҳа, мен доим одамларга қизиқиш билан қарайман.

<sup>7</sup> Каримова В., Акрамова Ф. Психология. Маърузалар матни. – Т., 2002.

- б) йўқ, бу мен учун қизиқ эмас.
2. Сиз одамлар билан доимий муомалани талаб қиладиган ишларни ёқтирасизми?
- а) ҳа, фақат шундай иш қувонч келтириши мумкин.  
б) йўқ.
3. Сизнингча, фикр юритишингиз нимаси билан бошқаларникидан фарқ қилади?
- а) интуициянинг кучи билан.  
б) мантиқийлик, изчиллиги билан.
4. Ўзгаларнинг кулгисидан таъсирланасизми?
- а) ҳа.  
б) мени бефарқ қолдиради.
5. Ёқтирмаган одамингиз билан самимий гаплаша оласизми?
- а) ҳа, кўпинча бу менинг қўлимдан келади.  
б) йўқ, мен бундай қилолмасдим.
6. Кўпинча Сизга нисбатан адолатсизлик қилишаётгандай бўладими?
- а) ҳа.  
б) йўқ.
7. Нотаниш одамлар билан танишишни ёқтирасизми?
- а) ҳа.  
б) йўқ.
8. Сизнингча, ўзгалар ички дунёсига қизиқиш одобсизликми?
- а) бу фикрга мутлоқ қўшиламан.  
б) йўқ, бундай эмас.
9. Бирор ташвиш устида турган бўлсангиз, ухлай оласизми?
- а) ҳа, менда шундай муаммо бор.  
б) нима бўлса ҳам яхши ухлай оламан.
10. Қуйидаги ҳолатларда ўзингизни яхши кўрсата оласизми?
- а) одамлар билан тил топиш керак бўлганда.  
б) ўзни қўлга олиб, босиқлик қилиш керак бўлганда.
11. Сизни мақтаб, хушомад қилишаётганда, уяласизми?
- а) ҳа, бундай вазиятларни ёмон кўраман.  
б) яхшиямки, мени ҳам ҳақли баҳолашди, дейман.
12. Ўз ютуқларингизни бошқаларники билан қиёслайсизми?
- а) менинг ўз ҳаётим мўлжалларим бор.  
б) бу мени илҳомлантиради.
13. Ҳар доим ҳам сизнинг бошқа одам ҳақидаги биринчи интуитив таассуротингиз тўғри бўлиб чиқадими?
- а) ҳа, одатда шундай.  
б) йўқ, кўпинча адашаман.
14. Яқинларингиз, танишларингиз Сизни ҳиссиётга берилувчан деб ҳисоблашадими?
- а) ҳа, кўпинча шундай деб ўйлашади.  
б) йўқ.
15. Одам хато қилиши мумкин, деб ҳисоблайсизми?
- а) ҳа, ҳаммамиз адашишимиз мумкин.

- б) йўқ, доимо ҳушёр бўлишимиз керак.
16. Яқин қўшниларингизнинг таржимаи ҳолларини биласизми?  
 а) ҳа, ким ёнингда яшаётганлигини билиш керак.  
 б) бунинг менга қизиғи йўқ.
17. Сиз ўз қобилиятларингизни ўзингиз учун ишлата оласизми?  
 а) афсуски, йўқ.  
 б) бошқача бўлиши мумкин эмас.
18. Бошқалар билан муомаладан Сиз доимо хафа бўласизми?  
 а) йўқ.  
 б) ҳа.
19. Мушкул ишни бошлашдан аввал Сизни кутаётган қийинчиликлар тўғрисида ўйлайсизми?  
 а) йўқ, ҳар доим мушкул ишга киришавераман.  
 б) ҳа, ҳар доим ўз имкониятларимни сарҳисоб қиламан.
20. Тез-тез Сизни кўчада тўхтатиб, савол билан мурожаат қилишадими?  
 а) ҳа, тез-тез.  
 б) йўқ, бундайларни эслолмайман.
21. Қандай фильмларни севасиз?  
 а) ўйлашга мажбур қиладиганларини.  
 б) ҳаракатлар кўп, динамик сюжетли.
22. Сиз ўз умидларингиз, хавотирларингиз ва ташвишларингиз ҳақида очиқ айта оласизми?  
 а) ҳа, бунинг зарарли, уятли жойи йўқ.  
 б) йўқ, бу менинг шахсий ишим, яшириш керак.
23. Сиз ўзингизни бахтли ҳис қилган пайтларингизда, ҳаётда кимларгадир оғирроқ бўлиши мумкинлиги ҳақида ҳам ўйлайсизми?  
 а) менда бундай ҳолат доимо бўлади.  
 б) “Ҳар ким экканини ўради”.
24. Сизни хафа қилишса, узоқ вақт қайғурасизми?  
 а) одатда, тез эсдан чиқараман.  
 б) анчагача ўзимни ёмон ҳис қиламан.
25. Сиз одатда ўз манфаатингиз йўлида яхши инсон билан уришиб қолишингизни сезсангиз:  
 а) анчагина ён бераман.  
 б) ўз манфаатимни ҳимоя қилавераман.

Қайта ишлаш йўли: ҳар бир «а» жавоб учун 1 баллдан, «б» жавоб учун 0 баллдан ёзиб чиқинг. Агар текширилувчи:

**15-25 балл** - эмпатия даражаси ўта юқори бўлиб, у бошқаларга ҳамдардлик кўрсатишга кодир бўлади;

**7-14 балл** - эмпатиянинг ўртача даражаси;

**0-6 балл** - жуда паст.

**10 – мавзу: Психологик ва педагогик маслаҳатлар асослари**

Режа:

1. Психологик ва педагогик маслаҳат иборасини эшитганингизда фикрингизга қандай сўзлар, иборалар келади. (Ақлий ҳужум) - 5 дақиқа.
2. Психологик ва педагогик маслаҳатларни самарали ташкил этишнинг шарт шароитлари ҳақидаги фикрлар мунозараси (3x4 педагогик технология асосида) -25 дақиқа.
3. Психологик ва педагогик маслаҳат ишларининг мазмуни, босқичлари асосий қоидалари (Кичик гуруҳларда ишлаш методи орқали) - 35 дақиқа.
4. Дарсга яқун яшаш - 5 дақиқа.

### **Машғулот учун зарурий услубий тавсиялар ва ўқув дидактик тарқатма материаллар**

1. Психологик ва педагогик маслаҳат ибораларини эшитганингизда фикрингизга қандай сўзлар, иборалар келади? деган савол билан магистрларга мурожаат этилади. Бунда биз интерфаол усуллардан бири ақлий ҳужум усулини қўллаймиз. Ақлий ҳужум - ғояларни генерация (ишлаб чиқиш) қилиш методидир. «Ақлий ҳужум» методи бирор муаммони ечишда талабалар томонидан билдирилган эркин фикр ва мулоҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум бир ечимга келинадиган энг самарали методдир. Ақлий ҳужум методининг ёзма ва оғзаки шакллари мавжуд. “Ақлий ҳужум” иштирокчилари олдида қўйилган муаммо бўйича ҳар қандай мулоҳаза ва таклифларни билдиришлари мумкин. Айтилган фикрлар ёзиб борилади ва уларнинг муаллифлари ўз фикрларини қайтадан хотирасида тиклаш имкониятига эга бўлади. Метод самараси фикрлар хилма-хиллиги билан тавсифланади ва ҳужум давомида улар танқид қилинмайди, қайтадан ифодаланмайди. Ақлий ҳужум тугагач, муҳимлик жиҳатида кўра энг яхши таклифлар генерацияланади ва муаммони ечиш учун зарурлари танланади.

2. Психологик ва педагогик маслаҳатларни самарали ташкил этишнинг шарт шароитлари ҳақидаги фикрлар мунозарасини «3x4» педагогик технология асосида ташкил этиш учун гуруҳ 4 та кичик гуруҳларга бўлинади. Ҳар бир гуруҳ учун бир варақ қоғоз олиниб, психологик ва педагогик маслаҳатларни самарали ташкил этишнинг шарт-шароитлари ҳақидаги фикрлар ҳақида 3 тадан гуруҳ фикрини ёзишини ҳамда, бу фикрлар ёзилган қоғозни (соат стрелкаси йўналиши бўйича) кейинги гуруҳларга узатиш таклиф этилади. Кейинги гуруҳ эса яна бу ҳақда учта фикр билан тўлдириши ва кейинги гуруҳга узатиши лозим. Шу тарзда давом этиб, ҳар бир қоғозда 12 тадан фикрлар мужассам бўлгач, гуруҳлар бу фикрларни таҳлил этиб, гуруҳнинг бир умумлаштирилган фикрини билдиришлари талаб этилади.

3. Психологик ва педагогик маслаҳат ишларининг мазмуни, босқичлари асосий қоидаларини муҳокама этиш учун кичик гуруҳларда ишлаш методидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Кичик гуруҳларда ишлаш учун гуруҳ 3 та кичик гуруҳга бўлинади ва уларга қуйидаги тарқатма материаллар берилиб, ушбу масалалар бўйича тақдимотлар тайёрлаш топширилади.

1–гуруҳ учун тарқатма материал.

#### **Психологик маслаҳат ишларининг мазмуни.**

Психолог маслаҳат бериш ишларида қуйидаги ишларни олиб боради:

1. Болалар, ёқитувчилар, талабалар таълим ва тарбияси билан шуғулланувчи барча шахсларга, жумладан маъмурият (директор, ректор,

мудир) ʼкитувчилар, мураббийлар, ота-оналар, ижтимоий ва жамоатчилик ташкилотлари ходимларига аниқ яққол, маслаҳатлар бериш.

2. Таълим, тараққиёт, тарбия, касб танлаш ва турмуш қуриш, ʼзаро муносабат, муомала ва мулоқот сирлари, тенгдошлар ва вояга етганлар муносабати, масалан, дунёқараш, қобилият, иқтидор муаммолари юзасидан индивидуал, гуруҳий, жамоавий тарзда маслаҳатлар уюштириш.

3. Маъмуриятга, болалар, ʼқувчилар, талабаларга (ётоқхонада, клубларда, кутубхоналарда) қизиқтирувчи масалалар бʼйича болалар, ʼқувчилар, талабаларнинг психик ʼсиши хусусиятларига оид маълумот бериши, ʼгил ва қизларни асраб олиш, оналик ва оталикдан маҳрум қилиш, ташкилотларни ғамхўрлик ва васийлик тўғрисидаги қабул қилган қарорга муносабати, шахс тақдирини хал қилишда қатнашиши ва маслаҳатли фикр бериши лозим.

4. Ота-оналарга боланинг психик ривожланиши хусусиятларини шахс сифатида шаклланиши, ʼзаро муносабат мақомлари, бунда фарзандларнинг ёши, жинси, индивидуал-типологик хусусиятлари муаммоси бʼйича илмий-амалий маслаҳатлар беради.

5. Янги типдаги мактабларга ʼрта-маҳсус ва касб-хунар коллежи ʼқувчилари, академик лицей талабаларига уларнинг имконияти, истикболи тўғрисида илмий-амалий хусусиятга молик консультатив ишлар олиб бориш: ёшларни саралаш, танлаш, ихтисосда яроқлик даражасини аниқлаш, танлов комиссисиясида маслаҳатчи сифатида иштирок этиш. Мазкур ишлар ʼқувчиларни мактабда, коллежда ва лицейларда ʼкитиш давомида психологик-педагогик жиҳатдан чуқурроқ ʼрганишга йʼналтирилган бʼлиб, уларнинг индивидуал хусусиятларини, таълим тарбиядаги нуқсонларнинг сабабларини аниқлашга мʼлжаллангандир. Диагностик ишлар гуруҳий ёки индивидуал тарзда ʼтказилади. Бу аснода амалий психолог қуйидаги вазифаларни бажаради.

Ёш давр тараққиёти мезонларига мувофиқлигини аниқлаш мақсадида психолог болалар, ʼқувчилар, маҳсус мактаб, ʼқувчиларини, академик лицей ва касб-хунар коллежлари, олий ʼқув юрти талабаларини психологик текширувдан ʼтказидади, уларнинг даражаларини белгилайди. ʼқувчиларнинг касбий яроқчилигини диагностика қилади, уларнинг шахс хислатлари, иродавий сифатлари, хис-туйғулари, ʼз-ʼзини бошқариш имконияти, интеллектуал даражасини текширади.

Маслаҳат бериш ишлари - амалиётчи психологнинг асосий фаолият турларидан биридир. Маслаҳат бериш ишлари ʼкитувчилар, ʼқувчилар, ота-оналар учун олиб борилади. Маслаҳат бериш ишлари индивидуал ва гуруҳий бʼлиши мумкин. Амалиётчи психологлар иш тажрибасини умумлаштириш шуни кўрсатадики, ʼкитувчилар кўпинча психологга қуйидаги муаммолар бʼйича мурожаат қиладилар: турли фанлар бʼйича ʼқувчиларнинг ʼзлаштиришдаги қийинчиликлар, болаларнинг ʼқий олмаслиги ва истамаслиги, гуруҳда низоли вазиятлар, шахсий педагогик таъсирнинг натижа бермаслиги, ҳар хил ёшдаги болаларнинг тенгдошлари оила мулоқоти ва болалар жамоасининг шаклланиши, касбий малакаларини ошириш йʼллари, ʼқувчиларнинг қобилиятлари, лаёқатлари, қизиқишларини аниқлаш ва ривожлантириш йʼллари, ʼқувчилар билан касбга йʼналтириш ишларини

олиб бориш.


Амалиётчи психологга ўқитувчилар ҳам муурожаат қиладилар:

Катталар ва тенгдошлари билан ўзаро муносабатни яхшилаш масалалари, ўз-ўзини тарбиялаш, касбий ва шахсий ўз-ўзини билиш, ақлий меҳнат ва хулқ-атвор маданияти ва бошқа муаммолар бўйича маслаҳат сўрайдилар.

Психолог ўқувчилар билан бевосита алоқада уларда вужудга келган муаммоларни ҳал қиладилар. Бу тўғридан-тўғри маслаҳат бериш деб аталади. Баъзан ўқувчиларга ва ота-оналарга ўқитувчиларнинг у ёки бу муаммолари бўйича маслаҳат беради, бу билвосита маслаҳат беришдир, бунда маълум қоидаларга амал қилишга тўғри келади. Маслоҳат бериш марказида ҳар доим психолог ва маслаҳат берилаётган шахснинг ўзаро таъсир жараёни, улар орасида ишончли ўзаро муносабатни ўрнатиш ётади. Бунда психолог – маслаҳат берувчи, ўқитувчи, ота-она – маслаҳат олувчи, ўқувчи мижоз ролида бўлади.

Маслаҳат бериш – психологик хизматнинг асосий йўналишларидан биридир. Лекин психологик маслаҳати ўзи нималиги ҳақида ягона тушунча йўқ. Коллежлардаги ёки академик лицейлардаги психолог ишидан тубдан фарқ қилади. Психолог аниқ ўқув муассасасидаги ўқитувчилар ва ўқувчилар орасидаги муносабатнинг ижобий ва салбий томонларини ривожландирган ижтимоий муҳитнинг ичида бўлади. У ҳар бир ўқувчи ёки ўқитувчининг ўзинигина эмас, шахсларо муносабатнинг мураккаб системасини ҳам кўради, бошқа иш турлари билан биргаликда вазиятни ҳал қилади.

Маслаҳат бериш ишини қуйидагича схематик тасвирлаш мумкин.



Юқоридаги усулда иш олиб борганда психолог ва ўқитувчи ўз соҳасини яхши билувчи мутахассислар сифатида намоён бўлади.

1. Ўқувчи муаммолари бўйича уларнинг ҳамкорлиги билимларининг бирикувиға имкон беради ва муаммоларни ҳал қилиш учун кенг ижодий имкониятлар яратади. Маслоҳат беришнинг асосий аҳамияти ана шунда.

2. Психолог ўқувчилар ва талабаларнинг психологик хусусиятлари, уларнинг қизиқиши, майли, илк иқтидори кабиларни ўрганади, мутахассис ва етук шахс сифатида шаклланишиға ёрдам кўрсатади.

3. Мактабгача ёшдаги болалар, ўқувчилар, хунар билим юрти тингловчилари янги типдаги мактаб, олий ўқув юрти талабаларида учрайдиган ўқув малакалари ва кўникмаларини эгаллашдаги нуқсонлар хулқ-атвордаги камчиликлар, интеллектуал тараққиёт ва шахс фазилатларидаги бузилишларни диагностика қилади.

4. Бошқа соҳанинг мутахассислари билан биргаликда психик ривожланишдаги нуқсонлар хилма-хиллигини ҳисобга олган ҳолда дифференциал диагностикани амалга оширади. Нуқсонларнинг тиббий ва



дефектологик табиатини аниқлайди. Ассоциал хулқ-атвор сабабларини ва шаклларини белгилайди. Гиёҳвандлик ва таксионманлик, алкоғолизм, ығрилик, дайдиликнинг ижтимоий психологик илдизларини текширади, омилларни таҳлил қилади.

5. Иқтидорли талабалар, ёш мутахассисларни танлашда иштирок этиш, илмий психологик тавсиялар ишлаб чиқиш ва унга асосланиб, уларга нафақалар белгилашда қатнашиш.

2-гурух учун тарқатма материал.

### **Психологик ва педагогик маслаҳат ишларининг босқичлари.**

Психологик ва педагогик маслаҳат мақсади - муаян муаммоси мавжуд болаларга, тарбиячилар, ўқитувчилар ва ота оналарга ёки бошқа мурожаат этувчиларга психологик ёрдам кўрсатиш.

*Психологик ва педагогик маслаҳат вазифалари:*

Муаммони аниқлаш.

Муаммонинг респондент (мурожаат этувчи) томонидан тушуниши ва ҳис қилинишига эришиш.

Респондент шахсини ўрганиш.

Муаммони ҳал этиш ёки вазиятдан чиқиш йўлларини излаш ва респондент билан муҳокама этиш.

Амалий психологик ёрдам.

Шунга ўхшаш муаммоларнинг олдини олишга ўргатиш.

*Психологик ва педагогик маслаҳат босқичлари:*

Тайёргарлик босқичи.

Ишончли муносабат ўрнатиш босқичи.

Психодиагностик босқичи.

Психологик ёрдам босқичи.

Назорат босқичи.

*Психологик ва педагогик маслаҳат муолажалари:*

Респондентни кутиб олиш, ишончли муносабат ўрнатиш, мулоқот тўсиқларини бартараф этиш.

1. Респондентни рефлексив, эмпатик тинглаш.

2. Қўллаб қувватлаш.

А) Респондентнинг фикрлари ва режаларини, ҳис туйғуларини аниқлаштириш.

Б) Ўзаро маъқул қарорларни излаш, уларнинг қабул этиш муҳимлигини тушунтириш ва ишонтириш.

1. Ушбу қарорларнинг амалга оширилишининг оқибатларини муҳокама этиш ва баҳолаш.

2. Муаммони ҳал этиш тайёрлиги ва ўз ўзига ишончини орттиришга йўналган муолажа.

3. Муаммони ҳал этишга киришишини таъминлашга йўналган муолажа.

3-гурух учун тарқатма материал.

### **Психологик ва педагогик маслаҳат ишларининг асосий қоидалари:**

Қоида 1. Насиҳат, маслаҳат берманг!

Қоида 2. Респондентни пассив эмас, рефлексив ва хайрихоҳлик билан тингланг, уни тинглаётганлигини респондент ҳис этсин.

Қоида 3. Респондентнинг ҳис туйғулари ҳақида гапиринг, уларни мулоқот мазмуни билан боғланг.

Қоида 4. Мижоз учун унинг муаммосини ечишга ҳаракат қилманг.

Қоида 5. Қатъий тавсиялар берманг, баҳоламанг.

Қоида 6. Шу ерда ва ҳозир содир бўлаётган воқеалар ва ҳолат ҳақида гапиринг.

Қоида 7. Учинчи шахс ва унинг муаммолари ҳақида гапиринг.

## “Шахс ривожланишининг психологик педагогик диагностикаси” курсидан лаборатория машғулоти ишланмалари

### 1- мавзу: Психодиагностика методлари ва уларнинг классификацияси.

**Лаборатория машғулоти мақсади:** Психодиагностика методлари ва уларнинг классификацияси билан амалда танишиш. Психологик ва педагогик диагностик текширув кўникма ва малакаларини шакллантириш ҳамда психологик амалиётда улардан самарали қўллаш олишлари учун асос яратишдан иборат.

### **Магистрант талабаларга лаборатория ишини бажариш бўйича топшириқлар:**

**Топшириқ № 1.** Қуйидаги психодиагностик услублар классификация бўйича барча ўрганилган методикаларни тур-турига жойлаштириб чиқиш - 20 дақиқа.

**Топшириқ № 2.** Проектив (Лойихавий) тестлардан бири орқали амалий ўрганиш ўтказиш - 60 дақиқа.

**Топшириқ № 3.** Проектив (Лойихавий) тестлардан бири орқали амалий ўрганиш натижаларини қайта ишлаш ва таҳлил этиш асосида ҳисобот тайёрлаш - 80 дақиқа.

### **Машғулот учун зарур жиҳозлар ва ўқув методик материаллар:**

1. Психодиагностик услублар классификацияси.



***Проектив (лойихавий) психодиагностик методикалар намуналари.***

***Геометрик шакллар ёрдамида чизилган одамнинг расми тести.*** Ушбу тест «Психологик диагностикада график усуллар» китобидан олинган.

Тестни ўтказишдан кутиладиган мақсад – одамлар ўртасидаги индивидуал типологик фарқларни аниқлаш.

Кўрсатма: Сиз учбурчак, айлана, квадратлардан фойдаланган ҳолда хоҳишингизга қараб, жами ўн элементдан иборат одам фигурасини чизиб беришингиз лозим. Геометрик шакллар ўлчамлари ҳар хил бўлиши мумкин уларни заруриятингизга қараб ишлатасиз. Муҳими - одамни чизишда шу уч элементдан фойдаланилса, бас. Шаклларнинг умумий сони ўнтадан ошмаслиги керак. Элементлар ошиқчасини ўчириш, камини тўлдириш даркор. Расмни кўрсатмага биноан чизинг.

Синалувчиларга 10x10 см ўлчамли уч дона варақ рақамланган ҳамда имзоланган ҳолда тарқатилади.

№ 1. Вараққа биринчи синов расми туширилади, ундан кейин № 2, № 3..

Ундан сўнг маълумотлар қайта ишланади. Кўрсатма бузилган бўлса тарқатма материал яроқсиз бўлган деб ҳисобланади.

*Маълумотлар қуйидаги кўринишда қайта ишланади:*

Одамчани тасвирлашда фойдаланилган учбурчак, айлана, квадратлар сони ҳар бир расм учун алоҳида ҳисобланади ва натижа уч хонали сон билан ифодаланади, бунда учбурчак - 100, айлана - 10, квадрат - 1ликларда бўлади.

Масалан, 3 та учбурчак, 4 та айлана, 3 та квадрат қўлланилган бўлса, бу - 343 сонини беради. Ушбу сон расм формуласини ташкил қилади.

Унга қараб чизаётган кишиларнинг ўзига мансуб бўлган тури аниқланади.

Турлар қуйидаги жадвалда келтириляпти.

**Индивидуал-психологик фарқлар тизими.**

901	802	703	604	505	406	307	208	109	
910	811	712	613	514	415	316	217	118	019
	820	721	622	523	424	325	226	127	028
		730	631	532	433	334	235	136	037
			640	541	442	343	244	145	046
				550	451	352	253	154	055
					460	361	262	163	064
						370	271	172	073

							280	181	082
								190	091

1-Тур. **Раҳбар** - одатда бундай одамлар бошқариш ва уюштириш фаолиятига мойил бўлишади. Улар жамиятдаги муҳим ахлоқий меъёрларга таянишади, юқори даражадаги нутққа эга бўлиб, ҳикоянавислик иқтидори ҳам йўқ эмас. Кўпчилиқ қатнашадиган, жамоа жойларга яхши мослаша олишади. Бошқалар устидан ҳукмронликни маълум бир чегарада сақлай билишади. Одатда яшил рангни танлайдилар ва **дарахт** тестида **арчани** чизишади.

*Формулалар* - 901, 910, 802, 811, 820, 703, 712, 721, 730, 604, 613, 622, 631, 640.

901, 910, 802, 811, 820- хилдагиларда устиворлик жуда кучли намоён бўлади.

703, 712, 721, 730 - хилдагиларда бу ҳол вазиятга қараб рўй беради.

604, 613, 622, 631, 640 - бундайлар ҳукми нутқ таъсирида ётказилади, бошқача қилиб айтганда, булар **ўқитувчилар** тоифасига мансуб.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоиз-ки, ушбу сифатлар намоён бўлиши синалувчининг психик тараққиёти даражасига ҳам боғлиқ бўлади. Юқори даражада ривожланган индивидуал-психологик сифатлар яхши англаниб, рўёбга чиқиши осон бўлади. Ривожланиши паст даражада бўлса касбий фаолиятда намоён бўлмайди, балки вазиятга қараб намон бўлади. Булар барча таърифларга хос.

2-Тур. **Маъсулиятли ижрочилар** - улар ҳам **раҳбарларга** тааллуқли кўплаб ҳислатларга эга, бироқ маъсулиятли қарорлар қабул қилиш чоғида иккиланадилар. Бундай кишилар ишни бажаришга уста бўладилар, ўта маҳоратли, маъсулиятли ва ўзига ҳам, бошқаларга ҳам талабчан, ҳақиқатгўй, яъни ҳар жойда адолат қилишлиги билан ажралиб турадилар. Кўпинча асабга боғлиқ соматик касалликлар билан оғришадилар.

*Формулалар* - 505, 514, 523, 532, 541, 550.

3-Тур. **Хавотирли-шубҳали**—бундай кишилар турфа қобилиятлар ва иқтидор эгалари бўлишади. Уларда нафис қўл ҳаракатлари кўникмаларидан тортиб адабий иқтидоргача бор. Одатда бундай одамларга бир касбнинг ўзи камлик қилади, улар ўз касбларини кутилмаганда умуман қарама-қарши касбга ўзгартиришлари мумкин. Тартибсизлик уларга ёт бўлганлиги сабабли кўплаб низоларни юзага келтиришади. Кўнгиллари ўта нозик. Улар ўзларига ишончсиз, тасаллига муҳтождирлар.

*Формулалар* - 406, 415, 424, 433, 442, 451, 460.

Бундан ташқари 415 - назмий иқтидор эгаларига мансуб, 424 - ўз ишини ўта пухта қиладиган кишиларга тааллуқли, уларни «Қандай қилиб ёмон ишлаш мумкинлигини тасаввур қилолмайман!» деган жумласи ажратиб туради.

4-Тур. **Олимлар** – бундайлар воқеа-ҳодисаларнинг муҳим томонларини аниқлаш учун уларнинг жузъий томонларини фикран бир чеккага қўйиб таҳлил қила оладилар. Концептуал тафаккурга, ҳар нарсага ўзининг қарашларини ишлаб чиқиш қобилиятига эга. Руҳан хотиржам. Ўз хатти-ҳаракатларини ақл билан мувофиқлаштириб туради.

Формулалар - 307, 316, 325, 334, 343, 352, 361, 370.

316 - глобал назариялар яратиш қобилиятига ёки улкан ҳамда мураккаб ишларни мувофиқлаштириш салоҳиятига эга.

325 - булар ҳаётга, соғлиққа, биология ва медицинага оид билимларга нўчилиги билан ажралиб туради. Улар кино, цирк, режиссура, мультипликация каби синтетик санъат билан шуғулланадилар.

5-Тур. *Интуитив* - бу тоифадаги одамлар сезгир асаб тизимига эга бўлиб, тез ҳолсизланади. Бир фаолиятдан бошқасига кўчишни талаб этадиган соҳаларда яхши иш берадилар. Одатда ўзини мазлумлар ҳимоячиси сифатида кўрсатади. Янгиликни тез қабул қиладиган. Альтруист, ўзгаларга ғамхўр. Яхшигина қўл кўникмаларига ва кўргазмали тасаввурга эга. Бу эса ўз навбатида техниканинг ижодий турларида иш олиб боришга имкон беради. Аксарият ҳолларда ўзларининг ахлоқ меъёрларини ишлаб чиқадилар. Эркига тажовуз қиладиган ҳар нарсага салбий муносабат билдиришади.

Формулалар - 208, 217, 226, 235, 244, 253, 262, 271, 280.

235 - психологлар ва психологияга юқори қизиқиш билан қарайдиганлар орасида кўп учрайди.

244 - адабий ижод салоҳиятига эга одамлар.

217 - кашфиётчилик қобилиятлари бор кишилар.

226 – янгиликка муҳтожлик сезадиган ва ўз олдига юқори мақсадлар кўядиганлар орасида учрайди.

6-Тур. *Кашфиётчи, конструктор, рассом* — бу тоифа техник қобилияти бор кишиларда кўп учрайди. Бундай одамлар бой тасаввур, фазовий кўра билиш қобилиятларига эга, техник, бадиий ва интеллектуал ижоднинг ҳар хил турлари билан шуғулланишади. Эътибори ички оламига қаратилган, интуитив турга нўшаб улар ҳам ўз ахлоқ меъёрлари билан яшашади, ташқаридан бўладиган таъсирга нўта таъсирчан. Ҳис-туйғуларга берилувчан, ўзига хос ғоялар фидойиси.

Формулалар - 109, 118, 127, 136, 145, 019, 028, 037, 046.

019 — Ўз мухлисларига эга инсонларда.

118 — кашфиётчилар ва конструктив имкониятларга эга одамларда учрайди.

7-Тур. *Эмотив* – бу тоифа одамлари ҳамдардлик хусусиятига эга, кинофильмларнинг қийноққа соладиган лавҳаларини кўриши оғир кечади. Кутилмаган ҳодисалардан эс-хушини йўқотиб қўйишади. Бошқаларнинг дарди ва ташвишига хайрихоҳ, ачинганидан руҳан тез толикади. Оқибатда, ўзлари қийин аҳволга тушиб қоладилар.

Формулалар - 550, 451, 460, 352, 361, 370, 253, 262, 271, 280, 154, 163, 172, 181, 190, 055, 064, 073, 082, 091.

8-Тур. *Эмотив турнинг акси* - бу тоифа одамлари бировлар дардини тушунмайди, уларга ўз таъсирини, ҳукмини нўтказишга ҳаракат қиладилар. Яхши мутахассис бўлса, ўзи зарур деб ҳисоблаган ишни қилишга бошқаларни мажбур эта олади. Баъзан бағритош, вазиятга, ўз муаммоларига нўралашиб қолишади.

Формулалар- 901, 802, 703, 604, 505, 406, 307, 208, 109.

## Тестга изох

Ушбу диагностиканинг нисбатан ишончсизлигига қарамай, мазкур методика психоконсультант билан мижоз њртасида яхши алоқа воситаси бњлиши мумкин. Индивидуал тавсиф бериш чоғида қуйидаги саволларни беришни њринли деб ҳисоблаймиз (одатда тасдиқ жавоби берилади).

Бњйин бњлса – књнгли нозикмисиз? Сизни хафа қилиш осонми?

Қулоқ бњлса - сизни эшитишни биладиган одам деб ҳисоблашадими?

Чњнтак бњлса - болаларингиз бор-ми?

Агар бирон бир расмда бош кийими бњлса - кимгадир мажбуран ѐн босиб, энди афсусдамисиз?

Агар уччала расмда ҳам бош кийими бњлса – њзингизни қњлингиз боғлиқдай, чорасиздай ҳис қиляпсизми?

Юз тњлиқ чизилган бњлса — мулоқотчан одаммисиз?

Биргина оғиз бњлса – Сергапмисиз?

Биргина бурун бњлса — ҳидга сезгирмисиз? Атирни хуш књрасизми?

Одамча танасида айланалар бњлса - кимгадир буйруқ бериш мажбуриятингиз борми?

### **«Тугалланмаган жумлалар» проектив методикаси.**

Синалувчи: 16-ѐшдан кичик бњлмаслиги, проектив метод тушунчаси ва вазифасининг мақсади билан таниш бњлмаслиги шарт.

Књрсатма: Психолог синалувчига жумлаларнинг бошини њқиб беради ва синалувчининг ҳаѐлига келган биринчи фикрни њйламасдан айтиб, жумлани яқунлаб беришни илтимос қиладди. Психолог жавобларни қоғозга ѐки диктофонга ѐзиб боради. Агар синалувчи жавоб беришдан олдин њйланиб қолса, вақти-вақти билан њйланмасдан жавоб қайтариш зарурлигини эслатиб туриш жоиз.

Тугалланмаган жумлалар рњйхати:

1. Касбим... (њқишим...)
2. Оилам...
3. Қњрқаман-ки...
4. Пуллар.....
5. Орзуим....
6. Иш....
7. Тушларим....
8. Курашмоқ....
9. Энг ѐқтирганим...
10. Уйда ....
11. Бошим....
12. Болалар....
13. Мени безовта қилган нарса....
14. Ажал....
15. Қиѐфам....
16. Дњстлар....
17. Қудратим етса....
18. Режаларим....
19. Яширганларим....

## 20. Ұйласам....

Ръйхатни синалувчига аҳамиятли бълган мавзулар бъйича тузилган жумлалар билан тълдириш мумкин. Таҳлилнинг асосий вазифаси - синалувчи учун аҳамиятли бълган мавзу, муаммо ва низоларни аниқлаш. Таҳлилнинг барча вазиятларда иш берадиган қатъий бир қолипи йъқ, умумий ёндашувлар бор холос.

Баъзи жавоблар шундай аниқ берилганки, ҳеч қандай таҳлил ё изоҳга мухтожлик сезилмайди *касбим... бълмагур...; ёки иш... жонга тегди* деган жавобларга нима қъшимча қилиш мумкин (эллик бирга кирган аёл, инженер)?

Бирон бир мавзу муҳимлиги (қисман бълса ҳам анланувчи) унинг бир неча жавобларда таъкидланишидир. Айниқса, жумла бошланиши берилган мавзу билан мазмунан боғлиқ бълмаса. Ўттиз бир яшарли эркакнинг (олий маълумотли, қурилишда уста бъллиб ишлайди) туркум жавоблари шундай маънодор ва изоҳ талаб қилмайдигандир: *иш... пул; пул... иш; мени безовта қилган нарса... ойлик*; ва ҳ.к. Баъзан ҳар хил мавзу билан боғланган жавоблардаги бир-бирини инкор этиш ҳоллари, низони аниқлаш имконини беради. Масалан, йигирма яшар талаба қизнинг жавобларида иш ва ҳафсаласизлик, чарчоқ мавзулари орасида низо кузатилади. Биринчисига: *иш (сукут)... кунт; режаларим... яхши йъқиш жавоблари оиддир*. Иккинчисига: *орзуим... дам олиш (орзу билан режалар орасидаги тафовутга эътибор беринг); курашмоқ... ҳафсаласизлик билан; қудратим етса... дунёни кърсам, саёҳат қилсам жавоблари оиддир*.

Бошим... оғрияпти жавоби ҳам шу мавзуга мансуб. Къпинча синалувчининг аксарият жавобларини шартли равишда бир неча муҳим мавзуларга мансублиги бъйича фарқлаш мумкин. Шу тарика, ўттиз уч ёшли эркакнинг (чет эл компанияси ходими) жавобларининг тенг ярмини шартли равишда ъзаро чамбарчас боғлиқ икки мавзу доирасига киритиш имкони туғилади. Биринчисини тобелик, ъзгаришларга умид йъқлиги деб атаймиз: *касбим... қандай, касбим... ъзгаришлар истаги; кърқаман-ки... вазият измимдан чиқиб кетса; иш... къп нарса ъзимга боғлиқ бълган ишни истайман; курашмоқ... йъқ, курашиш истагим йъқ; режаларим... ҳеч қандай режаларим йъқ*.

Иккинчи шартли мавзу бу - орзулар: *орзуим... уй, кълмак, чъмилиш ҳавзаси, бошқа томондан... ъзга сайёрага къчгим бор; тушлар... тушларимда учаман ва узоқ парвоз этаман; мени безовта қилган нарса... бошим, ҳавзаси бор уй ҳамда бошқа сайёранинг йъқлиги; қудратим етса... сакрардим, парвоз қилардим ва сузардим*. Синалувчи жавобларида, эҳтимол, анланган, бироқ ечими йъқдай туюлаётган низо моҳияти кузатилмоқда. Яхши анланмаган ёки ғайришуурий муаммо ё мавзунинг муҳимлиги кърсаткичи - давомий сукут, жавобдан бъйин товлаш ёки «йъқ, билмайман» дейишидир. Сукут ва иккиланишдан кейин жавоб берилган тақдирда, жавоб бир қолипли бълладимашхур ибора, мақол ёки матал. Масалан, *курашмоқ... йиқилган курашга тълмайди ёки йлайман... демак борман*.

Синалувчининг ъз ички оламига бостириб кирилишлардан муваффақиятли ҳимояланаётганлиги кърсаткичи бъллиб жавоблар қисқалиги, бир қолипдаги гапларнинг ишлатилиши, шунингдек ижтимоий маъқулланган

кам маълумотли жавоблар берилиши ҳисобланади: яширганим... баъзан, нимадир; дъстлар... яхши; қиёфам... ораста. Бундай натижаларни таҳлил қилиш қийин кечади. Бироқ булар ҳам ёзи билан муҳим ахборотни олиб келади.

Изоҳ: «Тугалланмаган жумлалар» методикаси бошқа проектив методларга солиштирилганда ғоявий мазмунининг соддалиги ва очиқлиги билан фарқланади. Шунинг учун одатда, синалувчидан кўра психолог учун зарур бўлган бир қадар муҳим ва янги маълумотларни олиш имконияти туғилади. Айрим ҳолларда (баъзан шундай вазиятлар ҳам вужудга келади) синалувчи методикани ётказиш чоғида уни қийнайдиған ва яхши англамаган муаммони англай бошлайди. Бундай ҳолларда нафақат синалувчининг ёзи, балки психолог ҳам кутмаган кучли эмоционал кечинмалар гирдобида қолиши мумкин. Шунга ёхшаш вазиятларда текширувни психокоррекцион суҳбат кўринишига ётказиш, ё синалувчини тинчлантириб, унинг хоҳишига кўра, ичидагини тўкиб солишга имкон яратиб бериш мақсадга мувофиқдир. Бошқа бир хавф - синалувчининг ёзи истаганидан кўпроқ маълумот бериб юборишидадир. Ички сезгиси кучли, мулоҳазали психолог синалувчи яширишга интилган ҳис-туйғулар ва ҳодисаларни тез идрок қила олади. Масалан, барча гапларни осонликча яқунлаётган эркакни олайлик. Рўйхат охирида у бирин кетин икки марта РЕЖАЛАРИМ... ва ЯШИРГАНИМ... деб бошланган жумлаларни яқунлашни рад этади-ю, кўшимча АЁЛ... деб бошланадиган жумлага СЕКС деб жавоб берди. Бу ёринда ҳақиқатда мавжуд ёки режалаштирилаётган никоҳдан ташқари алоқанинг эҳтимоли юқоридир. Баъзан синалувчининг ёзига ҳам психолог изоҳларисиз истаганидан ортиқ кўнгили иқрори рўй бергани ойдинлашади, у ёзини ноқулай ва хижолатли сезади. Шунинг учун ҳам тадқиқ натижаларини синалувчига ётказишда психолог андишали бўлмоғи ва унга эҳтиёткорлик билан ёндашмоғи лозим.

## **2-мавзу: Билиш фаолиятини психологик диагностика қилиш методлари.**

### **Лаборатория машғулотли мақсади:**

Билиш фаолиятини психологик диагностика қилиш методлари билан амалда танишиш. Психологик ва педагогик диагностик текширув кўникма ва малакаларини шакллантириш ҳамда психологик амалиётда улардан самарали қўллаш олишлари учун асос яратишдан иборат.

### **Магистрант талабаларга лаборатория ишини бажариш бўйича топшириқлар:**

**Топшириқ № 1.** Кос кубиклари ва Линк кублари методикаларини жуфтликликларга бўлинган ҳолда бир бирларида ўтказиш - 30 дақиқа.

**Топшириқ № 2. Мейли тести ёрдамида кўриш ва эшитиш хотирасини ўрганиш - 60 дақиқа.**

**Топшириқ № 3.** Пиктограмма методи орқали амалий ўрганиш натижаларини қайта ишлаш ва таҳлил этиш асосида ҳисобот тайёрлаш - 80 дақиқа.

### **Машғулот учун зарур жисҳозлар ва ўқув методик материаллар:**

Кос кубиклари. Линк куби. Мейли тести ёрдамида кўриш ва эшитиш хотирасини ўрганиш. Пиктограмма методи. (Қаранг: 6-мавзу, амалий



*машғулотлар)*

**3- мавзу: Ақлий фаолиятни ўрганиш учун методикалар.**  
**Лаборатория машғулотни мақсади:**

Ақлий фаолиятни психологик диагностика қилиш методлари билан амалда танишиш. Психологик ва педагогик диагностик текширув кўникма ва малакаларни шакллантириш ҳамда психологик амалиётда улардан самарали қўллаш олишлар учун асос яратишдан иборат.

**Магистрант талабаларга лаборатория ишини бажариш бўйича топшириқлар:**

**Топшириқ № 1.** Классификация методини жуфтликликларга бўлинган ҳолда бир-бирларида ўтказиш - 30 дақиқа.

**Топшириқ № 2.** Ортиқчасини ажратиш, қисмлардан расм ясаш услубларини амалиётда қўллаш - 50 дақиқа.

**Топшириқ № 3.** Классификация, Ортиқчасини ажратиш, Қисмлардан расм ясаш услубларини мактабгача ёшдаги болалар тафаккури хусусиятларини ўрганиш учун амалиётда қўллаш ва амалий ўрганиш натижаларини қайта ишлаш ва таҳлил этиш асосида ҳисобот тайёрлаш - 80 дақиқа.

**Машғулот учун зарур жихозлар ва ўқув методик материаллар:**

Классификация таснифи. Ортиқчасини ўчириш. Қисмлардан расм ҳосил қилиш. (*Қаранг: 6-мавзу, амалий машғулотлар*)

**4-МАВЗУ: Шахс хусусиятларини ўрганиш бўйича методикалар.**  
**Лаборатория машғулотни мақсади:**

Шахс хусусиятларини ўрганиш бўйича методикалар билан амалда танишиш. Психологик ва педагогик диагностик текширув кўникма ва малакаларини шакллантириш ҳамда психологик амалиётда улардан самарали қўллаш олишлари учун асос яратишдан иборат.

**Магистрант талабаларга лаборатория ишини бажариш бўйича топшириқлар:**

**Топшириқ № 1.** Г.Айзекнинг темпераментни аниқлаш тестини жуфтликликларга бўлинган ҳолда бир-бирларида ўтказиш - 50 дақиқа.

**Топшириқ № 2.** Ўз-ўзига баҳо бериш даражасини аниқлаш тестини амалиётда қўллаш - 30 дақиқа.

**Топшириқ № 3.** Кузатиш орқали темпераментни аниқлаш методини мактабгача ёшдаги болалар темпераменти хусусиятларини ўрганиш учун амалиётда қўллаш ва амалий ўрганиш натижаларини қайта ишлаш ва таҳлил этиш асосида ҳисобот тайёрлаш - 80 дақиқа.

**Машғулот учун зарур жихозлар ва ўқув методик материаллар:**

***Г.Айзекнинг темпераментни аниқлаш тести.*** Қуйида тавсия қилинаётган тест орқали кишилар ўзларининг ва бошқаларнинг темперамент хусусиятларини аниқлашлари мумкин. Бу услуб Г.Айзек томонидан ишлаб

чиқилган ва муаллифлар томонидан ўзбек тилига таржима қилиниб, маҳаллий шароитга мослаштирилган.

Ўрганишни ташкил қилиш учун синалувчига жавоблар ёзиладиган қоғоз, саволларга қандай жавоб бериш бўйича кўрсатма ва саволлар матни берилади.

Синалувчига қуйидагича кўрсатма берилади:

Қуйидаги тестда кишининг хатти-ҳаракатлари хусусиятларини ифодаладиган саволлар берилган. Ҳар бир саволга «ҳа» ёки «йўқ» деб жавоб беришга ҳаракат қилинг. Агар жавобингиз «ҳа» деган мазмунга эга бўлса, «+», «йўқ» деган мазмунга эса «-» белгисини савол номерининг қаршисига махсус жавоб қоғозига белгиланг. Саволларга тез, кўп ўйламай жавоб беришга ҳаракат қилинг. Чунки сизни биринчи фикрингизга келган жавоб кўпроқ характерлайди. Бунда ҳамма саволларга жавоб бериш зарур.

Тест қуйидаги саволларни ўз ичига олади:

1. Ўзингизни атрофингизда кўплаб кишилар бўлишини, хушчақчақлик қилишни ва шовқинни ёқтирасизми?

2. Сиз кўпинча сизни кўллаб-қувватлаши мумкин бўлган дўстларга эҳтиёж сезасизми?

3. Сиздан бирор нарсани сўраганда, ҳамма вақт тезда жавоб топа оласизми?

4. Сизга бирор нарсдан жаҳлингиз чиқиш учраб турадими?

5. Сизнинг кайфиятингиз тез-тез ўзгариб турадими?

6. Сизга китоб ўқиш, болалар билан бирга бўлишдан кўра ёқимлироқ, шундайми?

7. Ҳар хил ҳаёллар, фикрлар сизга тез-тез ухлашга ҳалақит берадими?

8. Сиз ҳамиша бир ишни қандай айтган, топширган бўлса шундай бажарасизми?

9. Бирор кишининг устидан кулишни, ҳазиллашишни, жиғига тегишни ёқтирасизми?

10. Сиз қачонлар ўзингизни бахтсиз ҳис қилганмисиз, аслида бунинг учун сабаб бўлмаган бўлса ҳам?

11. Сиз ўзингизни хушчақчақ, жўшқин киши деб ҳисоблайсизми?

12. Сиз қачондир мактабда тартиб-интизомни бузганмисиз?

13. Сизнинг тез-тез бирор нарсага жаҳлингиз чиқиб туради, шу тўғрими?

14. Сизга ҳамма ишларни тез (темпда) бажариш ёқадими? (Агар аста-секин, шошмасдан бажариш ёқса «йўқ» деган жавоб танлайсиз).

15. Ҳаммаси яхшилик билан тугаган, лекин ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган воқеалар тўғрисида ўйланиш, безовта бўласизми?

16. Сизга ҳар қандай сирни ишониб айтса бўладими?

17. Зерикарли даврани бемалол қиздира, жонлатира оласизми?

18. Сизда маълум бир жиддий сабабсиз ҳаяжонланиш, юрагингиз тез-тез уриши бўлиб турадими?

19. Бирор киши билан дўстлашиш учун одатда биринчи ташаббус кўрсатасизми?

20. Сиз қачондир ёлғон гапирганмисиз?

21. Сизни ёки ишингизни танқид қилганда осонликча хафа бўласизми?

22. Сиз кўпинча дўстларингиз билан ҳазиллашиб, кулгили воқеаларни ҳикоя қиласизми?
23. Сиз кўпинча ўзингизни чарчоқ ҳис қиласизми?
24. Сиз ҳамиша аввал уйга берилган дарсни тайёрлаб, кейин бошқа ишларингизни қиласизми?
25. Сиз одатда хушчақчақмисиз?
26. Сиз ҳар нарсага хафа бўласизми?
27. Сиз бошқалар, тенгдошларингиз билан гаплашишни, бўш вақтларни бирга ўтказишни ёқтирасизми?
28. Оила аъзоларингизнинг хўжалик, уй ишларига ёрдам бериш тўғрисидаги илтимосларини ҳамма вақт ҳам бажарасизми?
29. Сизда бошингиз айланиши учраб турадими?
30. Сизнинг ҳатти-ҳаракатларингиз бошқа кишиларни ноқулай аҳволга солиб қўядиган вазиятлар учраб турадими?
31. Сизга тез-тез ҳамма нарса жонингизга тегиб кетгандай бўлиб туюладими?
32. Мақтанишни ёқтирасизми?
33. Нотаниш кишилар даврасига тушиб қолганингизда кўпинча жим ўтирасиз, шундайми?
34. Баъзан шундай ҳаяжонланасизки, бир жойда ўтиришингиз қийин бўлиб қолади, шундайми?
35. Сиз одатда тез бир қарорга келасизми?
36. Синфда ҳеч шовқин қилмайсизми, ҳатто синфда ўқитувчи бўлмаса ҳам?
37. Сиз тез-тез кўрқинчли тушлар кўрасизми?
38. Сиз ўз ҳис-туйғуларингизга эрк бериб, дўстларингиз даврасида хушчақчақлик қила оласизми?
39. Сизни хафа қилиш, кўнглингизни ранжитиш осонми?
40. Бирор киши тўғрисида, уни ёмонлаб гапирганмисиз?
41. Сиз одатда унчалик ҳам кўп ўйланиб ўтирмай тез гапириб, тез ҳаракат қиласиз, тўғрими?
42. Агар сиз кишилар олдида ноқулай аҳволда қолсангиз, анча вақт ўйланиб, руҳан қийналиб юрасизми?
43. Сизга қувноқ ўйинлар жуда ёқадими?
44. Сиз ҳамиша овқат қандай тайёрланган бўлса, шунини истеъмол қилаверасизми?
45. Кимдир бирор нарсани сўраса ёки бирор ишни бажаришни илтимос қилса «йўқ» деб жавоб беришга қийналасизми?
46. Тез-тез меҳмонга боришни ёқтирасизми?
47. Ҳаётдан норози бўлиш, умуман яшагингиз келмай қоладиган вақтлар бўладими?
48. Сиз қачондир ота-онангизга нисбатан кўпол муносабатда бўлганмисиз?
49. Тенгдошларингиз сизни хушчақчақ ва серғайрат киши деб ҳисоблашадими?

50. Сиз дарс тайёрлаётганда тез-тез бошқа нарсаларга чалғийсизми, бошқа ишларга овунасизми?

51. Сиз ўйин, ишларда қатнашишдан кўра, кузатиб, қараб ўтиришни ёқтирасизми?

52. Сизни одатда ҳар хил ўй, фикрлар қийнайди?

53. Бажаришингиз керак бўлган ишни, уддалай олишингизга ишончингиз комил бўладими, яъни аниқ ишонч билан киришасизми?

54. Сиз ўзингизни ёлғиз ҳис қиласизми?

55. Сиз нотаниш киши билан суҳбатга киришишдан тортинасизми?

56. Сиз кўпинча бирор-бир иш ёки ҳолатни тўғрилашга кеч бўлгандан кейин киришиб, ҳаракат қиласизми?

57. Сизга кимдир тенгдошларингиздан бақирса, сиз ҳам бақириш билан жавоб қайтарасизми?

58. Сиздан баъзан бирор-бир сабабсиз ўзингизни хушчақчақ ёки ғамгин ҳис қилиш учраб туради?

59. Сиз ҳар хил кўнгилхушлик, хурсандчилик давраларидан ҳақиқий қониқиш ва қаноатланиш олиш қийин деб ҳисоблайсизми?

60. Кўпинча бирор ишни ўйламай қилиб қўйганингиздан кейин безовта бўлиш, ўйлаб зик бўлишга тўғри келадими?

### ***Олинган натижаларнинг миқдорий ва мазмуний таҳлили.***

Маълумки, темпераментнинг сангвиник, холерик, флегматик, меланхолик каби типлари мавжуд. Темпераментнинг бу типлари Г.Айзенк методикаси орқали асосан 2 шкала: экстроверсия-интроверсия ва нейротизм – бўйича аниқланади.

**ЭКТРОВЕРСИЯ** – кишининг тез муносабатга киришувчанлиги, янги таассуротларга чанқоқлиги, кўзгалувчанлиги билан боғлиқ. Экстровертнинг дўстлари кўп бўлади. Улар ўзларини эркин тутишга, вазият таъсирида ҳаракат қилишга мойил бўлади. Экстроверт сўзамол, хушчақчақ, ҳазилни яхши кўради. Бундай кишилар беташвиш, оқ кўнгил, хушчақчақ, оптимист, кулишни ёқтирадиган, серҳаракат бўлади. Улар агрессивликка, қизиққонликка мойил бўлади. Уларнинг эмоциялари қатъий назорат қилинмайди, уларга ҳамиша ҳам тўлиқ ишониб бўлмайди.

**ИНТРОВЕРТ** – босиқ табиатли, тортинчоқ, ўзини таҳлил қилишга мойил, одамлар билан мулоқотда бўлишдан кўра китоб ўқишни ёқтиради, ўзини назорат қила олади, жуда яқин танишларидан ташқари бошқа кишилардан ўзини четга тортиб юради. Ҳаракатларини олдиндан ўйлаб, режалаштиради, бехосдан пайдо бўладиган интилишларга ишонмайди. Қарор қабул қилишга жиддий муносабатда бўлади, ҳар бир нарсада тартибни яхши кўради, ҳис-туйғуларни назорат қила олади, жаҳли чиқмайди. Бироқ пессимистроқ бўлиб, ахлоқий нормаларни қадрлайди.

**НЕЙРОТИЗМ** – кишининг эмоционал жиҳатдан турғунлиги даражасини белгилайди. Эмоционал турғун кишилар, эмоционал ҳолатларининг стабиллиги (кўп ўзгармаслиги, етуқлиги, янги шароитларга қийналмай яхши мослаша олиши) билан ажралиб туради.

Эмоционал нотурғун кишилар жуда асабий, нотурғун, яхши мослаша олмайдиган бўладилар. Тестда синалувчиларнинг жавобларининг тўғри ёки

нотўғрилигини назорат қилиш учун яна бир шкала – ўзини яхши кўрсатишга интилишини белгилайди. Бошқача қилиб айтганда «ёлғон жавоб шкаласи» дейилади.

Методика 60 та саволдан иборат, жумладан 24 таси интроверсия–экстрове́рсия шкаласига, 24 таси нейротизм шкаласига ва 12 таси «ёлғон жавоб» шкаласига таалуқли.

1. Экстрове́рсия–интроверсия куйидаги саволларга берилган ижобий (яъни «+» белгисига эга) жавоблар йиғиндисига қараб аниқланади: № 1, 3, 9, 11, 14, 17, 19, 22, 25, 27, 30, 35, 38, 41, 43, 46, 49, 53, 57 ва куйидаги саволларга берилган рад жавоблар, яъни «-» белгисига эга жавоблар йиғиндисига қараб аниқланади: 6, 33, 51, 55, 59. Бу йиғиндилар кўшилиб умумий балл аниқланади.

2. Эмоционал турғунлик даражаси куйидаги саволларга берилган ижобий (яъни «+» белгисига эга) жавоблар йиғиндисига қараб аниқланади № 2, 5, 7, 10, 13, 15, 18, 21, 23, 26, 29, 31, 34, 37, 39, 42, 45, 50, 52, 54, 56, 58, 60.

3. Ўзини яхши кўрсатишга интилиш (ёлғон жавоб шкаласи) даражаси куйидаги: № 8, 16, 24, 28, 36, 44 – саволларга ижобий «+» белгили (жавобларнинг ва куйидаги: № 4, 12, 20, 32, 40 – саволларга рад (яъни «-» белгили) жавобларнинг мос, яъни тўғри келиш сонига қараб аниқланади.

Олинган натижалар куйидаги жадвалларга қараб баҳоланади.

1. Экстрове́рсия–интроверсия даражасини баҳолаш жадвали:

Интроверсия		Экстрове́рсия	
Юқори даражада	Меъёрида	Меъёрида	Юқори даражада
1 - 7	8 - 11	12 – 18	19 – 24

2. Нейротизм (эмоционал турғунлик-нотурғунлик) даражасини баҳолаш жадвали:

Эмоционал турғунлик		Эмоционал нотурғунлик	
Юқори	Ўртача	Юқори	Жуда юқори
10 гача	11 - 14	15 - 18	19 – 24

3. Ўзини яхши кўрсатишга интилиш даражасининг кўрсаткичи 4-5 балл бўлса, бу юқори чегарадаги кўрсаткич ҳисобланади ва бу синалувчининг ўзи тўғрисида яхши таассурот қолдиришга ҳаракат қилганлигидан далолат беради.

Бунинг бошқа кўрсаткичларга ҳам таъсири бор. Чунки бу синалувчининг саволларга жавоб беришдаги ростгўйлик даражасининг ўзига хос кўрсаткичидир. Агар синалувчи бу шкала бўйича 4-5 балл ва юқори кўрсаткичга эга бўлса, олинган натижаларни таҳлил қилишда буни ҳисобга олиш зарур.

Бу методика орқали темпераментини аниқлашда куйидаги схемадан фойдаланилади.

Эмоционал нотурғун	
Меланхолик	Холерик
Ачиқланувчан	Тез хафа бўладиган
Ҳаяжонга тушунувчан	Серҳаракат
Ўта таъсирчан	Агрессив
Пессимист	Тез кўзғалувчан
Эҳтиёткор	Кайфиятга берилувчан
Мулоқотга киришмайдиган	Импульсив

<b>Интроверт</b>	<b>Экстроверт</b>
<b>Флегматик</b>	<b>Сангвиник</b>
Пассив	Мулоқотга киришувчан
Интилувчан	Очик кўнгли
Ўйчан	Сергап
Тинчликсевар	Хушмуомала
Йўналган	Хушчақчақ
Ишончли	Беташвиш
Босиқ	Меҳрли
Хотиржам	Ташаббускор
<b>Эмоционал турғун</b>	

**Кишининг ўз-ўзига баҳосини аниқлаш услуби.**

Ўқувчилар ўз-ўзига баҳосини аниқлашда қуйидаги усулдан фойдаланишлари мумкин.

Синалувчи ўз-ўзига берган баҳосининг даражасини аниқлаши учун қуйидаги жадвал шаклида берилган жавоб варақасида ёзилган хусусиятларни диққат билан ўқиб чиқиши зарур.

№	Хусусиятлар	Н	Б	Б 2
	Ғурурлилик			
	Қўрқмаслик			
	Жиззакилик			
	Тиришқоқлик			
	Жаҳлдорлик			
	Чидамлилилик			
	Қизиқувчанлик			
	Фаолсизлик			
	Совуққонлик			
	Фидойилик			
	Эҳтиёткорлик			
	Таъсирчанлик			
	Сусткашлик			
	Журъатсизлик			
	Ғайратлилилик			
	Хушчақчақлик			
	Хавотирланувчанлик			
	Қатъийлик			
	Беғамлик			

Бу шахс хусусиятларини билдирадиган сўзларни бирма-бир фойдалилиги, ижтимоий аҳамиятлилиги ва ёқимлилиги жиҳатидан 1 дан то 20 баллгача бўлган баҳолар билан баҳолаб юқоридаги жадвалнинг чап томонидаги N билан белгиланган устунга тааллуқли хусусият қаршисига ёзиб чиқинг. Сизнинг фикрингизча, энг аҳамиятли, фойдали, ёқимли хусусиятни 20 балл билан, унга нисбатан кам бўлса ҳам муҳим бўлмаганини 19 балл билан ва ҳоказо ниҳоят ҳамма хусусиятларга нисбатан муҳим бўлмаганини «1» балл билан баҳолайсиз. Бунда бирорта ҳам баҳо такрорланмаслиги лозимлигини эсда тутинг.

Биринчи топшириқни бажариб бўлгач, жавоб варағининг чап томонини, белгиланган баҳолар кўринмайдиган қилиб буклаб кўясиз. Кейин жавоб варақасида хусусиятларнинг ўнг томонида N ёзилган устунга шу хусусиятларнинг сизнинг хулқ-атворингизга қандай даражада хослигини 20 баллик тизимида баҳолаб чиқасиз.

Сизнинг хулқ-атворингизга жуда ҳам хос бўлган хусусиятларни 20, 19, 18..... ва ҳоказо, баллар билан шу сифатнинг сизнинг характерингизда намоён бўлиш даражасини белгилайсиз. Яъни 20 балл энг юқори даражада хос, унга нисбатан камроғини 19..... ва 1 балл билан жуда ҳам кам даражада хос хусусиятни белгилайсиз. Баҳолар такрорланмаслиги лозимлигини унутманг.

**Олинган натижаларнинг миқдор ва мазмун жиҳатидан таҳлили.**

Кишининг ўз-ўзига берган баҳосини аниқлаш учун:

- 1) Жавоб варақасининг букланган чап томонини тўғрилаб олинг;
- 2) Юқоридаги қатордан бошлаб, чап томондаги баҳодан шу хусусиятнинг ўнг томонидаги баҳонинг қийматини айириш ва натижани B устунга ёзинг, ҳамда бу қийматни квадратга кўтариб B<sup>2</sup> устунига ёзасиз;
- 3) B<sup>2</sup> ҳамма қийматини кўшиб йиғиндини устуннинг остки қисмига ёзилади;
- 4) Олинган бу йиғинди 0,00075 сонига кўпайтирилади;
- 5) Кўпайтиришдан чиққан сони 1 дан айрилади.

Бошқача қилиб айтганда юқоридаги амаллар орқали сиз баҳолар ўртасидаги алоқаларнинг тартиб кореллацион даражасини

$$r = 1 - 0,00075 * \sum B^2$$

формула орқали аниқладингиз.

Охирги олинган натижа, яъни кишининг ўз-ўзига берган баҳосининг қиймати «+1 дан то -1 гача» бўлиши мумкин. Бунда 0,50 гача бўлган натижа синалувчининг ўз-ўзига паст баҳо беришини, 0,50 – 0,65 гача ўртача, 0,65-0,85 гача юқори, 0,85 дан юқори эса жуда ортикча баҳо беришини билдиради.

***Шахсни ўрганиш бўйича практикум:***

Ўзингизни баҳоланг	5	3	1	-3	-5	Ўзингизни баҳоланг
Оптимист						Пессимист
Ишонч уйғотатадиган						Ишонч уйғотмайди
Одамларни тушунадиган						Одамларни тушунмайди
Одобли, тактли						Беодоб, тактсиз
Эркин, хушфеъл						Тортинчоқ
Мустақил						Тобе
Ўзига ишончли						Ўзига ишончсиз
Дадил						Ювош
Киришувчан						Писмиқ
Актив, фаол						Пассив, ланж
Жонсарак						Лоқайд, беғам
Шубҳасиз						Ҳадиксираган

Ён берувчи					Қайтмайдиган
Альтруист					Эгоист
Фаҳм-фаросатли					Онги чекланган

Аввал ўзингизнинг профилингизни юқоридаги сифатлар бўйича белгилаб, чизиб чиқинг, сўнгра ўртоқларингиздан айнан шу тарзда шу схемада сизни баҳолаб беришларини илтимос қилинг.

Ўзингиз чизган ва ўртоғингиз чизган профилларни бир-бирига солиштирсангиз, ўз-ўзингизга берган баҳони аниқлайсиз.

***Кузатиш орқали темпераментни аниқлаш методи.***

Кузатиш орқали темпераментни аниқлаш учун яна бир тест тавсия қилмоқчисиз. Бу иккинчи тест биринчисидан ўзининг ихчамлиги, осонлиги ва тезда аниқлаш имконияти билан ажралиб туради. Бу тест орқали темпераментингизни аниқламоқчи бўлсангиз қуйидаги ҳар бир қатордаги тўртта хусусиятлардан айнан боланинг хулқ-атвориغا кўпроқ мос келадиган биттасини танлаб, жавоб варақасининг тегишли 1, 2, 3, ёки 4 устунига «+» белгисини қўйинг. Кейин ҳар бир устундаги «+» белгилар сонини ҳисоблаб, қайси темперамент типи синалувчига кўпроқ хослигини аниқлаб олишингиз мумкин. Яъни қайси устундаги «+» сони кўп бўлса, шу темперамент хусусиятлари синалувчининг хулқ-атворида намоён бўлади. Жадвалдаги 4 та хусусиятдан бирини танлашда қанчалик кузатувчан ва холис бўлсангиз, тест орқали синалувчи темпераментини шунчалик тўғри аниқлай оласиз. Шунини эсда тутинки, темперамент типларининг «яхши» ёки «ёмони» бўлмайди.

Қуйида жавоб варақаси намунаси ва тест матни шаклида келтирилмоқда.

№:	1	2	3	4
1				
2				
3				
4				
5				
6				
7				
8				
9				
10				
11				
12				
13				
14				
15				

**Темпераментни аниқлаш тести.**

№	Хулқ-атвор кўринишлари	Темперамент типлари			
		Холерик (1)	Сангвиник (2)	Флегматик (3)	Меланхолик (4)



1	Мувозанатлашганлиги (ўзини тута олиши)	Мувозанатлашмаган (ўзини тута олиши қийин)	Мувозанатлашган (ўзини тута олади)	Жуда мувозанатлашган (ўзини жуда яхши тута олади)	Мувозанатлашмаган (ўзини тута олмайди)
2	Ҳиссий кечинмалар	Кучли, қисқа муддатли	Юзаки, қисқа муддатли	Суст	Чуқур, узок муддатли
3	Кайфияти	Нотурғун, кўпинча ғайратли, таранг	Турғун, хушчақчақ	Турғун, кучли қувонганлиги ёки хафа бўлганлиги билинмайди	Нотурғун, кўпинча тушкунлик (пессимист) устунрок
4	Нутки	Баланд овозда	Баланд овозда	Бир хил (монотон тусда)	Паст овозда, бироз қийналиб нафас олгандай туюлади
5	Чидамлиги	Паст	Ўртача	Жуда катта	Жуда паст
6	Мослашиши	Яхши	Аъло	Секин	Қийин
7	Мулоқотга киришувчанлиги	Мулоқотга киришувчан (лекин ўзгарувчан)	Мулоқотга киришувчан	Мулоқотга киришувчан эмас	Мулоқотга киришувчан эмас
8	Жаҳлдорлиги (агрессивлиги)	Жаҳли тез, жаҳлдор (агрессив)	Тинчликсевар	Жаҳлини юта олади, ўзини тута олади	Жаҳли чиқса, кучли ҳаяжонли бўлади
9	Танқидга муносабати	Қизиққонлик билан	Хотиржам	Бефарқ	Хафа бўлади
10	Фаоллиги	Эҳтироси фаол	Ғайратли, (ишчан ёки гапдон)	Чарчамас, меҳнаткаш	Фаоллиги ўзгарувчан
11	Янгиликка муносабати	Ижобий, тайёр	Бефарқ	Салбий	Оптимистик ёки пессимистик
12	Хавфли вазиятга муносабати	Хавфли вазиятга тайёр, таваккалчи	Ҳисобли, таваккалчи	Совуққон билан ҳаяжонга, хис-туйғуга берилмаган ҳолда	Ҳаяжонли
13	Мақсадга интилувчанлиги	Кучли, бутун вужуди билан	Тез, қаршилик ва тўсиқлардан ўзини тортган ҳолда	Секин, лекин катъий	Суст, қаршилик тўсиқларни ўзини тортган ҳолда
14	Ўзини баҳолаши	Жуда баланд	Бироз баланд	Кўпинча тўғри	Ўзига паст баҳо беради
15	Таъсирчанлиги	Ўртача	Катта эмас	Паст	Катта

## **5- мавзу: Психологик ва педагогик маслахатлар асослари.**

### **Лаборатория машғулоту мақсади:**

Психологик ва педагогик маслахатлар асослари билан амалда танишиш. Психологик ва педагогик диагностик текширув кўникма ва малакаларини шакллантириш ҳамда психологик амалиётда улардан самарали қўллаш олишлари учун асос яратишдан иборат.

### **Магистрант талабаларга лаборатория ишини бажариш бўйича топшириқлар:**

**Топшириқ № 1.** Эмпатик қобилиятлар даражасини диагностика қилиш методикасини жуфтликликларга бўлинган ҳолда бир бирларида ўтказиш - 50 дақиқа.

**Топшириқ № 2.** “Ўзгаларни тинглай оласизми?” тестини амалиётда қўллаш - 30 дақиқа.

**Топшириқ № 3.** Психологик ва педагогик маслахатлар асослари амалиётда қўллаш учун “Психолог-мижоз” ролли ўйинини ўтказиш ва психологик педагогик маслахатлар самарадорлигини ошириш имкониятлари ҳақида гуруҳий баҳс, мунозара уюштириш - 80 дақиқа.

### **Машғулот учун зарур жиҳозлар ва ўқув методик материаллар:**

**Эмпатик қобилиятлар даражасини диагностика қилиш методикаси (В.В. Бойко).**

1. Сизда одамнинг феъл-атворини тушуниш мақсадида унинг юзига тикилиб қараш одати борми?
  - а) ҳа, мен доим одамларга қизиқиш билан қарайман.
  - б) йўқ, бу мен учун қизиқ эмас.
2. Сиз одамлар билан доимий муомалани талаб қиладиган ишларни ёқтирасизми?
  - а) ҳа, фақат шундай иш қувонч келтириши мумкин.
  - б) йўқ.
3. Сизнингча, фикр юритишингиз нимаси билан бошқаларникидан фарқ қилади?
  - а) интуициянинг кучи билан.
  - б) мантиқийлик, изчиллиги билан.
4. Ўзгаларнинг кулгисидан таъсирланасизми?
  - а) ҳа.
  - б) мени бефарқ қолдиради.
5. Ёқтирмаган одамингиз билан самимий гаплаша оласизми?
  - а) ҳа, кўпинча бу менинг қўлимдан келади.
  - б) йўқ, мен бундай қилолмасдим.
6. Кўпинча Сизга нисбатан адолатсизлик қилишаётгандай бўладими?
  - а) ҳа.
  - б) йўқ.
7. Нотаниш одамлар билан танишишни ёқтирасизми?
  - а) ҳа.
  - б) йўқ.

8. Сизнингча, ўзгалар ички дунёсига қизиқиш одобсизликми?  
 а) бу фикрга мутлоқ қўшиламан.  
 б) йўқ, бундай эмас.
9. Бирор ташвиш устида турган бўлсангиз, ухлай оласизми?  
 а) ҳа, менда шундай муаммо бор.  
 б) нима бўлса ҳам яхши ухлай оламан.
10. Қуйидаги ҳолатларда ўзингизни яхши кўрсата оласизми?  
 а) одамлар билан тил топиш керак бўлганда.  
 б) ўзни қўлга олиб, босиқлик қилиш керак бўлганда.
11. Сизни мактаб, хушомад қилишаётганда, уяласизми?  
 а) ҳа, бундай вазиятларни ёмон кўраман.  
 б) яхшиямки, мени ҳам ҳақли баҳолашди, дейман.
12. Ўз ютуқларингизни бошқаларники билан қиёслайсизми?  
 а) менинг ўз ҳаётий мўлжалларим бор.  
 б) бу мени илҳомлантиради.
13. Ҳар доим ҳам сизнинг бошқа одам ҳақидаги биринчи интуитив таассуротингиз тўғри бўлиб чиқадими?  
 а) ҳа, одатда шундай.  
 б) йўқ, кўпинча адашаман.
14. Яқинларингиз, танишларингиз Сизни ҳиссиётга берилувчан деб ҳисоблашадими?  
 а) ҳа, кўпинча шундай деб ўйлашади.  
 б) йўқ.
15. Одам хато қилиши мумкин, деб ҳисоблайсизми?  
 а) ҳа, ҳаммамиз адашишимиз мумкин.  
 б) йўқ, доимо ҳушёр бўлишимиз керак.
16. Яқин қўшниларингизнинг таржимаи ҳолларини биласизми?  
 а) ҳа, ким ёнингда яшаётганлигини билиш керак.  
 б) бунинг менга қизиғи йўқ.
17. Сиз ўз қобилиятларингизни ўзингиз учун ишлата оласизми?  
 а) афсуски, йўқ.  
 б) бошқача бўлиши мумкин эмас.
18. Бошқалар билан муомаладан Сиз доимо хафа бўласизми?  
 а) йўқ.  
 б) ҳа.
19. Мушкул ишни бошлашдан аввал Сизни кутаётган қийинчиликлар тўғрисида ўйлайсизми?  
 а) йўқ, ҳар доим мушкул ишга киришавераман.  
 б) ҳа, ҳар доим ўз имкониятларимни сарҳисоб қиламан.
20. Тез-тез Сизни кўчада тўхтатиб, савол билан мурожаат қилишадими?  
 а) ҳа, тез-тез.  
 б) йўқ, бундайларни эслолмайман.
21. Қандай фильмларни севасиз?  
 а) ўйлашга мажбур қиладиганларини.  
 б) ҳаракатлар кўп, динамик сюжетли.

22. Сиз ўз умидларингиз, хавотирларингиз ва ташвишларингиз ҳақида очик айта оласизми?

а) ҳа, бунинг зарарли, уятли жойи йўқ.

б) йўқ, бу менинг шахсий ишим, яшириш керак.

23. Сиз ўзингизни бахтли ҳис қилган пайтларингизда, ҳаётда кимларгадир оғирроқ бўлиши мумкинлиги ҳақида ҳам ўйлайсизми?

а) менда бундай ҳолат доимо бўлади.

б) “Ҳар ким экканини ўради”.

24. Сизни хафа қилишса, узоқ вақт қайғурасизми?

а) одатда, тез эсдан чиқараман.

б) анчагача ўзимни ёмон ҳис қиламан.

25. Сиз одатда ўз манфаатингиз йўлида яхши инсон билан уришиб қолишингизни сезсангиз:

а) анчагина ён бераман.

б) ўз манфаатимни ҳимоя қилавераман.

Қайта ишлаш йўли: ҳар бир «а» жавоб учун 1 баллдан, «б» жавоб учун 0 баллдан ёзиб чиқинг. Агар текширилувчи:

**15-25 балл** - эмпатия даражаси ўта юқори бўлиб, у бошқаларга ҳамдардлик кўрсатишга қодир бўлади;

**7-14 балл** - эмпатиянинг ўртача даражаси;

**0-6 балл** - жуда паст.

### Тест: «Ўзгаларни тинглай оласизми?»

Қуйида берилган саволларга берилган жавобларнинг ўзингизга мосини танлаб белгиланг.

1. Сизнингча суҳбатлашишдан мақсад нима?

а) суҳбатдошни яхшироқ ўрганиш;

б) бирор масала бўйича ўз фикрини билдириш;

в) фикр алмашилиш ва муҳокама қилиш.

2. Сизга болалар “Булутлар қаерда ухлайди?”, “Бувилар кичкина бўлишганми?” тарзида саволлар беришадими?

а) ҳа, тез-тез;

б) ҳеч қачон;

в) баъзан.

3. Эрталаб ишга ёки ўқишга кетаётиб, қўшиқ хиргойи қиласизми?

а) ҳа, доимо бир хил ашулани;

б) ҳа, одатда ҳар хил ашулани;

в) йўқ, ҳеч қачон.

4. Йиғилиш охирида маърузачига саволлар берасизми?

а) ҳа, доимо ниманидир сўрашга тўғри келади;

б) баъзан, унинг фикри билан қўшилмаганимда;

в) ҳеч қачон.

5. Дўстингиз ёки касбдошингиз билан суҳбатлашгандан сўнг ўша муаммо юзасидан ўз қарашларингизни ўзгартирганмисиз?

а) кўпинча шундай бўлади;

- б) баъзан;
- в) ҳеч қачон.

6. Ким биландир суҳбатлашаётганда:

- а) кўпроқ сиз гапирасиз;
- б) кўпроқ суҳбатдошингиз гапиради;
- в) иккалангиз тенг гапирасиз.

7. Нархи бир хил бўлганда сиз нимани харид қилишни афзал кўрасиз?

- а) китобни;
- б) грампластинкани;
- в) кинога паттани.

8. Шеригингиз Сизга алоқаси бўлмаган ўз муаммоси хусусида гаплашмоқчи. Сиз нима деб ўйлайсиз?

- а) “қимматли вақтни йўқотдим-а”;
- б) “энди унга таъсирим кучлироқ бўлади”;
- в) “унга ёрдам беряпман”.

9. Қуйидаги жумлаларнинг қай бири сизнинг нуқтаи назарингизга тўғри келади?

а) айти муаммо юзасидан мутахассисгина аниқ фикрга эга бўлиши мумкин;

б) чиройли гапиришни билган одам ҳоҳлаган мавзусида ҳам гапириши

мумкин;

в) кўпинча мутахассисларга ўз муаммолари ва ғояларини баён этиш учун

нотиқлик малакаси етишмайди.

10. Суҳбат чоғида хаёлингиз чалғиб кетса, нима қиласиз?

- а) гапираётганни тўхтатиб, ўша ерни қайтаришни сўрайман;
- б) суҳбат охирида сўраш учун ўзим учун ноаниқ жойни эслаб қоламан;
- в) умуман менга ҳамма нарса аён.

11. Эрталаб радио орқали эшитган ахборот ёки қўшиқни қайтара оласизми?

- а) ҳа, доимо;
- б) ҳа, лекин эса тушириш учун вақт керак;
- в) эслай олмайман.

12. Эстрада қўшиқчисида сизга кўпроқ нима ёқади?

- а) овози;
- б) ташқи кўриниши;
- в) саҳнада ўзини тутиши.

13. Концертларга тушиш сиз учун:

- а) қониқиш ҳосил қиладиган ходиса;
- б) кўп қатори бўлиш;
- в) яхши кўрган хонанда билан учрашув.

14. Сиз меҳмондасиз, у ерда сиздан бошқа яна 5-6 киши бор. Сиз гап бошлаганингизда, кўпинча:

- а) сизни ҳеч ким тингламайди;

- б) ҳамма сизга маҳлиё бўлади;
- в) сиз суҳбатнинг ташаббускори эмассиз.

15. Сиз жамиятда рўй бераётган барча ҳодисалардан хабардорсиз. Чунки сиз:

- а) мунтазам телевизор кўрасиз;
- б) радио эшитасиз;
- в) газета ўқийсиз.

**Балларни ҳисоблаш:**

Саволлар	Жавоблар			Саволлар	Жавоблар		
	а	б	в		а	б	в
1	2	1	3	9	1	2	3
2	3	1	2	10	3	3	1
3	2	3	1	11	3	2	1
4	2	3	1	12	3	1	2
5	2	3	1	13	3	1	2
6	1	2	3	14	2	3	1
7	3	1	2	15	3	3	1
8	1	2	3				

Балларни қўшиб чиқинг.

**15-20 балл.** Сиз ўзгаларни тингламайсиз. Балки сиз ўзгаларни тинглашдан оладиган фойданинг қадрини билмассиз, лекин сиз билим ва тажриба учун бу ишнинг фойдасини билишингиз зарур.

**25-30 балл.** Сиз ўртача тингловчисиз. Сиз учун суҳбат маълумот манбаи ва мулоқот учун етарли асос эмас. Сиздан кўп нарсани ўрганиш мумкин, лекин ўзингиз ҳам бошқаларда кўп нарса олишингиз мумкинлигини, танқид ва эътирозлар ҳам фойдали эканлигини унутманг, кўпроқ бошқаларни тингланг.

**35-45 балл.** Сизда ноёб сифат - ўзгаларни тинглаш ва меёрида гапириш бор. Сиз билан суҳбатлашиш жуда яхши, чунки суҳбатдош сиздан доимо наф олади. Сиз ўзгаларнинг ҳолатларини тушунишга ҳам мойилсиз, ана шу ноёб сифатни сақланг.

**Мурожаат этувчининг варақаси**

**Карточка клиента**

Код \_\_\_\_\_

Мурожаат санаси/Дата обращения \_\_\_\_\_

Муаммо/ Проблема	
Консультантнинг ҳатти-ҳаракати/ Действие консультанта	

**Рўйхатга олиш журнали  
Журнал регистрации**

Код, Жинси/ Пол, Туғилган йили/Год рожд.	Мурожаат қилиш вақти/Дата визита	Ижтимоий ҳолати/Соц статус	Худуд/ Регион	Мурожаат мазмуни/Содержание обращения	Эслатма/ Примеча ние

**«Шахс ривожланишининг психологик педагогик диагностикаси» курсидан  
мавзуларни мустаҳкамлаш учун саволлар**

1. «Шахс ривожланишининг психологик педагогик диагностикаси» курсининг предмети, мақсади ва вазифаси нима?
2. Фан бўйича талабаларнинг билимига, укувига ва кўникмасига қўйиладиган талабларни сананг.
3. Шахс ривожланишининг психологик педагогик диагностикаси фани қайси фанлар билан узвий алоқада иш олиб боради?
4. Шахс ривожланишининг психологик педагогик диагностикаси курсини ўрганишнинг аҳамияти нима?
5. Психодиагностика нима?
6. Психодиагностик тадқиқотлар амалиётида психологик диагноз қўйишнинг босқичлари нечта ва улар қайсилар?
7. Психологик ташҳис нима?
8. Психологик хусусиятлар табиати ва уларни илмий баҳолаш имкониятларининг мавжудлиги қандай?
9. Психологик хусусиятларни аниқлаш жараёнида ва миқдорий баҳолаш вақтидаги умумий бўлган илмий асослар ҳолати қай тарзда?
10. Ҳозирги вақтда қўлланилаётган психодиагностик усуллар қабул қилинган умумилмий, методологик талабларга қанчалик мос келади?
11. Психодиагностиканинг турли усулларига қўйиладиган методологик талаблар нималардан иборат?
12. Амалий психодиагностика, жумладан, ташҳис жараёнларини амалга ошириш шароитларига қўйиладиган талаблар, олинган натижаларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш усуллариининг ишонччилик даражасининг асослиги қандай?

13. Психодиагностик методларнинг илмийлигини текшириш ва уларни яратиш жараёнлари қандай амалга ошади?
14. Педагогик диагностика мазмуни нима?
15. Психологик педагогик диагностиканинг асосий тамойиллари.
16. Шахс шаклланишига таъсир этувчи омиллар қайсилар?
17. Болалар психик тараққиётининг асосий йўналишлари ва қонуниятлари ҳақида нималарни биласиз?
18. Таълим ва тараққиёт тўғрисида А.С.Виготский таълимоти ҳақида гапиринг.
19. Психолог олим Д.Б.Эльконин болаликни психик тараққиёт ва бола фаолиятига асосланиб қандай даврларга ажратади?
20. Эриксон шахс ривожланишини нечта босқичга ажратган ва улар қандай?
21. Психодиагностик тадқиқотлар қандай ташкил қилинади ва ўтказилади?
22. Психодиагностик тажрибаларга қўйиладиган асосий талаблар нималар?
23. Методикаларни танлашда нималар асос қилиб олинади?
24. Психодиагностиканинг ахлоқий-маънавий нормаларини айтиб беринг.
25. Психологик диагностика ҳамда психодиагност учун қўйиладиган ижтимоий-ахлоқий талаблар нималар?
25. Психологик-педагогик диагностиканинг асосий тамойилларини таърифланг.
26. Психологик тестлардан фойдаланиладиган кишилар учун қўйиладиган махсус талаблар нималар?
27. Психодиагностиканинг юзага келишидаги асосий сабабларни айтиб беринг.
28. Психологик билимларнинг клиник даври деганда нимани тушунаси?
29. Психодиагностика шаклланишида В.Вунд лабораториясининг ўрни қандай?
30. Дастлабки статистик асосланган тестлар тарихи ҳақида маълумот беринг.
31. Психодиагностиканинг XX асрдаги шаклланиш даври ҳақида айтиб беринг.
32. Психодиагностика методлари ва уларнинг классификацияси ҳақида маълумот беринг.
33. Билиш фаолияти ва жараёнлари ҳақида нималарни биласиз?
34. Пиктограмма методи ким томонидан биринчи марта қўлланган ва у қандай ўтказилади?
35. Сенсомотор таъсирланиш ва диққатни ўрганиш учун қандай методикалардан фойдаланилади?
36. Сеген доскаси қандай методика ва у биринчи марта ким томонидан қўлланилган?
37. Кос кубиклари қандай методика ва у биринчи марта ким томонидан қўлланилган?
38. Линк кубини қандай методика ва у нима учун қўлланилади?
39. Кўриш ва эшитиш хотирасини ўрганиш учун қайси методикадан фойдаланилади?
40. Кўриб эса олиб қолинган нарсани қайта тиклаш учун қайси методика қўлланилади?
41. Интеллект психодиагностикаси ва методикалари ҳақида маълумот беринг.
42. Ортикчасини ўчириш методикасига таъриф беринг ва у қандай ўтказилади?



43. Болаларнинг билиш фаолиятини ўрганиш учун ўйинчоқлардан фойдаланишнинг аҳамияти қандай?
44. Қисмлардан расм ҳосил қилиш методикаси ким томонидан таклиф этилган ва у нима мақсадда қўлланилади?
45. Классификация қилиш методикаси биринчи марта ким томонидан таклиф этилган ва у нима мақсадда ўтказилади?
46. Инсоннинг ақлий фаолияти бошқа яна қайси фаолият ва хусусиятларга боғлиқлиги ҳақида айтинг?
47. Тафаккур хусусиятларини аниқлаш усуллари қайси воситалар тўпламини ўз ичига олади?
48. Тафаккурни аниқлаш учун қўлланиладиган усулларни келтиринг.
49. Шахс хусусиятларини аниқлашда Дилленгернинг психогеометрик тестидан қандай фойдаланилади?
50. Психологик ва педагогик маслаҳатларни самарали ташкил этишнинг шарт шaroитлари ҳақидаги гапириб беринг?

**«Шахс ривожланишининг психологик педагогик диагностикаси» курсидан  
тест топшириқлари**

1. 16 Факторли Кеттел методикасининг неча варианты бор?
  - А) 3 та
  - Б) 6 та
  - С) 16 та
  - Д) 8 та
2. Социометрия тести қандай услублар жумласига киради?
  - А) Анкета ва суҳбат асосида ўтказиладиган услубларга
  - Б) Лойихали тестларга
  - С) Ҳаракатли ўйин шаклидаги тестларга
  - Д) Моторикани, яъни ҳатти-ҳаракат сферасини ўрганадиган тестларга
3. Кеттел методикаси нечта факторли ва нечта вариантли?
  - А) 16 та факторли, 3 та вариантли
  - Б) 15 та факторли, 3 та вариантли
  - С) 16 та факторли, 2 та вариантли
  - Д) 14 та факторли, 3 та вариантли
4. Одатда, ўлчаш шкалаларининг нечта типлари ажратилади?
  - А) 4 та
  - Б) 2 та
  - С) 3 та
  - Д) 1 та
5. Ассоциатив тест дастлаб ким томонидан ихтиро қилинган?
  - А) Г.Роршах
  - Б) А.Бине
  - С) К.Юнг
  - Д) В.Вундт
6. Ҳар бир тест сифат жиҳатидан иккита бир-бири билан боғлиқ хусусияти бўйича текширилади.

- А) Аниқлилик, яроқлилик
- Б) Аниқсизлик, яроқлилик
- С) Аниқлик, ноаниқлик
- Д) Яроқлилик, ноаниқлик

7. Шахснинг психик хусусиятларининг ривожланиши намоён бўлиш даражасини миқдорий ўлчаш ва аниқлашда қайси методдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ?

- А) Тест
- Б) Сухбат-анкета
- С) Кузатиш
- Д) Социометрия

8. Фаолиятнинг у ёки бу соҳасидаги юқори натижаларга эришиш учун, муваффақиятли бажариш учун шарт-шароит бўлиб ҳисобланадиган имкон берадиган шахснинг жисмоний ва руҳий хусусиятлари тўплами психодиагностикада нима деб аталади?

- А) Қобилият
- Б) Темперамент
- С) Диккат
- Д) Фаолият

9. Социометрия услуги қайси олим томонидан биринчи бўлиб қўлланилган?

- А) Ж.Морено
- Б) Э.Геккел
- С) У.Гарстонг
- Д) З.Фрейд

10. Мотивация таркибига кирувчи асосий психологик тушунчалар қайси жавобда тўғри берилган?

- А) Эҳтиёж, мотив, мақсад, қизиқиш, орзу
- Б) Одат, мақсад, қизиқиш, орзу
- С) Қизиқиш, орзу, мақсад
- Д) Эҳтиёж, мотив, талант, одат, орзу

11. Шахслараро муносабатларни ўрганувчи соҳа:

- А) Ижтимоий психология
- Б) Психодиагностика
- С) Психометрия
- Д) Ёш психологияси

12. Киши психологиясининг нормадан четга чиқишини, бузилишини қайси психодиагностика ўрганади?

- А) Клиник психодиагностика
- Б) Клиник ва спорт
- С) Спорт психодиагностикаси
- Д) Профессонал психодиагностика

13. Шахс темпераменти қандай методика билан ўрганилади?

- А) Айзенк
- Б) 16 факторли Кеттел
- С) ТЮФ
- Д) ПДО

14. Психометрика нимани ўрганади?  
А) Психометрика – психологик ҳолатларни, жараёнларни ўлчаш тўғрисидаги фан  
Б) Психометрика - психологик терминларни ўрганувчи фан  
С) Ҳайвонлар психикасини ўрганувчи фан  
Д) Билиш фаолиятини ўрганади
15. Тестнинг айнан аниқлаш керак бўлган хусусиятларини аниқлаш ва ўлчай олиш хусусияти қандай аталади? А) Яроқлилиги  
Б) Муқобиллиги  
С) Аниқлиги  
Д) Текширилганлиги
16. Акселерация-бу :  
А) боланинг тез етилиши ва ривожланиши  
Б) боланинг тез жинсий ривожланиши  
С) бола ривожланишидаги секинлашув  
Д) ақлий ривожланишдаги тезлашув
17. Лонгитюд - методи бу ...  
А) Узлуксиз усул деган маънони англатади  
Б) Узлукли усул деган маънони англатади  
С) Тезкор усул деган маънони англатади  
Д) Самарали усул деган маънони англатади
18. Комбинация – бу ...  
А) Бирлаштирилган тестлар деган маънони билдиради.  
Б) Аралаш тестлар деган маънони билдиради  
С) Интеллектуал тестлар деган маънони билдиради  
Д) Ақлий ривожланиш тестлари деган маънони билдиради
19. Психометрика – бу ...  
А) Психологик ўлчаш деган маънони англатади  
Б) Тавсифлаш деган маънони билдиради  
С) Прогноз қилиш - тавсифлаш деган маънони билдиради  
Д) Инсон руҳиятини таҳлил қилиш деган маънони англатади
20. Диагноз- тушунчаси нимани англатади?

- А) Ташхис қўйиш дегани
- Б) Психологик ўлчаш деган маънони англатади
- С) Тавсифлаш деган маънони билдиради
- Д) Прогноз қилиш - тавсифлаш деган маънони билдиради

21. Нутқ аралашувини талаб қилмайдиган ҳаракатли, лойиҳали тестлар қандай аталади?

- А) Новербал
- Б) Вербал
- С) Интеллектуал
- Д) Педагогик

22. Фазода иш тутиш, диққат, зийраклик, қуриш-яшаш хусусиятларини ўрганишга мўлжалланган методика қандай аталади?. Бу методика

Д.Векслернинг (1939, 1955) методикасига ақлни текшириш субтести сифатида киритилган.

- А) Косс кубиклари
- Б) Сеген доскаси
- С) ДДО методикаси
- Д) Психоггеометрик тест

23. Боланинг шаклларни фарқлаш қобилиятини аниқлашга, моторика хусусиятларини ўрганишга қаратилган методика қандай аталади?

- А) Сеген доскаси
- Б) Косс кубиклари
- С) ДДО методикаси
- Д) Психоггеометрик тест

24. Бу методика диққат барқарорлигини, зийраклигини, ҳиссий реакцияни аниқлашга имкон беради. Тажриба ўтказиш учун 3x3см, катталиқда бир хил 27 кичик кубчалардан иборат куб керак. Ушбу методика қандай аталади?

- А) Психоггеометрик тест
- Б) Сеген доскаси
- С) Косс кубиклари
- Д) ДДО методикаси

25. 1961 йилда ишлаб чиқилган бўлиб, 7-14 ёшли болалар ва катталарнинг кўриш ва эшитиш хотирасини ўрганишда қўлланилади. Тадқиқот икки босқичдан иборат. Бу методиканинг номини топинг?

- А) Р.Мейли тести
- Б) Сеген доскаси
- С) Косс кубиклари
- Д) Линк кублари

26. Бевосита эса олиб қолиш хусусиятларини расмли ассоциациялар методи орқали ўрганиш мумкин. Ушбу метод қандай номланади?

- А) Пиктограмма
- Б) Социограмма
- С) Косс кубиклари
- Д) Р.Мейли тести

27. А.Н.Бернштейн (1911) томонидан таклиф этилган, тафаккур хусусиятларини, расмини, расмнинг яхлтилигини таҳлил қила олиш, унинг

баъзи қисмлари кетма-кетлигини ўрната олиш қобилиятини ўрганишга мўлжалланган методика қандай аталади?

- А) Расмлардан расм ҳосил қилиш
- Б) Психогеометрик тест
- С) Р.Мейли тести
- Д) Пиктограммалардан расм ҳосил қилиш

28. Мураккаб объектни турли таркибий қисмларга ажратиш ёки тавсифнома беришдан иборат фикрлаш операцияси қандай аталади.

- А) Анализ-тахлил
- Б) Синтез
- С) Агглютинация
- Д) Конкретлаштириш

29. Тафаккур турларидан бўлиб, бу тасаввур қилинаётган нарса ва ходисалар ҳақида фикрлашни тавсифлаб берадиган тафаккур тури:

- А) Кўргазмали образли тафаккур
- Б) Нутқли тафаккур
- С) Мантиқий тафаккур
- Д) Фазовий тафаккур

30. Тафаккур турларидан бўлиб, бу мантиқий операциялар, амаллар ёрдамида тушунчалар орқали ифодаланади. А) Сўз - мантиқий тафаккур

- Б) Кўргазмали образли тафаккур
- С) Фазовий тафаккур
- Д) Умумлаштирувчи тафаккур

31. Шахснинг гуруҳларда ижтимоий ўрнини аниқлашда қайси методдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ?

- А) Социометрия
- Б) Тест
- С) Эксперимент
- Д) Сухбат

32. Онгимизнинг бир нуқтага тўпланиб муайян объектга фаол қаратилиши бу:

- А) Диққат
- Б) Идрок
- С) Сезги
- Д) Абстракция

33. Қаътий мақсад асосида амалга оширилган ва айрим қийинчиликларни енгиш билан боғлиқ ҳаракатлар бу:

- А) Ирода
- Б) Тафаккур
- С) Ижод
- Д) Хаёл

34. Ҳар қандай иродавий ҳаракат нимадан бошланади?

- А) Мақсадни белгилаб англашдан
- Б) Мақсадсиз ҳаракатдан
- С) Ихтиёрсиз ҳаракатлардан
- Д) Қўрқоқликни енгишдан

35. Ниҳоятда кучли, қисқа муддатли ва тез орада ўтиб кетадиган эмоционал ҳолат бу:

- А) Эффект
- Б) Хотира
- С) Стресс
- Д) Ижобий эмоция

36. Шахснинг айнан ўзига ўхшаш одамлар образи орқали ўзи тўғрисидаги образни шакллантириш, жонлантириш нима:

- А) Рефлексия
- Б) Перцепция
- С) Апатия
- Д) Эмоция

37. Қайси жавобда флегматик болаларга тасниф берилган?

А) Кучли мувозанатлашган, диққати секин-аста тўпланади инерт ҳаракат ва нутқ темпи секин аста, интроверт фаолиятга секин-аста киришади, иши сифатли

- Б) Кучли мувозанатлашган ҳиссиёти тез кўзғалади ва ҳаракатчан
- С) Кучли мувозанатлашмаган инерт психик темпи тез сензитивлиги кам
- Д) Сензитивлиги юқори, кучсиз ҳиссиёт тез кўзғалади ва кучли серҳаракат

38. Қайси жавобда холерик болаларга хос хусусиятлар ифодаланган?

А) Кучли, кўзғалиши тормозланишга нисбатан тез, мувозанатлашмаган ҳаракатчан

Б) Кучли мувозанатлашмаган, инерт диққати қийинлик билан кўчади, ўзига ишонади, бошчилик қилишни ёқтиради, юзга чопар

С) Овози баланд, ҳаракатчан, гап сўзлари тартибли ва тушунарли, ҳиссиёти ифодасиз

Д) Кучли мувозанатлашган, инерт ҳиссиёти тез кўзғалади ва ифодали

39. Жавобларнинг қай бирида сангвиник болаларга хос хусусиятлар ифодаланган?

А) Мимикаси тетик ва ифодали, ҳаракатчан, янги кишилар билан енгил чиқишиб кетади, қизиқиш, кайфияти ўзгарувчан, хушчақчақ

Б) Актив, ҳаракатчан, юзга чопар, мақталиб туришни хуш кўради, мувозанатлашган

С) Кам ҳаракат, овоз тони паст, мувозанатлашган ҳиссиёти тез кўзғалади

Д) Ҳиссиёти билинар-билиномас ифодага эга, қиёфаси қайғули фаолиятда мустақил, мувозанатлашмаган

40. Социометрик метод дастлаб ким томонидан таклиф этилган эди?

- А) Дж. Морено-Америка
- Б) Ж.Пиаже-Швецария
- С) Ф.Мюллер-Германия
- Д) Э.Геккел-Германия

41. Қайси олим ёш даврларига ажратишда ёш инқирозларига асосланган?

- А) Л.С.Выготский
- Б) Д.Б.Элконин
- С) Д.И.Фельдштейн
- Д) А.В.Петровский

42. «Мен ҳоҳлайман», «Ўзим бажараман» концепциялари бола шахсидаги қанақа сифатларни ифодалайди?
- А) Мустақилликка интилиш ҳаракатларини ифодалайди
  - Б) Боланинг инжиқлигини ифодалайди
  - С) Боланинг қайсарлигини ифодалайди
  - Д) Боланинг худбинлигини ифодалайди.
43. Инсонни фаолликка, ҳаракатга ундовчи сабаблар бу?
- А) Мотивлар, омиллар
  - Б) Темперамент, мижоз
  - С) Характер
  - Д) Кайфият
44. Интеллектуал қобилиятни њрганиш тестлари қайсилар?
- А) Векслер, Равен, Айзенк тестлари
  - Б) Социограмма, Пиктограмма
  - С) Саген, Розенцвейг
  - Д) ДДО, Кизиқишлар картаси
45. Қуйидагилар орасидан тадқиқот методларининг амалий гуруҳига кирадиганини топинг.
- А) Анкета-сўров
  - Б) Доналаш
  - С) Узлуксиз (лонгитюд)
  - Д) Натижаларни миқдорий ишлаб чиқиш
46. Жамият ўз аъзолари хулқ-атвориға нисбатан ишлаб чиққан ва кўпчилик томонидан эътироф этилган ҳаракатлар талаблари нима?
- А) Ижтимоий норма
  - Б) Ижтимоий санкция
  - С) Ижтимоий рол
  - Д) Ижтимоий установка
47. Жамият ўз аъзолари хулқ-атвориға нисбатан ишлаб чиққан ва кўпчилик томонидан эътироф этилган ҳаракатларини назорат қилувчи жазо ва рағбатлантириш тизими нима?
- А) Ижтимоий санкция
  - Б) Ижтимоий рол
  - С) Ижтимоий норма
  - Д) Ижтимоий установка
48. Шахсининг конкрет ҳаётӣй вазиятлардаги ҳуқуқ ва бурчларидан иборат ҳаракатлар мажмуи:
- А) Ижтимоий рол
  - Б) Ижтимоий санкция
  - С) Ижтимоий норма
  - Д) Ижтимоий установка
49. Антропометрия нима?
- А) Бола танасининг айрим қисмларини ўлчаб ўрганиш
  - Б) Болалар диққатининг ҳажмини ўлчаб ўрганиш
  - С) Бола сўз бойлигини ортиб боришини ўрганиш
  - Д) Бола сезги аъзоларининг сезгирлик чегарасини ўлчаб ўрганиш

50. XIX асрнинг охирида Лейпцигда рецепторлар таъсирининг хусусиятларини ўрганишга бағишланган илмий лаборатория очилди. Уни ким очган?

- А) В.Вундт
- Б) Н.Ланге
- С) В.Штерн
- Д) Тидеман

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Каримов И. А. Ўзбекистон XX1 аср бусағасида. –Т.: «Ўзбекистон», 1997. -329 б.
2. Каримов И. А. Баркамол авлод–Ўзбекистон тараққиёти пойдевори. Т.: Шарқ, 1998,-64 б.
3. Айзенк Г. Классические IQ тесты. Москва. Изд-во Эксмо, 2004 г.
4. Анастаси А. Психологическая тестирование. В 2 кн. Пер. с Англ. ( Под ред.К.М.Гуревича, В.И.Лубовского, М.: Педагогика.1982 г.).
5. Бурлачук Л.Ф. Психодиагностика личности. - К.: Здоровье. 1989 г.
6. Воҳидов М. Болалар психологияси. –Т.: «Ўқитувчи», 1982. -366 б.
7. Грановская Р.М. Элементы практической психологии. –Л.: ЛГУ, 1984. -392 б.
8. Ижтимоий психологик тренингдан практикум. //Муаллифлар жамоаси. М.Абдуллажонова ва б. – Фарғона, 2003 й.



9. Интеллект психологияси. Тошкент. «Университет». 1996 й.
10. Искандаров Э.А. Билиш фаолиятини ўрганиш ва ривожлантириш услублари (ўқув-методик ишланма). СамДУ нашри, 1995 й.
11. Искандаров Э.А. Лицейда психологик хизматни ташкил этиш масалалари. СамДУ, 1997. 45-47 б.
12. Искандаров Э.А. Тест-талабалар билими ва мустақил фикрлаш даражасини аниқлаш воситаси. //Психологиянинг баъзи масалалари. Илмий мақолалар тўплами. СамДУ 1995 й., 14-20 бет.
13. Искандаров Э.А. Шахслар руҳиятини ўрганиш услублари (методик тавсиянома). Самарқанд, СамДУ нашри. 1994 й.
14. Каримова В., Акрамова Ф. Психология. Маърузалар матни. – Т., 2002.
15. Каримова В.М. «Ижтимоий психология асослари» - Т., Ўқитувчи, 1994.
16. Каримова В. М. «Ижтимоий психология ва ижтимоий амалиёт» - Т., Университет, 1999.
17. Каримова В. М. Психология. Ўқув қўлланма. – Т., 2002.
18. Квинн В. Прикладная психология. - СПб., 2000.
19. Матмуратова.Н.Б. Психодиагностика фанидан маърузалар матни. - Т., 2000 й.
20. Немов Р.С. Психологическое консультирование. М.: «Владос». 2000 г.
21. Нишонова З.Т. Болалар психодиагностикаси. - Т.: 1998.
22. Общая психодиагностика. М.: Изд-во. М.Ун-та 1987 г. 305 ст. под.рек. А.А.Бодалева.
23. Познай себя и других. Тесты. М., 1996.
24. Психологическая диагностика: Учебное пособие. /Под ред. К.М.Гуревича, Е.М.Борисовой. 2-е изд., испр. - М., 2000.
25. Психология. Учебник. Под.ред. В. Крылова. – М., 1999.
26. Социальная психология и этика делового общения. Под.ред. В.Дорошенко и др., -М., 1995.
27. Умумий психология. А.В.Петровский таҳрири остида. –Т.: «Ўқитувчи», 1992.-508 б.
28. Чалдини Р. Психология влияния. - М., 2000.
29. Ғозиев Э. Интеллект психологияси. - Т., 1996.
30. Ғозиев Э. Тафаккур психологияси. - Т., 1990.
31. Ғозиев Э. Хотира психологияси. - Т., 1994.
32. Ғозиев Э. Психология. –Т.: «Ўқитувчи», 1994. -508б.
33. Ҳайитов О.Э., Лутфуллаева Н.Х. «Психодиагностика ва амалий психология». - Т. 2005.

## МУНДАРИЖА:

Кириш .....	3
“Шахс ривожланишининг психологик педагогик диагностикаси” курсидан амалий машғулотлар ишланмалари.....	6
1–мавзу: «Шахс ривожланишининг психологик педагогик диагностикаси» курсининг предмети, мақсад ва вазифалари.....	6
2 – мавзу: Шахс шаклланиши ва ривожланиши.....	14
3–мавзу: Психодиагностик тадқиқотларни ташкил қилиш ва ўтказиш. ....	18
4 – мавзу: Психодиагностика тарихи. ....	29
5–мавзу: Психодиагностика методлари ва уларнинг классификацияси. ....	35
6 – мавзу: Билиш фаолияти диагностикаси ва методлари. ....	40
7 – мавзу: Интеллект психодиагностикаси ва методикалари. ....	46
8 – мавзу: Шахс психодиагностикаси. ....	55
9 – мавзу: Шахслараро муносабатлар диагностикаси. ....	61
10 – мавзу: Психологик ва педагогик маслаҳатлар асослари .....	69
“Шахс ривожланишининг психологик педагогик диагностикаси” курсидан лаборатория машғулотлари ишланмалари .....	74
1- мавзу: Психодиагностика методлари ва уларнинг классификацияси. ....	74
2-мавзу: Билиш фаолиятини психологик диагностика қилиш методлари. ....	80
3- мавзу: Ақлий фаолиятни ўрганиш учун методикалар. ....	81
4-мавзу: Шахс хусусиятларини ўрганиш буйича методикалар.....	81
5- мавзу: Психологик ва педагогик маслаҳатлар асослари.....	90
«Шахс ривожланишининг психологик педагогик диагностикаси» курсидан мавзуларни мустаҳкамлаш учун саволлар.....	95
«Шахс ривожланишининг психологик педагогик диагностикаси» курсидан тест топшириқлари .....	97
Фойдаланилган адабиётлар:.....	104
МУНДАРИЖА: .....	106

*Искандаров Э., Нормуродова Н.*

**Шахс ривожланишининг психологик педагогик  
диагностикаси курсидан амалий ва  
лаборотория машғулотлари ишланмалари**

СамДЧТИ тахрир-нашриёт бўлими:

Эшқобилов А. – муҳаррир

Бердиев Қ. – тех. муҳаррир

Индиаминова З. – компьютерда саҳифаловчи

*Босишга 5.09.08 рухсат этилди.*

*Адади 100 нусха. Қозғоз бичими А5.*

*Буюртма рақами 122 .*

*СамДЧТИ босмахонасида чоп этилди.*